



ШУКРУЛЛО



ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

**II
ЖИЛД**

**шеърлар
рубойлар
дostonлар**



ШАРҚ НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2008



Шукрулло

Танланган асарлар: II жилд/шеърлар, рубоийлар,
достонлар. — Т.: «Шарқ», 2008. — 240 б.

ББК.84(5Ў)6.

ISBN 978-9943-00-261-6

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси,
Бош таҳририяти, 2008

СЎЗ БОШИ ЎРНИДА

Тушунилиш эҳтиёжи

Оқсоқол шоиримиз Шукрулло таништиришга муҳтож одам эмас. Уни нафақат Ўзбекистон, балки МДХ давлатларида ҳам яхши танишади. Ҳатто, шоирни ўзимиздагидан кўра ташқарида машҳурроқ дейиш ҳам мумкин. Аммо ижодкор бугунги ўзбек ўқувчилари ва адабиётшунослари томонидан тушунилишга муҳтождир десам, хато бўлмайди. Негаки, авлодларнинг алмашиниши, миллий тафаккурдаги туб эврилишлар халқнинг адабий дидини ҳам тамомила янгилади. Натижада, кечагина бинойидай туюладиган ифода бугун ғоят ғариб туюлиши ажабланарли эмас. Ҳар қандай шоир ҳам у қанчалик кўнгили кишиси бўлмасин, битикларида ўз кўнгли ройишларини акс эттирмасин, барибир ўзгалар томонидан тушунилишни истайди. Чунки чин ижодкор кўнгили дардлари билан ўртоқлашиш чидаб бўлмас заруратга айлангандагина қўлига қалам олади.

Баъзан ижодкор ҳам оддий бир банда сифатида адашиб зарарли ғоя, чалкаш мафкурага эргашиши, нотўғри фикр айтиши мумкин. Лекин унда бирор кун нотўғри йўлдан қайтиб, тўғрисига тушиб олиш имкони бўлади. Санъаткор учун бадиий адабиётнинг вазифасини тушуниш, унинг ифода йўсинини тайин этишда хато қилиш фожиадир. Шукрулло ака ва унинг авлоди ана шундай қисматни бошидан кечиришга мажбур бўлган ижодкорлардир. Ҳар қандай одам ўз авлоди арасида яшайди. Даврнинг нуқси ижодкор шахсга бошқаларга қараганда кучлироқ уради. Шунинг учун ҳам даврда туриб, ундан ташқарида бўлиш, таъсирига берилмаслик мумкин эмас. Айниқса, давр одамнинг фикру ўйлари, ҳис-туйғуларига ҳам хўжайинлик қилса. Шўро ижодкорларининг катта авлоди, нисбатан эркинроқ замонларда, чин бадиий сўзнинг таъмини туйиб, адабий изланиш лаззатларини таъбига сингдириб улгурган эдилар. Шунинг учун ҳам улар-

нинг энг «қизил» битикларида ҳам кишининг юрагини жиз этказадиган нимадир бўларди. Чунки улар адабиётнинг, биринчи навбатда, санъат эканлигини туйиб улғайишганди.

Қатағон ҳадди аълосига кўтарилган, умуман одамнинг, жумладан, ижодкорнинг шахси ҳам сариқ чақага олинмайдиган, улкан Иттифокдаги неча миллионлаб одамлар руҳан синдирилган, ёлғон сўзлаш ахлоқ, яланғоч шиорларни қофияга солиш поэзия, сохта туйғуларни куйлаш санъат саналган даврда ижодкор сифатида шаклланган бутун бир авлодга ифодада яланғочлик, мавзуда жўнлик вируси юқтирилган эди. Улар буни истамагандилар, бироқ шундай бўлишга маҳкум этилган эдилар. Чунки бу даврда асл вазифаси кўп маънони ифодалашдан иборат бўлган бадиий сўз аниқ биттагина маънони англатиши зарур эди. Бадиий асар шундай ёзилиши керак эдики, ундан, қанчалик истамасинлар, ҳеч ким ҳеч қандай иккинчи маънони тополмаслиги керак эди. Бундай ифода бадиий эмасди, ammo хавфсиз эди. Сўзининг салгина ўзгача тушунилишига йўл қўйган ўнлаб ижодкорлар «халқ душмани» сифатида жисмонан йўқ қилинганини кўрган ижодкорлар жўн ва яланғоч ёзишга, бинобарин, имкон қадар адабиётнинг жони бўлмиш образли ифодадан қочишга мажбур эдилар.

Шунинг учун ҳам Ш. Рашидов, Туроб Тўла, Раҳмат Файзий, Шухрат, Иброҳим Раҳим, Саид Аҳмад, Рамз Бобожон, Асқад Мухтор, Пўлат Мўмин, Сарвар Азимов каби ёзувчилар ўз ижодий имкониятларини тўла намоён эта олмай ўтдилар. Негаки, уларнинг танглайи сиёсий хатога йўл қўймай, руҳсат этилган ғоявий ҳақиқатларни ҳамма тушунадиган йўсинда баён этиш талаби билан кўтарилган эди. Бу авлод *шахс* сифатида шаклланаётган пайтда давлат мафкураси одамнинг фикру туйғуларига ҳам андишасизларча хўжайинлик қилар, *ижодкор* сифатида қарор топаётган вақтда адабиёт сиёсатнинг югурдагига айлантирилиб, унинг миссияси ғоят жўнлаштирилган эди. Бу ижодий авлод истеъдодсизлиги туфайли эмас, балки талантини тўла намоён этиш хавfli бўлгани учун ўз ижодий имкониятидан тўла фойдалана олмади.

Уларнинг эҳтиёткорлиги ортиқча эмаслигини ўтган асрнинг 40-йиллари охири ва 50-йиллари бошида айна

шу авлоднинг бир қанча вакиллари узоқ йилларга қамалгани ҳам кўрсатиб туради. Жумладан, шоир Шукрулло ҳам миллатчи сифатида йигирма беш йилга ҳукм қилинган эди. Афсуски, эҳтиёткорлик ва чўчиш туфайли келиб чиққан мажбурий жўнлик фақат ташқи жиҳатгина бўлиб қолмади. Улкан хавотир йиллар давомида бу авлоднинг ички моҳиятига ҳам айланиб улгурди. Менимча, бу ҳол фақат бизгагина тегишли бўлиб қолмай, умумиттифоқ миқёсидаги хусусият эди. Ҳали адабиётшунослик илми бу авлод ижодий тақдирини теран тадқиқ этиши керак бўлади.

Ҳар қандай шароитда ҳам ижод ғоят бетакрор ва ўзига хос кечимдир. Шунинг учун Шукрулло ака мансуб авлодни ҳам бирдай тушуниш, тушунтириш ва баҳолаш мумкин эмас. Чунки қиёфасиз бўлишга мажбурлик ҳам баъзан чинакам ижодкорларни ўзлигидан маҳрум эта олмаса, баъзиларни таниб бўлмайдиган ҳолатга солади.

* * *

Шукрулло ўзига хос овоз, тасвир йўналишига эга ижодкор сифатида салкам етмиш йилдан бери қалам суради. Лекин кейинги йилларда у кишининг ижодий қиёфасида жиддий янгилашни содир бўлди. Шукруллонинг шахс ва ижодкор сифатидаги ўзига хослиги шундаки, зарурат туғилганда, у узоқ йиллар давомида амал қилиб келган айрим бадиий қаноатларидан воз кечиб, янги эстетик тамойилларга таянишга ўзида куч топа билди. Шукрулло қартайганда, ижодий аъмолларини ўзгартиришдан малолланмагани учун кейинги пайтларда шоирнинг ижодида янги белгилар кўзга ташлана бошлади.

Шукрулло аканинг ёзганлари у кишининг табиатан қизиқувчан, ўзини жамият ташвишларидан четга тортмайдиган одамлигини кўрсатади. У киши адабиётга кўнгил эрмаги, туйғулар ўйини эмас, улкан бир ижтимоий юмуш деб қарайди. Шунинг учун киши ижодга ўзини тўлиқ бағишлаши, илҳом оташида ёниши керак деб ҳисоблайди. Оқсоқолнинг «Жавоҳирлар сандиги» асаридаги: *«Илҳом қаланган ҳўл ўтин эмас, ...неча вақтдан бери қизишиб, бир шамол елпиши билан гуруллаб ёнган олов»*, — деган фикрида ҳам адабиётда из қолдирмоқ учун ижодкор ўзини унга тўла бағишлаши кераклиги таъкидланган.

Адиб ҳамиша эзгуликка интиланган ва унинг тантанасига ишонган одам. Бу хусусият унинг 1941 йилда ёзган «*Истайманки, олам ҳамиша Баҳор чоғи, тонготар бўлсин*», — деган тўхтамидаёқ намоён бўлганди.

Қўлингиздаги сайланма Шукрулло аканинг узоқ ва маънили ҳаёти, заҳматли ижодий умрининг сарҳисоби сифатида дунёга келди. «Сайланма»да кўпни кўрган адибнинг турли йиллардаги ўй-хаёллари, орзу умидлари, кайфияту ҳолати акс этган шеърлар берилган. Бу шеърларни илғамоқ шоир Шукруллони тушунмоқ демакдир.

Шоир узоқ умри мобайнида талай долғали ҳодисаларни бошидан кечирди. Шу боис ҳамиша тинчлигу хотиржамликка интилиб яшади, асарларида ҳам шу орзуга эришишни кўп тасвирлади. Лекин у қабристон тинчлигини эмас, балки ҳаёт барқ уриб турган, кўркувдан эмас, балки яшнаб турган эркин ҳаётдан ҳосил бўладиган собит тинчликни тилайди. «*Истак*» шеърида шоир бу жўндаги қарашу туйғуларини шу тарзда ифодалайди:

*Сувлар шилдирасин, қушлар сайрасин,
Олам сув қуйгандек, майли, бўлсин тинч.
Зиндоний тинчликдан лекин асрасин,
Ғанимлар солмасин кўнгилга кўрқинч!*

Негаки, «Тақдир» шеърида таъкидланганидек, «*Кўрқиб яшашликнинг ўзи ҳам ўлим*». Шукрулло кўнгилдагидай яшай билмаслик яшамасликдан ёмон эканини тегран ҳис қилади ва таъсирли ифода этади.

Одам кўп кўриб, кўп билгани сари кам билишини англаб бораверади. Шунинг учун ҳам Шукрулло агар ўтган асрнинг 50—60-йилларидаги шеърларида ўқувчиларига қандай яшаш ва ҳаётни қай тарзда йўлга қўйишни ўргатган бўлса, ҳозирги шеърларида тирикликнинг барча паст-баландини кўрган донишманд шоир сифатида бировга йўл кўрсатиш эмас, ўзини тафтиш қилишга, ўз кўнгил оламини қадам-бақадам текширишга уринади. Шоир ўзи кузатган ҳаёт ҳақиқатларини билгичлик билан гоёят сокин, лекин юрагидан ўтказиб ифода этади. Шунинг учун ҳам унинг кўпчилик шеърларида поэтик муддао шеърнинг аввалидаёқ ўрта қўлдай кўзга ташланиб турмайди. Шеърни ўқиган киши унда-

ги ифодалар ҳақида ўйлаб кўришга, тасвирдан маъно келтириб чиқаришга мажбур бўлади.

Шоирнинг «Қарғалар» деб аталган шеърининг на номи ва на тасвир йўналиши унда гап меҳр-оқибат ҳақида боришини англатади. Шукрулло шеърда кўрқинчли мазор ва унинг теграсидаги оғочлар бошига кўнган қарғаларнинг кўнгилларга титроқ солгучи манзарасини чизади:

*Ғариб оқшом чўкди аста мазорга,
Ҳатто маънос каби булутли осмон.
Терак тепасида ўлтирар қарға
Сўниб қолган шамнинг сўхтасисимон.*

Шоирнинг руҳини безовта қилиб, қўлига қалам тутқазиб, шундай совуқ манзарани чизишга ундаган нарса «Сўниб қолган шамнинг сўхтасисимон» қарға тимсолидир. Шеърда бир-бирига тирикликда меҳр кўрсатмай, ўлгандан кейин кўрқинчли гўристонга ҳам келадиган одамлар қарғага ўхшатилади: «Аммо ўлганда-чи, бўлиб меҳрибон, Мазорга келамиз қарға сингари». Айтиш керакки, бу шеърда бадиий тасвир ва ундан келиб чиқадиган поэтик маъно асосли уйғунлаштирилган.

Шукрулло ака изланишдан бўйин товламагани, ўрганишдан қочмагани учун ҳам бугунги шеърятга хос тасвир услубини ўзлаштириб бормоқда. Бу ҳол унинг инсоний сезим ва руҳоний туйғуларни моддийлаштириб кўрсатишда янгича йўллар очаётганида намоён бўлмоқда. Шоир баъзи шеърларида сабабни кўрсатиб ўтирмай, оқибатни тасвирлайди. Чунки у ҳақиқий сабабни билиш инсонга буюрилмаганини, у фақат Яратганнинг ўзигагина маълумлигини англайди. Шу хил англаш унинг кўнглига қаноат туйғусини солади. Шу боис «Из» шеърида: «Яна баҳор келди! Қолган умр ҳам ўтади сездирмай, эригандек қор», — дер экан, кўклам келганда, қорнинг сездирмай эришини инсон умрининг билдирмай ўтиб бораётганига ўхшатади.

Шукрулло қатор шеърларида ижтимоий тафаккури янгиланган миллатнинг сезимларини, туйғуларини англашга, бунинг учун ўзгаларнинг ҳиссиётини улар каби туйиш ва ифодалашга интилади. Бу ҳол ундан шу вақтга қадар ўз ижодий тажрибасида фойдаланиб келган тасвир воситаларини янгилаш, ифода йўсинларини туб-

дан ўзгартиришни талаб қилади. Даврнинг талабини тўғри англаган шоир шеърларининг ифода тарзини янгилашдан оғринмайди. Қуйидаги тасвирлар ана шу янгиланишлар меваси ўлароқ пайдо бўлган:

*Қуёш ботиб шафақдан
Олам ёнарди гўё.
Айрилиқдан фироқдан
Сенга тор бўлди дунё.*

*Йиғлама, кўз ёшингдан
Кўксимга тушди оташ.
Олам шафақдан эмас,
Уни ёндирган кўз ёш.*

Бу ўринда шоирнинг мажоз билан фикрлаётгани, борлиқни кўринганидай эмас, балки туюлганидай акс эттиришга уринганини яққол кўзга ташланади. Шоир «Рашк» шеърисида: «*Шафтоли гулининг ранги оқ пушти, Ошиқлар қалбига энди ўт тушди*», — деб ёзар экан, мисраларда акс этган ҳолатни ҳамма учун ягона универсал ҳаётий реаллик деб даъво қилмайди. Балки, қисмда бутун, томчида дарё акс этишига уринади.

Шоирда нафақат одамлар, балки бепоён оламдаги барча нарсалар ҳам зоҳир этади. Ўзини ҳам ҳеч нарсадан айри кўрмайди. Шу боис шоир ҳеч иккиланмай, дарахтнинг япроқларини ўзи битган мактублар, уларнинг сирли шитирлашини эса, дарду севинчлари сифатида тақдим этади:

*Сен мени соғинсанг, дарахтларга боқ,
Елпинган ҳар япроқ менинг хатларим.
Қулоқ сол. Қуйлаган япроқмас мутлоқ,
Мехр қўй, у менинг севинч дардларим.*

Маълумки, ижодкор қандай образни қаламга олмасин, аслида ўзини тасвирлайди. Ҳар бир одамга олам боридай эмас, балки ўша одамнинг ҳолату кайфияти кўтарганидай кўринади. Ницше айтмоқчи: «Дунёда тасаввурлардан ўзга ҳеч нарса йўқ». Шу боис ҳам инсоннинг ҳақиқат ҳақидаги тўхтамлари ўта нисбийдир. Бинобарин, кекса одам нафақат ёшлиги, балки болалигини ёзаётганда ҳам кексалигини ифодалаётган бўлаверади ва аксинча. Шукруллонинг «*Кайф*» шеърисидан олинган қуйидаги қаторларда гўзалликдан эмас, балки

кексалиги эсга тушганидан озорланган киши кайфия-
ти муҳрланган:

*Қушлар овозига ҳамоҳанг, ҳамроз,
Қани чулдираган тиниқ ариқлар?
Қани ўша йиллар, қани ўша ёз?
Назаримда, қушлар куйламас, йиғлар.*

Бу парчада ёшлиги олисларда қолган киши ҳолати акс этган. Шунинг учун ҳам бир замон боғдан ўтган қизлар сочининг ҳидидан маст бўлиб юрган таъсирчан қаҳрамонга бугун қушларнинг шодон сайраши йиғи бўлиб туюлади. Чунки у — қайтмас бўлиб кетган йилларни қўмсаётган ўксик қалб эгаси. Шеърда ижтимоий фожиа йўқ, лекин шахсий йўқотишнинг жуда улкан ва самимий, ортиқча навозишлардан холи ифодаси бор.

Айни вақтда, кўпни кўрган оқсоқол шоир дунёнинг бевафолиги, умрнинг ўткинчилигига кайвониларча бағрикенглик билан ёндашади. Қаламга олинаётган туйғулар ғоят чигал, руҳий вазият қалтис, лекин Шукрулло атай содда ифода йўсинини танлайди. Ҳаётнинг кўп синовларидан ўтган тажрибали одам сифатида ўқувчини: «Дунё гўё қизил ё сариқ олма, Бу яхши, ёмон деб ёнини олма. ... Кўнгилдагин айтиб балога қолма!» — дея огоҳлантиради.

Шоир шеърларида табиатни тасвирлар экан, аввало, одам кўнглини, сезимларини кўзда тутлади. Шоир учун куз шунчаки фасл эмас, у инсон умрининг муайян босқичи рамзи. Шу боис Шукрулло куз манзараси тасвирига қутилмаган қўшимча маънолар юклайди. Кузнинг тароватсизгина кўринадиган белгиларидан гўзал жозоба, эпкинли ҳарорат топади:

*Япроқларни тўкди эртанги шамол,
Димоққа урилди кузнинг ҳавоси.
Сўрамасдан келар бағзида не ҳол?
Бошланиб қолади тарнов навоси.*

Шеърда кузга ўзбек деҳқонининг назари билан қаралганлиги учун ёмғир бевақт ёққандай туюлгани акс этади. Шукрулло айрим шеърларида йилнинг хазон фасли бўлмиш кузни инсон умрининг хазон палласига мувозий санамайди. Уни ғоят жозибали, таровату ҳуснга

тўла бир фурсат тарзида тасвир этади. Зеро, нафақат йилнинг, балки умрнинг кузи ҳам ўзига хос гўзалликка тўла эканидан бўлса керак, одамнинг яшагани сари яшагиси келаверади.

Шоир ғоят ингичка бир нигоҳ билан оғочларни тарк этишга тайёр бўлиб турган омонат япроқларни кетаётган қўноққа ўхшатади:

*Тизилишиб турар кузги япроқлар,
Гўё булар йўлга отланган карвон.
Ёзги сафарини тугатди улар,
Боғларимда бўлиб ёз бўйи меҳмон.*

Некбин туйғули шоир кетиш фасли бўлмиш кузнинг таровати тасвирига ҳаётга муҳаббат, кечирилаётган кундан розилик туйғуларини жойлай билади: «*Безаниш, муҳаббат, атроф олтин ранг, Бир нафас қувониб ким олмас баҳра? Кузги япроқларда бир дунё оҳанг, Гўё олам қўшиқ, ранг тўла сахна*».

Шукрулло айрилиқ туфайли чеккан чуқур изтиробларини ҳам таъсирчан йўсинда поэтик ифодалайди. Чунончи, шоирнинг «*Расул Ҳамзатовни хотирлаб*» деб номланган шеърида одам одамга тиргак, суянч экани ғоят самимий тарзда ифода этилган. Шоирнинг бу шеъри яқин дўстини йўқотган одамнинг қўнгилини бўшатиш истаги сифатида табиий равишда туғилгани учун ҳам ундаги ҳар бир ташбиҳ нишонга аниқ тегади. Унда Шукруллонинг самимий шахсияти тўла намоён бўлган:

*Кечагина, Расул, саломатликка
Қадаҳ кўтаргандик қолдирмай юқин.
Мана энди менга қолдириб кетдинг
Соғинч, айрилиқнинг тоғдек зил юкин.*

Сўнги мисрадаги «*тоғдек*» сўзи ўқувчига айрилиқ юкиннинг залворини сездирадиган ўхшатишдан ташқари, Расул Ҳамзат бир умр куйлаган тоғларни эсга тушириши, яъни дунёдан ўтган шахснинг рамзи ўлароқ қўлланганлиги билан ҳам айрича поэтик аҳамият касб этган.

Оқсоқол шоир унча-мунча поэтик экспериментлардан чўчимайди. Ундаги бу хусусият Расул Ҳамзатовнинг «*Набирам Шаҳризодга*» номли насрий шеъри таржимасида намоён бўлади. Хаёлий савол-жавобга қурилган бу мансурада бобо билан неваранинг тақдирлари

мувзий қўйиб тасвирланади. Шеърда йиғлоқи неварарга узун ҳаёт йўлини босиб ўтган бобонинг ота-она ҳақида гапира туриб: «Ахир сенинг отанг бор, онанг бор. Мен аллақачон отамдан ҳам, онамдан ҳам айрилганман, Сен эмас, мен йиғлашим керак», дўстлар хиёнатига тўхталиб: «... неча марта дўстларим хиёнат қилди, Менинг душманларим бор. Мен йиғлашим керак», уруш даҳшатларини бошидан ўтказнанини айтиб: «Сен уруш даҳшатини, одамларнинг қандай ўлганларини кўрмагансан. Қанча дўстларим у ерларда қолиб кетишди, Мен йиғласам арзийди», тухматга қолганидан зорланиб: «Сенга ҳеч ким бўҳтон ҳам қилмайди, Сен ҳали ёлгон нималигини билмайсан, қалбинг пок. Сен ухлаганингда ҳеч ким сени безовта қилмайди, Мен йиғлашим керак-ку», — деган таъкидлари ўта таъсирли ифода этилган. Шеърнинг биргина сўнги, асарнинг поэтик моҳиятни ўзида акс эттирган банди серийиғи неварар тилидан берилади:

*Буважон, сен ҳаммасини бошдан кечириб бўлдинг, шукр қил.
Менинг бошимда ҳали булар турибди.
Сен айтганингдек, ёлгон, хиёнат, уруш яна такрорланса-чи?
Буважон, сен шундай қилгинки, сира-сира такрорланмасин.*

Шеърда ёш авлоднинг зиммасида ҳам ўзига яраша ижтимоий-маънавий юк борлиги таъкидидан ташқари, катталарнинг келажак олдидаги масъуллиги ҳам акс этган. Шеърда шоир Шукруллога ҳам ўртоқ туйғулар тасвирга олингани учун мансуранинг таржимаси оригинал янглиғ жаранглайди.

Шукрулло шеърляти фақат кўнгил навозишлари ифодаси эмас. Тўғрироғи, шоирнинг поэзияси кўнгил тўлғонишларини акс эттиради, лекин унинг кўнгли кўпларнинг қалби билан туташиб кетган. Бу ҳол шоирнинг манзара шеърларида яққол кўзга ташланади. Шукрулло чизган поэтик манзаралар аниқ, таъсирчан ва кўп маъноли экани билан эътиборли:

*Чирт-чирт узилади боғларда япроқ,
Дарахтлар юк ташлаб тортибди енгил.
Майсалар ичида сувлар қўнғироқ,
Бир ором кайфида яйрайди кўнгил.*

Шеърдаги ҳосилидан қутулгач, қоматини тиклаган мева-вали оғочлар, майсалар ичида шода-шода қўнғироқ

бўлиб жилваланган кузги чиқ (шудринг)нинг тасвири ўз ҳолича ҳам таъсирли. Лекин шоир учун куз манзарасини чизишнинг ўзи муддао эмас. У мевали оғочларнинг бу ҳолати тасвиридан ҳаётий маъно чиқаради:

*Теварак боғларда тўкилар япроқ,
Меҳнаткаш дарахтлар тиклайди қаддин.
Йўловчи, бир нафас сен уларга боқ,
Сенинг гердаймакка бормикан ҳаддинг?!*

Агар олдинлари Шукрулло ўз шеърларида барча фикрини очиқ айтган бўлса, кейинги йилларда ишора қилиш, имлаш, ўқувчининг тасаввурига ишониш майли устуворлик қилмоқда. Шеърларининг бирида ёзги боғда сайраган булбуллар, оғочлар соясида роҳатланган меҳмонлар образлари шунчаки йўлакай тилга олинади. Бир қарашда, шеърнинг замирида ҳеч қандай тағмаъно йўқдай туюлади:

*Ёз кетди. Дарахтлар сўлгин тус олди,
Ненингдир дардида ранги заъфарон.
Сайраган булбуллар қайга йўқолди?
Қани соясида бўлганлар меҳмон?*

*Қўм-кўк либослари ерга тўкилди,
Уғри урган каби қолди яланғоч.
Булбуллар ўрнига қарғалар келди,
Энди соя солмас мевасиз оғоч.*

Бу тасвирлар шоир билан бирга ўқувчини ҳам безовта қилади. Чунки у «сояда меҳмон бўлганлар» ва «сайраган булбуллар» кўрган яхшиликларига яраша оқибат қайтармаган кишилар рамзи эканини сезгандай бўлади.

Шукруллонинг сайланмага кирган айрим шеърларида билмай қилинган гуноҳ учун ҳам жавоб бериш кераклиги таъкидланади. Шоирнинг «*Дарахт қайдан билсин дор бўлишини*» сатри билан бошланадиган «*Қарғиш*» шеърисида шу ҳолат акс эттирилган. Уч бандлик шеър қуйидаги аянч манзара тасвири билан ниҳояланади: «*Кўналға қилмасди, қўнмасди қушлар, Гўё қон исидан безиб қочарди. Ёғайтган ёмғир гўё қарғишлар, Беғуноҳ кўзёшлар бўлиб оқарди*». Бу сатрлар гўё оғоч ҳақида. Лекин шоир табиатни одамдан айри кўрмайди. Чиндан ҳам атроф жавонибнинг қандай кўриниши, унинг ўзидан ҳам кўра кўпроқ, бизнинг тасаввур ва кайфияти-

мизга боғлиқдир. Қачонлардир қилинган ёмонликка во-
сита бўлгани учун ҳамон жазо тортаётгани тасвирлан-
ган оғоч оғочдан кўра, одамдир. Лекин шоир буни
очиқ айтмайди, қиссадан ҳисса чиқаришга, ўғит бе-
ришга уринмайди.

Шукрулло — ҳаётда ҳам, ижодда ҳам самимий одам.
Бу феъл уни шеърий ҳаққоният йўлидан юргизади. Шу
боис битганларида пардоз, жимжима кам учрайди. Шо-
ирнинг кейинги йилларда ёзилган шеърларидан бири
«Мендан гина қилма, мендан ранжима», — деб бошла-
нади. Чин гап шуки, менга ушбу чақирикнинг қандай
ҳаётий асоси борлиги, шеър нима муносабат билан
ёзилгани маълум эмас. Зеро, шеърхон учун муайян бир
шеърнинг ким ва нима учун ёзилганидан кўра, қандай
ёзилгани муҳимдир. Менга бу шеър ўзининг ҳозирги
ҳоли ва имкониятини жуда яхши биладиган ҳамда бун-
дан хижолат чекмайдиган ўтоғаси киши кайфиятининг
чин манзараси бўлиб кўринди:

*Қариб оқибати қолмабди дема,
Сен кўрган дарёлар айқириб тинди.
Етди қирғоққа ҳам омонат кема,
Афсус ва надомат ортилар энди.*

Умрининг шоми сари бораётган шоир туйғуларининг
самимийлиги, бу изҳори дилда зарра бўлсин ёлғон,
хўжакўрсинлик, донишмандлик даъвоси йўқлиги ки-
шини ром этади. Бу сатрларда қирғоққа яқинлашган
омонат умр кемасига афсус-надомат юклари ортила-
жаги ғоят самимий, улкан бир инсоний дард, қоим
бардош ҳамда сокинлик билан ифода этилган.

Шуниси эътиборга лойиқки, шоир шеърларида
унар-унмасга кайвонилик қилмайди, йўл кўрсатишга
уринмайди. Баъзан шоирона нигоҳи илғаган бирор по-
этик манзарани чизиш билан кифояланади. Унинг бир
қатор битиклари лаҳзани мангуликка муҳрлай олгани-
нинг ўзи билан поэзиядир. Чунончи, Шукрулло бир
шеърида табиатнинг ўта аниқ ва кўрқинч манзараси
тасвирини куйидагича беради:


*Осмонда бошланди булутлар жанги,
Бирдан теваракни босди гўлдурос.
Ҳатто, чўчиб ўчди қуёшнинг ранги,
Бўрон олиб келган даҳшатдан бехос.*

Олдинлари шоир бундай ваҳимали даромаддан сўнг бирор ижтимоий параллелни келтирган ва ундан хулоса чиқарган бўларди. Шукрулло бу гал шеърни пейзаж тасвири эканича қолдиради ва асар якунида: «*Булуларни ёриб балқиди қуёш, Шодликдан баргларда милтиллади ёш*» тарзидаги гўзал ҳолат манзарасини беради.

Шоир «*Баҳор кечаси*» деб аталган шеърда кўклам тунини ҳеч бир ижодкор назари илғамаган йўсинда тасвирлайди: «*Қуёш ботиб кетди. Бир тутам нури Варрак думларига илашиб қолди*». Миллий поэзиямизда Тошкент кўкламининг бундан ҳам самимий ва колоритли қилиб чизилган шеърини манзараси йўқ. Шоир бу шеърда поэтик кайфиятидан келиб чиқиб, кўкламги тафсилларнинг ҳаммаси ва ҳар бирида гўзаллик, нур, эзгулик кўради ва ўз туйғусини ўқувчиларга ҳам юқтиради. Шеърни: «*Қандай одам севмас умр баҳорин! Қалбларни бир умр тарк этма, севги!*» — тарзидаги даъват билан тугатади. Бу ифодада яланғоч чақириқ бўлмагани учун ҳам ўқувчига кучли таъсир қилади.

Шукруллонинг шеърини билан бўладиган учрашув ўқувчиларга ёқимли туйғулар бағишлайди ва оқсоқол шоирнинг навқирон поэтик боғига қилинадиган сайр хайрли бўлади деб умид қиламиз.

Қозоқбой Йўлдош,
педагогика фанлари
доктори, профессор
2007 йил 1 май.



* * *

Ҳамду сано бўлсин номинга, Тангрим,
Табаррук ёшга ҳам етдим саломат.
Қуёш нури билан отаркан тонгим,
Ўзинг пано бўлдинг, соҳибқаромат.

Фориғ этмак учун ахир гуноҳдан
Виждон, инсоф қилдинг банданга ато.
Афсус, бор эканки, дунёда шайтон,
Асло бўлолмадик беайб, бехато.

Жаллод қиличининг тиғи остида
Шайтон ғолиб келиб, ёлғон сўзладим.
Золим ўлганида атрофга боқиб,
Ҳатто баъзилардек зўрдан бўзладим.

Нақадар заҳарли қиличнинг тиғи,
Нақадар золимнинг амри бешафқат.
Мақтов, мартаба-ю нафснинг тузоғи
Кимларни домига тортмаган фақат.

Қай бахтли, сен севган банданг топилур,
Гуноҳлардан холи, беайб, бенуқсон.
Худонинг жаннатий бандаси бўлур
Тилин тазарруга келтирган инсон.

* * *

Күеш ботиб, шафақдан
Олам ёнарди гүё.
Айрилиқдан, фироқдан
Сенга тор бўлди дунё.

Йиғлама, кўз ёшингдан
Кўксимга тушди оташ.
Олам, шафақдан эмас,
Уни ёндирган — кўз ёш.

Тўкилмасди кўз ёш ҳам,
Агар бўлмаса риё.
Шафақ эмас, зинодан
Ёниб тугайди дунё.

Фаришта қиз, сен куйма,
Барча гуноҳлар куйсин!
Риёкор, гуноҳкорлар,
Бари гўлаҳда куйсин!

Бу дунёга сизмаса,
Агар сен тортган алам.
Қалбимни қўшиб берай
Шундан кенгайса олам.

ОЙБЕКНИНГ ГУЛИ

Ойбек ҳар тонг туриб гулзорин кезар,
Бир дона гул қўяр ҳар тонг гулдонга.
Бир ҳовли гулзордан бир дона узар,
Нега гулдастамас, бир дона, нега?

Гоҳ ўйчан, гоҳ хушҳол гулга боқар у,
Бошин шу фурсатда чулғар не хаёл?
Уни мафтун этган гўзал қизми бу,
Ё ёрдан айрилган ёлғиз бир аёл?

Буюк орзулар-у дард тўла юрак
Наҳот муҳтож гулдан таскин топгани!
Балки хаёл билан сезмаса керак
Гулзорга кирганин, гулга боққанин.

Гулга боқарди-ю назаримда, у
Чиркин хаёлларни қувиб оларди.
Чехрасида қувонч, лабида кулки,
Фикрин гулоб билан ювиб оларди.

Гулга боқарди-ю, унинг наздида
Худди гулдек поку беғубор олам.
Бир дам холи бўлиб дунё дардидан,
Бир дам яхшиликдан оларди ором.

* * *

Боғдан эшитилди қизлар кулгиси,
Жўр бўл, шоир, олиб танбурни қўлга.
Теваракни тутди сочларин иси,
Кетларидан қолмай отлангил йўлга.

Қалбинг тўла севги, қалб тўла илҳом,
Асло қариликни қилма баҳона!
Қизлардан айрилиб қолдингми, тамом
Шеър ҳам, илҳом ҳам сенга бегона!

* * *

Мунча боқиб қолдинг кузги баргларга,
Нени хаёлингга солди бу хазон?
Афсус уйғотдимиз ўтган умрга,
Марҳумлар тушдимиз ёдингга шу он?

Ўтганларни эслаш, савобдир бу ҳам,
Умрга сарҳисоб бериш ҳам даркор!
Хазонга тикилиб ўксиганинг дам,
Унутма қайтадан бўлмоғин баҳор.

* * *

Сен мени соғинсанг, дарахтларга боқ,
Елпиган ҳар япроқ менинг хатларим.
Қулоқ сол, япроқлар шитири эмас,
Менинг соғинчларим, менинг дардларим.

РАСУЛ ҲАМЗАТОВНИ ХОТИРЛАБ...

Илк баҳор элчиси, мангулик мисол
Куйлаб рақс тушаркан кўкда турналар,
Қувонч бахш этмайин, айрилиқ куйин
Гўё куйлаб ўтар қалбни тирналаб.

Қайсин вафотида ёш тўкиб, Расул,
«Сийраклашиб қолдик», дегандинг, бироқ,
Қани энди Қайсин? Қани энди сен?
Орамизга ўзинг солдинг-ку фироқ.

Қандай замон эди: барча барҳаёт,
Давиду Мустайлар учрашган чоғлар.
Ҳайрат уйғотарди барча кўрганда
Гўё туташгандек муҳташам тоғлар.

«Зулфия, Иракий, Сильва, Шукрулло
Дўстларим қайдасиз? Соғиндим беҳад...
Ҳа, мени дўстлардан қисмади Худо», —
Тақдирга шукрона айтгандинг қат-қат.

Қачон қадам қўйма Ўзбекистонга,
Даставвал уйимга кириб келардинг.
Йўқотган бисотин топган гўдакдек
Чехранг тўла қувонч, кулиб келардинг.

Кечагина, Расул, саломатликка
Қадаҳ кўтаргандик қолдирмай юқин.
Мана энди менга қолдириб кетдинг
Соғинч, айрилиқнинг тоғдек зил юқин.

Кеча ўзингга хос донолик билан
«Май ичишни ўтдим, — дединг, — баҳридан.
Мен-ку ташлай, дейман, аммо ичкилик
Мени қўймоқчимас, — дединг, — бағридан».

Доғистондек улкан, сахий қалбингга
Шодлик ҳам халқингнинг дарди жо бўлди.
Тинмас ирмоқлардан денгизлар пайдо,
Шеъринг дунё ичра бир дунё бўлди.

Ҳар бир каломингда, ҳар бир шеърингда
Халқнинг доғистонлик Расули эдинг.
Севги-муҳаббату, дўстлик, ҳақ сўзни
Куйлашнинг беқиёс усули эдинг.

Яна баҳор келди, афсус, ўзинг йўқ,
Айрилиқ куйлари дилни тимдалар.
Тепамда жар солиб, шеърингни ўқиб.
Бугун таскин бериб учар турналар.



МУСИЧА

Ҳовлимга қадрдон бўлган мусича,
Мунча ҳам соддасан, мунча бепардоз.
Мунча хокисорсан, камтарсан мунча,
Орзу ҳам қилмайсан баландга парвоз.

Қайси авлоддансан, таги-тахтинг ким,
Меросхўр қолдирган қайси ғариб зот.
Қафасда кимнингдир кўнглин овлоқдан,
Фақир ўз эркингни кўрдингми зиёд!

Ҳовлимга тушасан қушлар қатори,
Сени «Киш» демайман, малоллигинг йўқ.
Аммо сенга боқиб ғариб дўстимни
Ёдга соласан-у уйғонар ўксик.

Қара, атрофингда, булбуллар сайрар,
Қалдирғочлар кўкда қилади парвоз.
Наҳот сенда ҳавас уйғотмас улар,
Ҳатто устингда йўқ уларча либос.

«Мусичадек мўмин», деган ном билан
Яхши одамларга берилар баҳо.
Яхшига зиндон-у, ёмонга бўстон
Ҳеч қачон бўлмасин, гўзал бу дунё.

Шунча мўминсанки, ҳатто ўзгалар
Бенасиф қилсалар этмайсан парво.
Аммо орангизда муҳаббат рашки,
Бежанжал ўтмайди, ҳовлимда гоҳо.

Бола-чақа дардида тумшуғингда хас,
Ҳовлимни баҳорда олибсан ёдга.
Мен ҳам келишинга ўз феълингга мос
Шеър битиб қўйдим, бепардоз, содда.

ОЧЛИК ВА МУҲАББАТ

Мен биламан, сенинг дардинг,
Эртадан кеч муҳаббат.
Ёшлигингдан мен билардим,
Ишқдан сўзлардинг фақат.

Муҳаббатдан сўз очилса,
Эшитмайдиган ким бор!
Ёшлар жон деб қулоқ солса,
Кексалар бир уҳ тортар.

Қани, энди, ёш бўлсайдим,
Демайдиган бўлмайди.
Демаса ҳам тилда «Севдим»,
Ўлгунча нафс ўлмайди.

Ёш ўтганда ишқдан сўзлаш,
Ярамайди деса ҳам.
Гўзалларни кўрганида,
Кўзин узолмас бир дам.

То ўлгунча, муҳаббатдан
Кечган одам бўлмайди.
Очдан ўлса, ўладики,
Муҳаббати ўлмайди.

БИТТА МЕН ҰЗИММИ?

Баъзан жон куйдириб, яқин дўст билиб,
Кимнидир хатодан бўлсанг сақламоқ,
Битта ўзимманми, фақат менми деб,
Ўзини гуноҳдан бўлар оқламоқ.

Ўзгалар ҳақиға хиёнат қилиш,
Агар бу ҳам десанг, гуноҳи азим,
Ўзинг гуноҳини бошқага тўнкаб,
Беғуноҳми, дейди ҳаттоки ҳоким.

Прокурор дўстим бор, гап ўрни келиб
Порадан сўз очсам, тинглаб сўзимни
У ҳам соддаликда мени айблаб
Битта менми, дейди, бир мен ўзимми...

Ё тавба! Ё тавба! Битта ўзимми
Деган баҳоналар чиқди қаёқдан.
Улар билармикин бошқалар эмас,
Ўзин осилишин бир кун оёқдан.

Баъзи бир миршаблар, судлар ҳам борки,
Қуруғин олишдан ҳатто тоймайди.
Бу жиноят десанг, битта менми, деб
Ўзин оқламоқдан асло толмайди.

Мабодо беморни кўрмоқчи бўлсанг,
Қоровул қўймайди узатмасанг пул.
Бошлиққа арз қилсанг, унинг озғидан,
Битта уми, деган сўз чиқар нукул.

Ҳаттоки набирам гуноҳ иш қилса
Билдирмай, шамғалат қилиб кўзимни.
Хатосини айтсам, ким ўргатдики,
Деядиган бўлдим — битта ўзимми!


О, дўстим, битта мен, бир ўзимми деб,
Гуноҳга бошладинг ўғлингни ҳатто!
Шунинг ўзи бутун охиратинг куйиб,
Тиригингда сенга берилган жазо!

ГУНОҲ

Дўстим, гина қилма, менинг ўз феълим,
Биламан, ёнишим тегар ғашинга,
Сенинг ҳам ўз феълинг, парво қилмайсан
Қилич келганда ҳам ҳатто бошинга.

Нима чора дўстим, мендан ранжима,
Баъзан оху додим ёради тошни.
Мен сенга сирдошман, дўстман, дардларим
Фафлатдан сени ҳам уйғотса кошки.

Ахир, дарахтларни уйғотар шамол,
Ахир, хас-чўпларни оқизар дарё.
Мен ҳам жим, сен ҳам жим, дарё, шамол, жим!..
Ботиб қолмасмикан гуноҳга дунё!



* * *

Сенга совға бўлсин илк баҳорий гул,
Оламга нафасинг уфурсин атир.
Менга насиб бўлса, бўлмоқлик булбул
Меҳринг тузоғига бўлардим асир.

Муҳаббат лаззати асло қарирми?
Гўзалликка ташна боқади кўзлар.
Умрлар ўтар-у севги арирми?
Қанотсиз булбулдек оҳ уриб бўзлар.

Ёшликка кетаркан довдираб хаёл,
Мени жинни қилган сен гўзал аёл.

ЎЛИМ

Ўлим деган хабар нақадар даҳшат.
Афсус кимга мотам, кимга хушхабар.
Наҳот қайғу билан шодлик эгизак.
Инсон қалби тилсим, жумбоқ нақадар.

Одамлар ўлар-у орзулар ўлмас,
Одамлар ўлар-у тахтлар бўшайди.
Мотам унутилар, тахтлар жилваси
Афсус, тирикларда ўлмай яшайди.

5.12.2005 й.



ИЙМОН

Шайтон ўлган деса, ишонма, асло!
Одамлар ўлар-у ўлмагай шайтон.
Қайдаки, эзгулик у бўлар пайдо,
Унга ҳам макондир бу гўзал жаҳон.

Бутун фалак бўйлаб кезар сарсари,
Қушанда бўлур у ким топса зафар.
Ўрмонга туташган ёнғин сингари,
Севгига завол-у қувончга хатар.

Йўқ, шайтон ўлмайди. Инсон қалбида
Туғилган риё у, туғилган ғараз.
Қайдаки, имон суст, бўҳтон қаерда,
Ҳозир у нозир у мангу у мараз.

Беғуноҳ гўдакни қатл этар жаллод,
Келинлар хўрланар, осилар инсон.
Ёнғинлардан бўлар шаҳарлар барбод,
Аммо у ўлмагай, ўлмайди шайтон.

Ундан қочмоқ бўлиб шону шуҳратни,
Нафсим-у ҳирсимни тияман бир дам.
Силайман ғариблар, етимлар бошин,
Унутмоқ бўламан гиналарни ҳам.

Гоҳида унвону олтин, зар бўлиб,
Жилва қилиб кирар қалбимга шайтон.
У абад ўлмайди! Эй улуғ тангрим,
Дилимга имондан ўзинг қил қалқон!

* * *

Чулгаган чоғлари нохуш бир хаёл,
Кўнглинг нимадандир тортганида ғаш,
Дилингни ёзгани бир дам бемалол
Топилмай қолади гоҳида дардкаш.

Бутун хаёл билан ҳовли айланиб,
Гуллаганин кўрдим бултурги ниҳол.
Бир дона нишона нурда товланиб,
Мурғак баргларида ўйнарди шамол.

Бир дона нишона, фақат бир дона,
Мени холи қилди дарддан бир нафас.
Офатдан асра деб айладим дуо,
Қалбимда уйғотди эртамга ҳавас.

Орттирган давлатинг таскин беролмас,
Узоқдан дўстларинг етиб келгунча.
Ёнингда бўларкан дардкаш, ҳамнафас,
Экканинг ниҳоллар, очилган гунча.

ТИРИК ҰЛМОҚ

Онажон, ўртаниб ғамимни ема,
Азобга қолди, деб қайғурма зинҳор!
Қамоқ азобларин азоб ҳам дема,
Худойимнинг минг бир азоблари бор.

Менинг ҳеч кимсадан гинам йўқ, она,
Ахир ёмонни ҳам яратган Худо.
Менинг бир айбим бор якка-ягона —
Эътиқодим бўлди бошимга бало!

Умид-у эътиқод бўлса одамда,
Бўлурму азоб-у ўлимдан қўрқмоқ!
Тилаб олганингда мени Худодан,
Ўлимдан каммиди, сен тортган тўлғоқ!

Имон, эътиқоддан холи бўлганим —
Онажон, бахт топмай, бебахт ўлганим!

ТУШ

Тушларимга кирар марҳум дўстларим,
Гоҳо ортда қолган ишқ тўла оқшом.
Дўстлар билан ўтган тунги базмлар,
Қўшиқдек янграган шароб тўла жом.

Уйга сифмас эдик учрашган дамлар,
Сийраклашдик энди тушган тишимдек
Қани дўстим Давид, Мустай дардкашлар,
Йиллар ўтар экан кўрган тушингдек.

Оқшомда хаёлчан сайр этган Шуҳрат,
Тушларимга гоҳо киради, Расул.
Бир дам бу дунёдан бошланса ҳасрат.
Мустай муҳаббатдан бошлайди ҳазил.

На ёлғон, на кибр, на шуҳрат дарди,
Орзу армонимиз бирдек ҳамоҳанг.
Бир қўлда шеър-у, бир қўлда қадаҳ,
Расул кўринарди отмасидан тонг.

Дийдор кўришмакка яхши ҳам, бор туш,
Кошки эди бўлса ҳар куни такрор.
Боқий бўлмас экан ҳеч нарса, афсус,
Тўйиб ёзолмайсан тушда ҳам хумор.

Чегим тоғларида қор бўралармиш,
Бўронга бас келиб шеър ўқир Қайсин.
Фарёди тутундек кўкка ўрлармиш,
Топиб бўлмас эди дардига таскин.

Ёмғирга айланди қор бўронлари,
Сачраган томчидан келдим ҳушимга.
Қани, Сиз сирдошлар, қани дўстларим?
Наҳот, дардлашмоқлик қолса тушимда!..

* * *

Одам боши тошдан қаттиқ, деганлар,
Бу бошимга кимлар отмадилар тош!
Одамларни солиб ҳайратга ҳатто
Мана, неча йилки, омондир бу бош!

Бошинг тошдан бўлсин, дейилган дуо
Менга бахш этдими шунчалар бардош,
Ҳатто парчаланди отилган тошлар,
Тангрига шукрки, омондир бу бош.

Маломат тошлари майли ёғилсин,
Нолима, жабрдан агар тўксанг ёш!
Қалби бор инсонлар ёш тўкар ахир,
Бандасин қилмасин асло бағри тош.

Заррача ранжим йўқ ноҳақ ситам-у
Бахтли онларимда тўкканим ёшдан.
Минг шукр, инсоний ҳис берганингга,
Минг шукр, қилмади қалбимни тошдан.

СОЯ

Хаёл кўламланган, қалб муҳрланган,
Тамбалаб ташланган, очилмас тилсим.
Ундаги жавоҳир, дур ўғирланган,
Кимлар? Садо бермас!.. Атроф тундай жим.

Тун босган фикрлар ғалаёни бу,
Умр ўтаётир — кундузги соя.
Нимадир ваҳима, нимадир қўрқув?
О, замон!.. Тепада қоп-қора қоя.

Ҳа, инсон, ўз дардкаш дўстларингни топ,
Ёлғиз қўз ёш тўкма, ёмғир кифоя.
Кузги шамол эса ўпкамизга боп,
Умр этак тортар — кундузги соя.

* * *

Баъзан сескантирар қўрқинчли хаёл,
Тун кириб келгандек босади ваҳима.
Дардимни ҳис этиб уйғонган шамол,
Таскин бермоқ бўлиб бошлайди боққа.

Кўнглимда недандир ташвишли соя,
Қафасдаги қушдек кўнгил безовта.
Кенг осмон соҳиби, соҳиби қоя,
Бургут назаримда чиқади овга.

Ногоҳ кўкни тутар тўзгиган патлар,
Димоққа урилар илиқ қон иси.
Бургут ғолибона кўкда чарх урар,
Кимнингдир жарликдан келар йиғиси...

Гулзорларда тинар қушнинг қуйлари,
Ҳамон қарор топмас менинг ўйларим.

ЎЗИНГДАН ҚЎЙМАСИН

Дилингни ёрасан баъзида, ёниб
Дўст, душман борлигин баъзан қилмай фарқ.
О, дардинг бўғзингга келгач тўлғаниб
Ўз қаърига тортиб сени қилар фарқ.

Кимдир ҳамдард бўлар сенинг дардингга,
Кимдир ваҳима солар хавф-у хатардан.
Оқшом билан куннинг етмай фарқига
Гангиган кимсадек қуёш ботарда.

Гина йўқ. Бандасин яратган ҳар хил,
Бирин эркак қилиб, бирини аёл.
Бирин ваҳима қилиб, бирини шоир
Ахир ҳар каллада ҳар турли хаёл.

Ваҳима қайтаради борар йўлингдан,
Қўлинг ишга, оғзинг бормаиди ошга.
Не келса шуни қил, келса қўлингдан,
Чора йўқ ўзингга ишончдан бошқа.

УМИД

Халқ ичида гап бор — ноумид шайтон,
Аммо бундай демоқ айтишга осон!
Шайтон голиб келиб урса йўлингдан
Эй, банда, не чора келар қўлингдан.

О дунё!.. О шайтон, тухмат тошларин
Бошимга ёғдирди гоҳо бешафқат,
Ноумид томмади кўздан ёшларим,
Суянчигим бўлди фақат ҳақиқат.

Шайтон умидимни пучга чиқариб,
Солмоқчи бўлганда измига ҳатто,
Кўз олдимда умид чироғи ёниб,
Ўзин паноҳида сақлади Худо.

Ҳасад куюн каби тўсиб йўлимни,
Орода илондек ўрлаган замон,
Ноумид бўлмадим, халқим меҳрини,
Фақат меҳнатимни этолдим қалқон.

Баъзида меҳримга топдим хиёнат,
Баҳор гулларига қор ёғди гоҳо.
Музларни эритиб меҳр, диёнат,
Неъматдан бебаҳра қилмади дунё.

Нолиб яшамадим ҳаётдан асло,
Ахир дейилган-ку ноумид шайтон.
Жилва қилиб турди кўзимга дунё,
Қилинган чоғимда хўрланиб, зиндон:

Менга мадад бўлди эзгулик ҳардам,
Ноумид узмадим кўнгил дунёдан.
Алдашини шайтон, умидни мен ҳам
Кўймадим, ким енгар, энди, Худодан!

ЗИЁРАТГОҲ

Ҳаётда не кулфат, фожиалар бор,
Одамлар бошида не-не кўргилик!
Оламда бир дард бор буюк, муқаддас,
Фарзандлар етказиб она бўлгудек!

Севгидек нима бор олий муқаддас!
Ким ўзин қилмайди бу йўлда қурбон!
Севги деб онт ичмоқ бу фақат ҳавас,
Онанинг севгиси олдида ёлғон!

Наҳотки бўлмаса муҳаббатда рашк,
Ахир бўлади-ку севгида риё.
Бу жафо тифига ким берар бардош,
Ким сўнги дамгача қилади вафо!

Қалбин ўртаганда рашкнинг оташи,
Ёрин умрин хазон қилганлар камми!
Риё алаmidан тугаб бардоши,
Ўзин бевақт қурбон қилганлар камми!

Ё ўлиш, ё қолиш! Аммо она-чи?
Азоблардан тўйиб заҳар ҳам ичмас.
Азоблардан фақат ўлиб қутилар,
Жонидан кечар-у фарзанддан кечмас!

Нима бор улуғроқ она меҳридан!
Нақадар аччиқдир у тўккан кўз ёш!
Ҳар кун чиқиб келар туннинг қаъридан,
Қабрини зиёрат қилай деб қуёш.

ҚАТРА ЁШ

Қабристонда қатор қабр тошлари,
Худди ҳаётдаги каби нотекис.
Пастдек қабр узра уриб бошларин
Тиловот қиларди кимдир чўкиб тиз.

Бир дам шерик қилар мени ғамига,
Бегона бўлса ҳам инсон-қу ахир.
Нақадар гофилмиз, тирик чоғида
Дўстларга қўймаймиз шунчалар меҳр.

Раҳмат ёғдирарми, марҳум шаънига
Қабрига қўйилган қоялардек тош.
Балки гуноҳларин ювмоққа етар
Дўстлари самимий тўккан қатра ёш?

* * *

Япроқларни тўқди эртанги шамол,
Димоққа урилди кузнинг ҳавоси.
Сўрамасдан келар баъзида не ҳол,
Бошланиб қолади тарнов навоси.

Тизилишиб тушар кузги япроқлар,
Гўё булар йўлга отланган карвон.
Ёзги сафарини тугатди улар,
Юртимизда бўлиб бир фасл меҳмон.

Майсалар устини шудринг безар,
Гўё тепасидан сочилгандек дур.
Қуёшнинг бағрига сингишиб кетар,
Ёрининг топгандай, у сочганда нур.

Безаниш, муҳаббат, атроф олтин ранг,
Бир нафас қувониб ким олмас баҳра!
Кузги япроқларда бир дунё оҳанг,
Гўё олам қўшиқ, ранг тўла саҳна.

* * *

Кўр ҳассасин йўқотади деган гап бор, бир марта,
Кўзи очиқ одамларга бу ибратдир албатта.

Йўқолгудек бўлса ҳасса, у топилмас матоҳмас,
Олтин эмас, оддий новда суянчиғинг бўлса бас.

Кўзи очиқ йўлдан озса, уни Худо асрасин,
Қоқилишдан сақлай олмас, ҳатто, олтин ҳассаси.

Олтин билан кўз очилса, бойлардан кўр чиқмасди,
Олтин тўғри йўлга солса, манглайи шўр чиқмасди.

Кўзинг очиқ, на шукрона, қилганинг бўлди гуноҳ,
Умр ўтди, афсус билан ким энди сенга паноҳ.

Бир бор ҳасса йўқолиши кўр кўзга бўлар сабоқ,
Соғ одамга ҳасса бўлар тавбасига таянмоқ.

* * *

Ёз кетди. Дарахтлар сўлгин тус олди,
Ненидир дардида ранги заъфарон.
Сайраган булбуллар қайга йўқолди,
Қани, соясида бўлганлар меҳмон?

Кўм-кўк либослари ерга тўкилди,
Ўғри урган каби қолди яланғоч.
Булбуллар ўрнига қарғалар келди,
Энди соя солмас, мевасиз — ёғоч.

Япроқларнинг тинди тонги кўшиғи,
Тунги изғириндан улар заъфарон.
Субҳидам тўкилди сўнгги япроғи,
Айрилиқ айлади умрини хазон.



БУ ВАТАН МЕНИКИ...

Яна боғларимга куз ранги кирди,
Нақадар чиройли, нақадар гўзал!
Заррин поёндоздек барглар тўкилди,
Ҳар япроқ гўёки ўқирди газал,
Бу Ватан меники, бу гўзал Ватан!

Баҳор чиройига қиёс йўқ асло,
Таъриф этолмайман ожиз тилимда,
Ёмон кўздан уни асрасин Худо,
Унинг меҳри сўнмас бир дам дилимда,
Бу Ватан меники, бу гўзал Ватан!

Гул, райҳон исимас мен учун азиз,
Ҳатто муқаддасдир ундаги губор.
Боболар қолдирган бу тупроқда из,
Буюк боболарнинг қутлуғ хоки бор,
Бу Ватан меники, бу гўзал Ватан!

Дўстим, кўнглимдаги бу ҳайқириқдан,
Зарра туғилмасин дилингда озор.
Ҳаммага баробар мулкдир бу Ватан,
Қани шу ҳис!.. Тилим айтишга ночор.
Бу Ватан меники, бу гўзал Ватан!

Ҳали кўнглимда йўқ ором, ҳаловат,
Мангу сургим келар ҳаёт нашъасин.
Ёлғон, ҳасад каби разил, касофат,
Чил-чил қилар баъзан кўнгил ойнасин,
Бу Ватан меники, бу гўзал Ватан!

Баъзида ноҳақлик, рўй берса риё,
Бу менинг юзимга доғдир, маломат.
Кўзимга қоронғу кўринур дунё,
Бу Ватан шаънига бўлган ҳақорат!
Фарёд солмайсанми! Ватан меники!

Топилган шараф-у, қилинган гуноҳ,
Ватаннинг шаънини акс этар кўзгу.
Наҳот, қалбимизни тарк этса, ногоҳ,
«Бу Ватан меники», деган ҳис, туйғу!
Мангу тарк этмасин! Ватан бизники!

Она Ватаним деб атайди ахир,
Жаҳон туркийлари Ўзбекистонни.
Қанчалар шараф бу, қанчалар фахр,
Наҳот, қурбон қилсак арзимас жонни!
Биз соҳиб Ватанмиз! Ватан бизники!

* * *

Миллатни мадҳ этмоқ фурсати етди,
Куллик занжиридан кутқарди Худо.
Яна қандай дардинг бор, шоир, энди?
Бир дардим, шу бахтдан қилмасин жудо!



СЕН УЧУН ДЕДИМ

Юрак қоним билан неники ёздим,
Сени балолардан сақламоқ учун.
Гоҳида ҳақ ёздим, гоҳида оздим,
Сенинг ҳақлигингни оқламоқ учун.

Баҳор гўзаллигин севмайди ким ҳам,
Мен ҳам гўзаллигин тўлиб куйладим.
Аламли ва ғариб қалбингга бир дам,
Малҳам бўлармикан дея ўйладим.

Кўкни зулмат қоплаб, дунёни гўё
Ғам босгандек, бўраб ёққанида қор,
Менинг кўз олдимда гўёки рўё
Юпин кўриндинг-ку, йиғладим бедор.

Мен куйлаган бўлсам, булбул навосин,
Гуллар чиройини этган бўлсам мадҳ,
Мен изладим фақат дардинг давосин,
Бағишламоқ бўлдим бир нафаслик бахт!

Ахир йиллар бўлди, замонлар бўлди,
Ҳақиқатни айтсам, кесилди тилим,
Неки деган бўлсам, сен учун дедим,
Эркинг учун дедим, сен учун дедим.

* * *

Тушингни сувга айт деган нақл бор,
Кўнгил гашлигидан бўласан холи.
Кўчамнинг ёнидан ўтарди анҳор,
Тебранар қирғоқда экилган толи.

Нақадар оромбахш тикилмоқ сувга,
Оқизиб кетади дардингни бутун.
Аксингни кўрасан худди кўзгуда,
Тикилганинг сари сен унга беун.

Наҳот, умр сувдек ўтмоқда оқиб,
Бир томчи сувчалик тегдими фойдам?
Кундан-кун қирғоғи борар торайиб,
Наҳотки қисқарса шундай умр ҳам.

Шовуллаб қайгадир, шошар баъзида,
Нимадир қилгандек менга ишора:
Шон-шуҳрат кетидан чопдинг беҳуда,
Эй шоир бечора, шоир бечора.

* * *

Оқшом келаман, деб келмадинг, гўзал,
Бир баҳона бўлди кеча ёққан қор.
Ёлғонга баҳона топилар ҳар гал,
Яхшики ёмғир бор, яхшики қор бор.

Муштоқлик термулмоқ, занжирсиз азоб,
Ҳеч қарам қилмасин бировга бир кун.
Тонг отди, кун ботди, йўқолди офтоб,
Қутмоқнинг наҳотки оқибати тун?

Тоқатинг тоқ бўлиб, пичоқнинг дами
Ёлғонда чархланса — умрга завол.
Сени банд этаркан висолнинг гами,
Бошингда айланиб қийнар бир савол:
Ёлғон?.. Ёлғон?.. Ёлғон!



ХАЁЛ

Кулиш ҳам йиғлаш ҳам табиий бир ҳол,
Ҳаёт дегани бу тун ила тонг-ку.
Қаттиқ кулгидан ҳам ёш чиқар дарҳол,
Кўздан ёш оқизар албатта қайғу.

Ўзингни овутма, бахтиёрман деб,
Ҳамиша эсмайди ёқимли сабо.
Баҳор келиб, қорлар кетади эриб,
Қор ёғар гунчалар устига гоҳо.

Биламан бу гапда на бир фалсафа,
На бир янги гап бор айтарлик таҳсин.
Булар ожизликдан чиққан сафсата,
Ўзини овутиш, ўзига таскин.

Кимдир бахт ҳақида гоҳо керилиб,
Ўзича қилгандек кўкнори хаёл,
Қолган чоғларимда ёлғиз ўтириб...
Сочимдек тўзғитар фикримни хаёл.

НИМА БЎЛАР БУ ДУНЁ

Саратонда ёғса қор, қиш бўлмай келса баҳор,
Хаёл босади гоҳо, нима бўлади дунё?

Қояларда ўша қор, ўша дарё, шалола,
Тоза сув қилса гадо, нима бўлади дунё!

Бу дардимни эшитиб қўзғалмасанг, ёнмасанг,
Мудраб қилмасанг парво, нима бўлади дунё!

Ҳеч вақт пулдор амалдор, кулоқ тутмас дардингга
Бунга бўлмаса даво нима бўлади дунё!

Бу кўзингни у кўзинг ўйиб еганин кўриб
Томоша қилса дунё, дунё нима бўлади!

Бошингга соя солар меҳрибонинг бўлса-ю
Истаса ўзи поно, нима бўлади дунё!

Фамғузор дўст топмасанг, меҳру шафқат кўрмасанг,
Бу чин бўлса мабодо, нима бўлади дунё!

Тиланиб топганидан олмоқ бўлса жарима,
Қўзғалса қаҳри Худо нима бўлади дунё!

Ошиқлигинг гунчасин очмай тутасан пинҳон,
Ишқингда бўлсам адо, дунё нима бўлади!

Бир қўли битта ёрда, лаби ўзга лабларда,
Севгидан кетса ҳаё нима бўлади дунё?

Ёлғончига сазо йўқ, порахўрга жазо йўқ,
Қадр топмаса дуо, дунё нима бўлади!

Қадр топмай ҳақиқат алдов олтин тож кийса,
Бўлмаса бунга жазо, нима бўлади дунё!

Дилинг бўлса-ю тилинг рост сўзлашга келмаса,
Айтгин шоир Шукрулло, нима бўлади, дунё!

Ҳаммага инсоф берсин, ҳаммага иймон берсин,
Ижро бўлса бу фатво обод бўлади дунё!

СУЗ

Сен мени бугун ҳам яна алдадинг,
На узр, кечирим ва на андиша.
Севгидан келмади менинг омадим,
Айрилиқ кечаси бўлди бу кеча.

Кўз ёши тўкмадим, Худога шукур
Фуруримни ерга урмадим жиндак.
Алдовга бош бўлди сендаги кибр,
Алдов сенинг учун айбмас, эрмак.

Эркимга холи қўй энди бир нафас,
Алданган, хўрланган севги алвидо.
Берилган битта сўз қандай муқаддас,
Битталиги учун буюкдир Худо.

* * *

«Ўлим яхши агар инсон шундай хор бўлса,¹
Бир парча нон ўзи нима, шунга зор бўлса».

Бир амаллаб тўйғизар-у инсон қорнини,
Айт-чи, Усмон, қандай топар инсон қадрини!

Тонг оқариб қуёш нури тушди юзимга,
Бор экан-ку қадрим, дейман, ўзим-ўзимга.

Шамол эсиб тўзғитганда сочимни бир дам,
Кувонаман, қўшилдим, деб тирикка мен ҳам.

Эсанг шамол, ҳатто бир дам тушган нурчалик
Афсус, афсус, қадр топдингми, Усмон, шунчалик!

Куш чирқираб Усмон, сени ёдга туширди,
Кечган умрим, очми, тўқми, ўнгми, тушимми?!

¹ Усмон Носирнинг «Нил ва Рим» шеърдан.

* * *

Каллани одамга ўйлашга берган,
Каллада борини айтишни тилга.
Мени саволларга тутаркан эркам,
Не-не ваҳмаларни солади дилга.

Топган гул келтирар, топмаган пиёз,
Мен-чи! Мен розиман ўтган вақтимдан
Битта армоним бор, эртанги авлод,
Хурсанд бўлармикан менинг бахтимдан.

КАЙФ

Ерга дув тўкилди пишган ўриклар,
Ранг ола бошлади чиллаки боғда.
Боғдан-боққа учган шўх чуғурчуқлар
Кетди ёшлигимдек қолдириб доғда.

Қушлар овозига ҳамоҳанг, ҳамроз,
Қани, чулдираган тиниқ ариқлар.
Қани, ўша йиллар, қани ўша ёз!
Назаримда қушлар куйламас, йиғлар.

Нега тушиб қолди ўлим ёдингга
Ўтган умрлардан бунчалар фарёд?
Фойда йўқ! Ким етар менинг додимга!
Ўтганни қайтариб бўлурми, ҳайҳот!

Фақат хотирамда боғлар жамоли,
Бир қултум ичганим боғда мусаллас.
Елпиган шамол-у қизлар кокилин,
Мусалласнинг таъми ҳамон қилур маст.

ҚАРҒИШ

Дарахт қайдан билсин дор бўлишини,
Бир вақт мева берган, бошларга соя...
У билганми қачон ким ўлишини?
Баъзан бўронлардан қилган ҳимоя.

Бугун жой тополмас лаънатдан қочиб,
Жон олмоққа, гўё уни яратган,
Гуноҳи учунми, қозикдек қоқиб,
Бошин эгик қилиб ерга қаратган.

Қўналға қилмасди, қўнмасди қушлар,
Гўё қон исидан безиб қочарди.
Ёғаётган ёмғир гўё қарғишлар,
Беғуноҳ кўз ёшлар бўлиб оқарди.

РАШК

Мунча гўзал, нафс, мунча чиройли
Илк баҳор элчиси, шафтоли гули.
Энди ошиқларга севги саройи,
Ошиқларга очиқ муҳаббат йўли.

Шафтоли гулининг ранги оқ, пушти,
Ошиқлар қалбига энди ўт тушди.

Нафис гулларига боқиб тўймайман,
Севиклигим дейман, топмасин завол.
Севги бўлмас экан беташвиш, берашк,
Битта рақибим бор — дайдиган шамол.

28.07.2005 й.

ҚҰМСАШ

Кексайган чоғингда уни қилмадим,
Буни қилмадим, деб чекасан афсус.
Баъзан хаёл суриб, кўз юмганча жим,
Ошиқлик дамларга кўнглинг кетар суст.

Тоғни кўтаргудек истагинг бор-ку,
Афсус, кўтаришга қаёқда дармон?
Бир ниҳол экишга ҳатто эриниб
Умр кечганига қиласан армон.

Баъзида дўстларим ўтганин умр
Эслашиб, бекорга чекади қайғу.
Мен хурсанд бўламан, қиламан шукр...
Тушдан кейин ақл кирганлиги бу.

Севги кечалари, ой чиққан осмон,
Илк сеvgи дамларин қўмсайсан такрор.
Қайта ёш бўларсан, ўзгарар замон,
Феълинг ўзгармаса, барчаси бекор.

Ундоқ қилар эдим, бундоқ қилардим...
Эй, барин қилгансан ёшга яраша!
Қандай қилар эдинг, энди, билмадим.
Буни дейди, тўйдан кейин томоша.

* * *

Орзу-умид билан яшайди одам,
Тўғри гап, дунёда умидсиз шайтон.
Аmmo ўткинчидир беш кунлик олам,
Ўткинчи эканин билмаслик ёмон.

Ўткинчи дунёда обрў талашма,
Шон-шуҳрат кетидан қувмагин зинҳор.
Ҳайкалинг қўйишни ғамини ема,
Ҳамма ҳайкалларга етарли жой бор.

Қабристонда сонсиз қабр тошлари,
Бу маконда ётар минг турли инсон.
Кимгадир ёғилса раҳмат ёшлари,
Кимгадир бўлмасин лаънатга нишон.



* * *

Бошларимда не савдо, биласанми, эй, ёр.
Юрагимда не гавго, биласанми, эй, ёр.
Гуноҳим мен шўрликнинг недир? Аён қилсанг-чи,
Кимдан менга не даво, биласанми, эй, ёр.

Дунёда алам борми, гуноҳинг не, билмасанг,
Гуноҳ борми бандага, Оллоҳинг не, билмасанг,
Арзингни кимга айтиб, ахир кимга йиғлайсан,
Бу дардга қандай даъво, биласанми, эй, ёр!

Тилинг бўлса-ю, аммо, ҳеч бир гапга келмаса,
Кўзинг очиқ бўлса-ю, кўришга наф бўлмаса.
Инсон бўлиб инсондек дилингни ёролмасанг,
Бўлурми яшаш раво, биласанми, эй, ёр.

Гуноҳинг ошкор бўлса, тан олмоқ марднинг иши,
Дўст айбин ошкор этар дўстга ишонган киши.
Дўст бўлиб дўст бўлмаса, ғаним бўлиб ғанимнинг,
Бу пинҳона бир бало, биласанми, эй, ёр!

Кўнглимдаги бу дардлар булутдек ўтди кетди,
Тангрига минг шукрлар, истиқлол даври етди,
Ўзбек деган отим бор, мустақил давлатим бор,
Эсмоқда ўзга сабо, биласанми, эй, ёр!

МУКОФОТ

Элга машхур одам гоҳо у ёққа,
Бешикдек тебранса бу ёққа ҳали.
Тебраниб қоласан ҳатто ўзинг ҳам
Унинг кимлигига баҳо бергали.

Бундай феъли учун мунофиқ десанг,
Бировга ёмонлик қилиш билмайди.
Ёмонлик қилганга ёмонлик эмас,
Тўйга айтмаса ҳам гина қилмайди.

Унинг душмани ким, унинг дўсти ким?
Туппа-тузук одам наҳот бетайин?
Ўзим бетайинга ўхшаб қоламан,
Унинг бундай феълин ўйлаган сайин.

Оёғидан тортиб бир дўсти олди
Унинг оладиган мукофотини.
Аммо, бу-чи, тавба, совғалар билан
Унутмасдан келди зиёфатини.

У кириб келганда қандай сеҳр бор
Уни кўриб кўплар турди ўрнидан.
Дарвешнамо унда на унвон, амал,
Аммо кўрсатилди жойни ҳам тўрдан.

Унинг кимлигини ҳамма биларди,
Элга машхур эди, ижод, санъати.
Ҳамду сано ўқиб тилга олдилар,
Қадаҳ кўтарганлар ҳатто талъатин.

Борми бундан афзал мукофот, обрў
О, бундай мақтовлар бўлар камдан-кам.
Унута ёзганди ҳатто меҳмонлар,
Мукофот олганнинг кимлигини ҳам!

ҚАНИ БОЛАЛИГИМ

Қуёш ботиб борар, қизариб ботар,
Олтин копток каби кетди думалаб.
Қуёш ботадами ёки тонг отар,
Бепарво болалар ўйнар қувалаб.

Бепарво ёшлигим, қайтиб келсанг-чи
Туннинг азобидан мени қутқариб!
Баҳор шамолидек тонгда елсанг-чи,
Тонгга интиқликни бошдан қўтариб.

Қани болалигим, бедардликларим,
Тонг отар чоғидек бегардликларим?!

* * *

Кимдир дардларимни ҳикматга йўйиб
Ҳатто қиёс қилар гўзал қўшиққа.
«Қандай бўлар?..» дейди бири ўйланиб,
Бутун умидларни чиқариб йўққа.

Пайдо бўлган шеър жилғадек ногоҳ
Кўчирилмай қолар ваҳмадан оққа.
«Қандай бўлар экан» дейилган оҳ-воҳ
Шояд бўлиб қолса ўткунчи воҳма!

СОҒЛОМ ОДАМ

Тўрт улфат жам бўлса, дунё ташвиши,
Нарху наволардан бошланади баҳс.
Ҳар бири маъқуллар ўз қилган ишин,
Гоҳ ҳақиқат қолиб, голиб чиқар нафс.

Элак тутиб бўлмас кўпнинг оғзига,
Кудуққа дард айтиш фурсати эмас.
Мен ҳам бу улфатга кирсам баъзида,
Келолмай қоламан кўпчиликка бас!

Бугун гап очилиб соғлом авлоддан,
Маъносин чақмоқчи бўлдик талашиб.
Бири баҳсга кирса тўйгунча ҳолдан,
Бири-бири билан қолар ярашиб.

Соғлиқ-саломатлик бўлмайди ўзи,
Пул ҳам, емоқ-ичмоқ, керак маишат.
Улфатлардан бири бўлди сўзини —
Ғафлат соғ бўлишмас, соғлом бўлиш шарт.

Бири бундай гапни мастликка йўйди,
Бири елка қисиб қаради ҳайрон.
Хуллас, бири олиб, бириси қўйди,
Ҳамма ўз билганин айлади баён.

Қандай тушунтирсам, тан-жони соғ-у
Фикри ёмонликдан бўлса иборат,
Ҳеч кимга яхшилик қилмаса гар у
Қандай соғлом, дейлик, бу одамни, айт!

Соғлом дейишнинг ҳам ўз мезони бор,
Ақлу адолатдан холимас олам.
Оқни қора деса, саҳрони — гулзор,
Ҳеч ким бу одамни демайди соғлом.

Агар бўлса ҳамки тўрт мучали соғ,
Қилгудек бўлса ҳам тоғларни талқон.
Бундайларни соғлом дейилмас мутлақ,
Кўксини қилмаса Ватанга қалқон.

Одамлар Ватан деб жонин берганда,
Одамлар миллат деб бўлганда қурбон,
Ўз нафсин қурбони эй, шўрлик банда,
Наҳот, аташ мумкин, номингни инсон!

Ахир, биз, эртаси буюк давлатнинг
Асл соҳиблари, улуг ўзбекмиз!
Оламга маърифат берган миллатнинг,
Қадами ҳар ерда қутлуғ ўзбекмиз!

Қасри олийлар сол олтиндан ҳатто,
Топганинг ўзинга буюрсин минг бор.
Аждодинг кимлигин билмасанг аммо,
Сени, соғлом одам дейилмас зинҳор!

Нопок йўллар билан орттириб давлат,
Маст-аласт кун кўрсанг фақат ичиб-еб,
Билмасанг не дардда яшайди миллат,
Сени ким айтади соғлом одам деб!

Соғлом дегани бу — гуноҳи азим,
Ҳаром-харишлардан ўз нафсин тиймоқ.
Сени, соғлом инсон, ҳожи деяр ким,
Етимлар ҳақидан бўлсанг ҳаж қилмоқ!

«Бу жуда соғ одам, бу соғлом одам» —
Борми, бундан ортиқ унвони олий.
Қандай ёрқин бўлса ёниб турган шам,
Соғлом қалб ҳам бўлар губордан холи.

Афсус, баъзилар бор тан-жони соғ-у
Фикри қора дуду чирқдан иборат.
Холис ният билан нафас олмас у,
Қандай соғлом дейсан, бундайларни, айт!

Агар буюк бўлсин, десак, келажак
Соҳибин ўйлайлик, кимлар бўлади?
Аммо, биз ўзимиз нимани эхсак,
Келажак авлодлар шуни ўради.

Ҳаёт дегани бу бошвоқсиз отдир,
Унинг тизгини йўқ — у тонг ила тун.
Баҳсу тортишувда оқшом ҳам ўтди,
Соғлом ақл била ясалди якун.

Эй, менинг, севикли, азиз набирам,
Бўлмоқни истасанг сен соғлом авлод,
Сен тани ўзингни, ўз халқингни ҳам,
Кўпнинг соғлом сўзин қилиб олгин ёд!



ЧАМАНЛАРНИ ҰЗИ АСРАСИН

Мен ҳавас этмадим баланд парвозни,
Ерда судралишдан Худо асрасин.
Баъзан олганимда қўлимга созни,
Фақат айтмоқ бўлдим кўнглим ҳасратин.

Баҳор гўзал бўлур кўз очса гунча,
Ундан ҳам гўзалдир юзда табассум.
Шулар ҳасратида ўла-ўлгунча,
Шулар қувончида ўртаниб ёндим.

Табассум, бунчалар ошиқ қилмасанг,
Гўзаллик бунчалар этмасанг, мафтун!
Дунё не бўларди агар бўлмасанг,
Умрим ҳасратингда ўтарди бутун.

Дарахтлардан дув-дув барглар тўкилар,
Айрилиқ ёшидек ёғади ёмғир.
Она ерга сингиб боради улар,
Чаман бўлиб бир кун унади охир.

Чаманни офатдан Тангрим асрасин,
Дунёда йўқ менинг ўзга ҳасратим.

16.11.1998 й.

* * *

Олиб келди гуллар атрини шамол,
Ногоҳ булут босди юзин қуёшни.
Нима гуноҳ ўтди мендан билмадим,
Чимирилгандек бўлди ёримнинг қоши.

Кўкда яна қуёш кўринди ногоҳ,
Булутларни қувди баҳор шамоли.
Ошиққа қуёш йўқ, ошиққа ой йўқ
Чирой очмагунча ёрнинг жамоли.

Қошинг чимирилиши отилган бир ўқ,
Кулиб боқошингдан ўзга даво йўқ.

* * *

Қор бўралар. Тиккайган шохда,
Битта олма турар қизариб.
Бир йўловчи елкада халта,
Боқиб қолди лаби гезариб.

Хаммаёқ қор. Жимжит хаммаёқ,
Из қолдирди йўлчи пойма-пой.
Йўқ, из эмас, ўтказган саёқ
Умрин йўли эди ҳойнаҳой.

* * *

Гул гунча маст этиб мени тўхтатди,
Тиконлар бағридан уфуриб атир.
Демасман тиккондек тигни ким отди,
У тигнинг тагидан анқиса меҳр.

ОРОМ

Бўралаб қор ёғар. Терак учиди
Тинмай қағиллайди бир соқов қарға.
У менга ёшлиқдан танишдек худди,
Шудир менга ёнғоқ айлаган совға.

Бозиллаган танча теварагида
Бутун оиламиз жам бўлган бир чоқ
Гўё дастурхонга қўшгандек ҳисса,
Қалдиратиб томга ташларди ёнғоқ.

У дамлар шамолдек ўтиб кетдилар,
Мен қўрган тераклар кетди кесилиб.
Тириклар дунёдан бир-бир ўтдилар,
Қарға қағиллайди ҳар йили келиб.

Бу ўтган умрни солишми эсга
Ё мудҳиш дамлардан совуқ бир хабар?
Бу ҳам ёшлигимдан ажиб хотира,
Нақадар оромбахш, азиз нақадар!

САВОЛ

Тонг отмасдан йўлга тушасан,
Ҳали киймай дарахтлар тожин.
Кўчаларда сарсон кезасан.
Юзларингда минг йиллик ажин.

Қайга, дейман, йиғлагим келар,
Бўронлар ҳам биледи тиним.
Сувлар оқар, тирик жон елар,
Устингда-чи, увада кийим.

Мен ўтаман чинор тагидан,
Атрофида ерлар қабарган.
Ахир кечиб дунё дардидан
Дайдиб-дайдиб кимлар қамалган!


Баргсиз чинор қилар тиловат,
Мотамсаро изғийди шамол.
Ўткинчини босар салобат,
Теварақда жавобсиз савол.

* * *

Улфатда ким гапга чечанроқ бўлса,
Уни гапни қийиб ташловчи дейди.
Агар кимдир гапни ўрнига қўйса,
Дўппи қилиб кийиб ташловчи, дейди.

Баъзилар гапнимас, ҳатто бировнинг
Дўпписин бировга бошлаб кийгизар.
Бошига лойиғин тўғрилаб қўйса,
Бу ҳам ўз-ўзига уста безарар.

Биров уста гапни кийиб ташлашда...
Энди нима деса, ўзида ҳуқуқ.
Аммо гап-сўзларни қийиб ташлашда,
Газету телевизорларга етадиган йўқ!



* * *

«Менинг нафсим балодир, ёнар ўтга соладир»
Ўз нафсин қули бўлган балоларга қолодир.

Сенинг яхши ҳуснингни ёмон феълинг бузади,
Манманлик, кибри ҳаво бошга битган балодир.

Қани, севдим деганинг, жоним қурбон деганинг,
Ёлгон тил дилингни ҳам қилич каби ёродир.

Муҳаббатга не чора, қари демас, ёш демас,
Шайтон йўлига кирган уйқудан ҳам қолодир.

Гапни гапир уққанга, одамлар феъли турфа,
Ҳар ким кўнглига келган дўмбирасин чалодир.

Худо ақлу хуш берди, кечирмайди тавбангни,
Ўтдан сувни фарқ қилмас сен эмас, ёш болодир.

Эй, Шукрулло, нафсни тий, ҳо-ю ҳавас ўткинчи,
Иймонни амал деган жаннатга йўл олодир.

* * *

Осмонда бошланди булутлар жанги,
Бирдан тевакни босди гулдурос.
Ҳатто чўчиб ўчди куёшнинг ранги,
Бўрон олиб келган даҳшатдан бехос.

Кўкда не талашдир? На тахт, на амал...
Жанглarning зарбидан чақнади оташ.
Куёш юзин тўсган қопқора булут
Бўрон қамчисидан шаррос тўкди ёш.

Булутларни ёриб зўр чиқди куёш,
Шодликдан барглarda милтиллади ёш.

* * *

Бугун менинг уйимда гилос гуллади,
Уйимда шодлик.
Қабристонда эса гулираънолар...
У ерда ҳам баҳор,
Табиатнинг неъматини — баҳор
Ўлик-тирикка баробар.

Азиз дўстим, о, азиз дўстим!
Баҳор хислатлари сенга ҳам ўтсин!

* * *

Чинорнинг шохлари қурий бошлади,
Шундай қўл-оёқдан кетаркан қувват.
Куз етиб сарғайиб япроқ ташлади,
Тўкилгандек бўлар сочларим шу вақт.

Бўронлар силкитар, чақинлар чақар,
Аммо букилмасдан турар қомати.
Шу чинор илдинин қувватини бер,
Ўзинг, кексаликнинг бергин омадин.

* * *

Чумчуқ шоҳга қўнди,
Шоҳдан шоҳга ўтди,
Липпа ерга тушиб
Чўқиб қочди дон.
Турналар ўтмоқда,
Сен-чи, ер титиб
Насиба излайсан
Қанотсиз Инсон!

Насибасин териб
Қушлар учмоқда.
Насибасин териб
Учмоқда эркин.
Инсон, сен умрбод
Тинмай тер тўкиб
Эркин яшайсанми
Қушлардек, лекин...

* * *

Мендан гина қилма, мендан ранжима
Дардкаш бўлолмасам дардингга энди.
Қариб оқибати қолмади, дема
Сен кўрган дарёлар айқириб тинди.

Дарёлар қуриркан, тоғлар чўкаркан,
Бир вақт қилган эдим тоғларни талқон.
Одам тоғни, йиллар тишни тўкаркан,
Охир бўлар экан шимганинг талқон.

Қариб оқибати қолмабди дема,
Сен кўрган дарёлар айқириб тинди.
Етди қирғоққа ҳам омонат кема,
Афсус ва надоматдир ортгани энди.



ИСТАК

Бутун ҳам тонг отди, минг қатла шукр,
Беадад шукрона етказганига.
Кошки шундай беғам кечсайди умр...
Минг шукр тунни тинч ўтказганига.

Кўнгилга сиғарди на молу давлат,
Тинчликсиз бўларди на зарра ором,
Емак-ичмагингда бўлмай ҳаловат,
Ғалвадан иборат бўлурди олам.

Ноҳақ тўкилган қон, ноҳақ ҳақорат,
Муҳаббатдан бевақт бўлмоқлик жудо...
Ўзинг офатлардан асрагин ҳар вақт,
Ўзинг хотиржамлик, тинчлик бер, Худо!

Сувлар шилдирасин, қушлар сайрасин,
Олам сув қуйгандек майли, бўлсин тинч,
Зиндоний тинчликдан лекин асрасин.
Ғанимлар солмасин кўнгилга қўрқинч!

МЕНИНГ ЮРТИМДА ИСТИҚЛОЛ

На молим бор, на жоним бор,
Ўзим кимман, унутгандим!
Тилим гунг-у, дилим гунг-у
Аламни ичга ютгандим.

Тутаб, милт этмади йиллар
Хазондек юртда истиқбол.
Нечук эркин нафас олмоқ
Агар йўқ бўлса, Истиқлол.

Дилим банди, тилим банди,
Умр бандликда ўтказдим,
Тилим ҳайқир, дилим ҳайқир,
Худойим эркка етказди!

Овозинг борича ҳайқиргил,
Тирилганингни билсинлар!
Бугун мағриб-у машриқда
Темур зотин эшитсинлар!

Бугун юртимда Истиқлол!
Абад юртимда, Истиқлол!

МУДДАО

Хотиржамлик, тинчлик истайсан,
Тилак тилаб қилганда дуо.
Лекин, дўстим, ўзинг тинмайсан,
Нелигини билмай муддао...

Узилади чирт-чирт япроқлар,
Ариқларда жилдирайди сув,
Қаҳрабо тус олмиш ўтлоқлар,
Куз келди-ку! Умр ўтди-ку!

Атрофга боқ! Сув куйин тингла!
Сакрашин кўр тошлардан оху,
Ғофил банда, бир нафас ўйла,
Сен истаган хотиржамлик шу!



ИСТИҚЛОЛ ТОНГИ

Шундай вақтлар бўлар: тунлар уйғониб,
Кўзларингдан бевақт қочади уйқу.
Бири қувончингдан бўлса тўлганиб,
Бири содир бўлар тушганда қайғу.

Қайғусидан Тангри ўзи асрасин,
Аямасин меҳру саховатини.
Кўзларингдан бевақт уйқу қочмасин,
Олмасин тунлари ҳаловатингни.

Мана, неча ойки, мана, неча кун
Ҳаловатим йўқдир девонасимон.
Шодлигимдан мижжа қоқмасам бир тун,
Ташвиш ҳам бағридан чиқармас бир он.

Истиқлол!.. Ёдимга тушгани замон
Узилган занжирлар овози келар.
Тутқун авлодимнинг, наздимда, шу он
Зиндондан қутулган чуввоси келар.

Миллий истиқлол деб қасамёд этиб,
Жон берган Чўлпон-у, минг-минг Абдулло.
Бугун Мустақиллик байроғин тутиб
Майдондан саф тортиб ўтарди гўё.

Саф тортиб ўтарди бугун майдондан
Навой тилида ёзилган шиор.
Саф тортиб ўтарди гўё гулханда
Кул бўлган китоблар, топталган ашъор.

Қайда эди бу бахт, бу қувонч ахир,
Дўстим, бунинг гаштин дилга айлаб жо,
Шодликдан оламга жар солиб ҳайқир,
«Тангрим, кўп кўрма!» деб қилгин илтижо!

Баъзида тунларим кечади оғир,
Ташвишдан мижжа ҳам қоқмайман гоҳо.
Муқаддас Истиқлол шамоли гир-гир
Эсиб турганига тасанно.

Куллик занжирларин ҳали изи бор,
Ҳали кўнгилларда кишаннинг занги.
Майлига, тунларим ўтса ҳам бедор
Ёғду сочиб турсин, Истиқлол тонги!

ҚУЁШ КУКУНЛАРИ


Тонгдан булут босди, тонгдан кўнглим гаш,
Тавба!.. Бу қалбимда ётган ўйларми?
Қайга булут чопар, югурар яккаш,
Балки мен излаган йўлларми?
Қуёш қаердасан, наҳотки куйдинг,
Наҳот, қулинг бўлиб сочилди булут!
Наҳот, бу дунёга боқмоқдан тўйдинг,
Орзуларим тонгда қилинса унут!
Наҳотки, қул бўлиб сочилсанг қуёш,
Наҳот, ёмғир бўлса кўзлардаги ёш!

* * *

Гумбур, гумбур, гумбур!..
Ерни қамчилайди тинмасдан ёмғир.
Ердан майса унар, ердан чечаклар.
Аммо тошлардан-чи? Харсанглардан-чи?!
Ёмғир қамчиласин..
Ҳеч нарса унмайди замин бўлмаса,
Танқидчи! Пойдасиз қамчи!



Рубойлар



* * *

Ошиқлар кезади чаманлар аро,
Дилларида ором, дилларида ғам.
Висол қувончи-ю айрилиқ дарди,
Шу икки вужуддан мавжуддир одам.

* * *

Ҳадеб мақтайверма уни, деб заргар,
Олтиндан темирни фарқ қилса ҳам гар.
Яхшидан ёмонни, дўстандан душманни
Фарқ этмас, сўқирдан минг марта баттар.

* * *

Мажнунтол йиғлама, қадингни букма,
Умидвор дунёда қадингни кўтар,
Тун-кун оқар сувдек ёшингни тўкма,
Кулган, йиғлаган ҳам оламдан ўтар.

* * *

Менга ноҳақ жабр қилганлар ҳам бор!
Дарҳақиқат уни этмасман инкор.
Лекин даъвойим йўқ ҳеч бирларига
Чунки улар эмас, шайтон гуноҳкор

* * *

Унинг гуноҳини кечирдинг бироқ,
Инсофга келди, деб ишонма мутлоқ!
Ҳайвонни қанчалар ўргатма қўлга
Арқонни узади кўрганда ўтлоқ.

* * *

Чоким вайрон бўлиб сўкилсам, майли
Кузги япроқ бўлиб тўкилсам, майли.
Оташин ишқим-ла эл орасида
Дарвиш-девона деб сўкилсам, майли.

* * *

Доим тўғри йўлдан юриб, у хатони билмади,
Ҳеч кишини қарғамади ва дуони билмади.

Аммо умр сўнгида у ойнада ўзин кўриб
Ҳайрон бўлиб тикилди-ю, муддаони билмади.

* * *

Ҳар кимнинг ўз шодлик, кулфати бордир,
Дардини очгани улфати бордир.
Майга улфат бўлма, дардингни тинглаб
Элга ошкор қилар иллоти бордир.

* * *

Вужудимни тилиб, тилка-тилка
Айла, виждонимни сотмайман.
Халқ дардини жойладим дилга.
Ўлдир, ўлимдан ҳам қайтмайман.

* * *

Йўқ, йўқ, қасам ичма, чин дўст эдим деб,
Уни айблама риёда зинҳор.
Агар чин дўст бўлсанг, у четда қолиб,
Дардингни қилмасдинг ўзгага изҳор.

* * *

Фаришта дер баъзилар ўзин,
Иқрор бўлмас айбга ҳеч қачон.
Нуқсоним йўқ дейишнинг ўзи
Одам учун эмасми нуқсон!

* * *

Қизишган чоғингда, дўстим, чекиб зор,
Ҳаммага маслаҳат солмагин зинҳор.
Қизиган шишага сачраган томчи
Чатнатиб, чил-чил ҳам қилишлиги бор.

* * *

«Дунёда қолдими кўрмаган нарсам!..»
Кўрдим деб гердайма, не кўрибсан кам.
Бир одам кўнглини овлай олдингми,
Инсоннинг қалбидан борми кенг олам!

* * *

Узоқдан ойда ҳам кўринади доғ,
Яқиндан қарасанг, тиниқдир балки,
Сиртдан баҳо берма одамга мутлоқ,
Ёмон деганингнинг тозадир қалби.

* * *

Кўлимда май тўла гулдор пиёла,
Гулзор деб капалак бўлар парвона.
Гулга кўнмоқ бўлиб, майга ғарқ бўлди,
Майли ё гулзорми қилган девона!

* * *

Менга чин дўст бўлсанг қасамёд этгил,
Дўстликни қасамдек умрбод этгил.
Дўстликдан муқаддас қай онг, қай сўз бор,
Дўстлик — қасамдан зўр, буни ёд этгил.

* * *

Севги — вафо десанг, бу ишқ абадий,
Агар мафтун қилса кўз, қоши, лаби...
Ажралмоқ осондир — сал шамол билан
Тарқалиб йўқолган булутлар каби.

* * *

Ойнага ўйилган гўзал нақшсимон
Илк сеvgи қалбингдан асло кўчмайди.
Безак, кўрки бўлиб яшайди ҳар он,
Кўзгу синмагунча у ҳам ўчмайди.

* * *

Сарҳисоб қил, яна қанча умринг қолди?
Эрта тонгга етар қанча нурунги қолди!
Не ҳаловат топдинг амал-мартабадан
Кўз-кўз қиларлик қандай гуруринг қолди!

* * *

Не хоқонлар ўтиб, беармон бўлмади.
Ҳеч вақт кўнгул истар замон бўлмади.
Соҳиби каромат ўзинг, эй дарвеш,
Дунёга устун бўлар бир инсон бўлмади.

* * *

Умид бирла яша, ноумид шайтон,
Балки шу учунми тинчимас инсон.
Қаноат қилмайин югурмоқлик ҳам
Шайтон амримасми, ахир эй, Раҳмон!

* * *

Буюклик сирини тоғ чўққисига
Ҳайкал ўрнатиш, деб асло ўйлама!
Халқини улуғлаш, халқим деб яшаш,
Шудир буюкликка шаҳодатнома.

* * *

Новдани ҳам эгсанг дарҳол букилмас,
Эгишликка сенда тоқат етса бас!
Яхшилик ва эзгу ният олдида
Бир кун эгилмаган мағрур бош бўлмас.

* * *

Бир жом шароб тилни асал қилади,
Аммо эртасига касал қилади.
Касалдан қутилмоқ бўлиб ичасан,
Сени эл ичида ўсал қилади.

* * *

Душманга минг ёлвор, минг илтижо қил,
Бағри тош, мурувват чиқиши мушкул.
Фанимдан марҳамат — ойнинг нуридан
Иссиқлик кутиш-ла баробар буткул.

* * *

Зарра ғамгин бўлсам тотмайман майни,
Дўстлар ичгин деса, отмайман, майни.
Ичган ҳам ўтади, ичмаганлар ҳам
Бир дамлик лаззат бу, сотмайман, майни.

* * *

Қисқа умрим ўтсин роҳатда,
Десанг, май ич, май ич, албатта.
Берган умрим сийлайди бандам
Дея Тангри ёқлар охиратда.

* * *

Иссиқда ярқирар қуёшнинг тиғи...
Боғу роғлар жимжит, уфқлар сархуш.
Олисдан келади куйми, ё йиғи,
Қайдадир бетиним чирқирайди қуш.

* * *

Яхшилик нима-ю, ёмонлик нима?
Гўё бунда йўқдек ҳеч қандайин сир.
Агарда бўлмаса бирор мўъжиза
Нега ҳамма яхши бўлолмас ахир?!

* * *

«Қачон тамом бўлар дунёда ифво»,
Дейди-ю кимдандир арз қилар гоҳо.
Шу оннинг ўзида битта ифвогар
Пайдо бўлганини сезмайди гўё.

* * *

Куз келди, эртанги шудринг остида
Майсалар бўй чўзиб, келмас сўлгиси.
Куёш боқиб турса, бахт кулиб турса
Кимнинг бу дунёда келар ўлгиси.

* * *

Баъзан шароб билан кўнгил яйрайди,
Арзимас бир қадаҳ тилни қайрайди.
Лекин таажжубки бадмастлик қилсанг,
Одамлар майнимас, сени қарғайди.

* * *

«Чин қалбимдан, камол-эҳтиром билан»
Бунинг чинлигига далил ҳам керак.
Ҳадямни ўқи, ахир шеър-ку,
Шеър ёзиларми, беишқ, беюрак?!

* * *

Майли, зарраларга айлансин юрак,
Дўстлик меҳр бўлиб сингса ҳар танга.
Ахир шеър, юрак не учун керак,
Яхшилик қилмаса агар инсонга.

* * *

Булоқни кавласанг, суви мўл бўлур,
Илдизни кавласанг, қуриб чўл бўлур
Бунинг фарқин билиш, дўстим танқидчи,
Сенга ҳам, менга ҳам тўғри йўл бўлур.

* * *

Йўлим гоҳо Нилу гоҳо қил бўлсин,
Не парво, дўстларим кенг феъл бўлсин.
Нилдан фил ўтказар, қил устидан-чи,
Филни етакловчи зўр ақл бўлсин...

* * *

Сен қилганни ҳар ким қилар, кибрланиб нетасан!
Халқ мақтаса хизматингни, муродингга етасан.
Ўз-ўзингча етмоқ бўлиб қўкка қанча сакрасанг,
Фақатгина ерни ўйиб, шунча тубан кетасан.

* * *

Олим — маърифатнинг сайқали бўлди,
Олим — ҳар китобнинг зарҳали бўлди.
Донолик таърифин қанча ёзсам оз,
Олим — камтарликнинг ҳайкали бўлди.

* * *

Ёшликни қўмсайсан қариган замон,
Ўйлаб гашти билан гоҳ бўласан маст,
Лекин қариликни эслайсан қачон?
Қайтадан ёш бўлсанг!
Бу ҳам ёмонмас.

* * *

Хоҳ тўхтаган бўлсин, хоҳ чиқарсин сас,
Агар милсиз бўлса, у соат эмас.
Кимдаки сўнибди севги ва орзу,
Хоҳ ўлган, хоҳ тирик инсон дейилмас.

* * *

Кичик бир учқундан ўт олур ўрмон.
Бир ҳовуч сув чўғни ўчирар осон.
Эй, инсон бу чексиз дунё олдида
Мен ким? — деб ноумид бўлма ҳеч қачон!

* * *

Куз ўтар, қиш етар, қайтадан баҳор...
Табиат қуёшни кўрсатар такрор.
Ёшлигим, сен шунча қудратлимисан
Сени қайтармоққа табиат ночор!

* * *

Яхшилик не? деб сўрадинг, наҳот ҳали билмасанг?
Яхшиликми, не кечганин одам ҳоли, билмасанг?
Ёмонлик бир зулмат бўлса, яхшилик бу қуёшдир
Қуёш доим нур сочади, тундан холий, билмасанг?

* * *

Ким ўйлабди ўз манфаатин
Дўст бўлар деб ҳеч умид кутма!
Ёв қўлида сени қолдирар,
Ўзин сақлар, буни унутма!

* * *

Тоғ бургути бўлсанг, баланд парвоз қил,
Бургут нима! Ундан баланд бўл, эй дил!
Яхши ҳар нарсанинг баланди яхши,
Лекин димоғнинг-чи пастроғи маъқул.

* * *

Баъзан илҳом мафтун қилар, элитар,
Эртакнамо гулзорларга элитар,
Лекин хаёл кезиб бутун дунёни,
Чин севгимни шу Ватанга эл этар.

* * *

Муҳаббат қалбимни асир олганда
Баъзан келмай қолар сўзга ҳам тилим,
Баъзилар сўзлайди тинмай...
ўшанда
Қайда бўлар экан уларнинг дили?

* * *


Фалвиракнинг ўзи хунук, лекин мағзи соз бўлур,
Пистанинг ҳам қаттиғидан очиқ оғзи соз бўлур.
Лекин, очиқ севаман деб, вафо қилмас гўзалдан
Пинҳон севиб ўртагучи ёрнинг нози соз бўлур.

ВАФО

Муҳаббат нелигин мендан сўрадинг
Ёниқ умид билан берасан савол.
Муҳаббат ҳаммада ахир бўлади,
Сен Вафо нелигин сўрагил аввал!



Дўстлар овози



(Қайсин Қулиевга)

Сен билан сўзлашар ҳар ким торгинмай,
Ўзингдан катта ҳам, ўзингдан ёш ҳам.
Чунки, юрагинг пок худди гўдакдай,
Катталар олдида сен катта одам.

Баъзан қаламингни қўшни боласи,
Олиб ўйнаса ҳам бермайсан озор.
Ҳатто севинасан шеъринг чаласин,
Давом эттиргандай тоғли ижодкор.

Тинмай тоғ бағрида оққандек булоқ,
Ҳамиша юзингда бўлур табассум.
Тунларни ёритиб ёнмаса чироқ,
Атрофига келмас парвона, дўстим.

О кимлар сен билан бўлмайди улфат,
Чунки эшигингни ёпмайсан юза.
Баъзан ўз дўстларинг қилса хиёнат,
Ботириб солмайсан шунда ҳам юзга.

Жабру жафоларни бошдан кечириб,
Қалбингга шунчалар чўкканки нафрат...
Фақат кўрсам дейсан, юзда табассум,
Ёвузликка зарра қолмаган тоқат.

Қани, бу фазилат бўлса ҳаммада!
Ҳар хил тоифасиз бўлурми ижод.
Биз борганда қочса одамлар аммо,
Бу энг зўр фожиа шоирга, ҳайҳот!

Қайсин Қулиевдан

БИЗНИНГ ЙЎЛЛАР

Пасти баланд, узоқлардан
Бошланиб келар бу йўл.
Гоҳи ўтса тошлоқлардан,
Гоҳи кесиб борар чўл.

Асрларнинг бўронлари
Беиз кўмган неча бор.
Жарликларда бўлиб сўқмоқ,
Кесиб ўтган сой, анҳор.

Куйдирганда ёзда қуёш
Тошларни бениҳоя.
Қаердадир кекса чинор,
Йўлчига солган соя.

Йўлни тонгда туман босса,
Чошгоҳ пайти қучар чанг.
Ой нурида тошлар эса,
Товланади кумушранг.

Кеч кузақда йўллар устин,
Хазон босиб кетади.
Юмшоқ кўрпа каби бутун,
Оёқ ботиб кетади.

Қачонлардир тоғу тошда
Курашиб, бўлган марҳум,
Жангчи ётар шу ерларда
Номи ҳам эмас маълум.

Бу йўлларда ҳам кулги, ғам...
Тўй ўтса бир четидан,
Бир четида ўтар мотам,
Йиғлаб, тобут кетидан.

Елкасида мен ва сават,
Узоқ йўл босиб онам,
Бозор қилиб қишлоғига,
Ёдимда қайтгани ҳам.

Бўш саватнинг енгиллиги,
Муҳтожликнинг зўридан.
Қайноқ қумга из соларди,
Оққан ёш кўзидан.

Хотирамда дайдиб чўчиб,
Бу йўллардан ўтганим:
Силлиқ тошда туёғини,
Тақирлатиб эшагим.

Бу қадимий йўллар устин
Кузда қачондан буён,
Дув тўкилган олучалар,
Бўяб келар қонсимон.

Сийқаланган елкасида,
Тебратиб узоқ йиллар,
Ўзга элдан юртимизга
Келтирган ҳам шу йўллар.

* * *

Кимки ўз нафсининг қурбони бўлиб,
Қарға оппоқ дея сўзларкан, бир бор.
Куйламасин қандай оҳангга солиб,
У шоир бўлмаган, бўлолмас зинҳор.

Кимки қаҳрамонлик кўрсатиб гўё
Ёмон деб атаса яхши одамни;
Муқаддас шеърят остонасига
Бир умр қўямасин нопок қадамни.

Ҳақиқат йўлида бўлмоқлик қурбон
Ҳаммага ҳам насиб бўлмайди, аммо
Шоир бўлмаслиги мумкин қаҳрамон,
Ёлғончи бўлиши мумкинмас асло.

* * *

Кўз олдимда баҳор, сен онагинам... —
Сен ёш аёл эдинг, мен мурғак гўдак.
Тиззанга юзимни қўйганимча ман,
Қўшигингни тинглаб кетардим мудраб.
Сен эса ишингни тўхтатмай сира,
Урчуқнинг бир текис куйига қўшиб,
Айиқча ҳақида куйлардинг менга,
Қўшигинг тинглардим юрагим жўшиб.
Баҳор чоғидаги тип-тиниқ кўлда
Ялт-юлт товлангандек балиқ тангаси,
Сенинг ҳам ёқимтой, илиқ сўзингдан
Келарди ўрмоннинг муаттар иси.
Қўшигинг, жарангдор ва майин эди,
Ўртарди дилингни қандайдир қайғу,
Айиқчамас, гўёки, сенинг болангни
Оқизиб кетгандек туюларди сув.

ТОҒ СОЯСИ

У тоғ эди. Сен — сояси. Ёмонми ахир —
Тоғ сояси бўлишлик ҳам эмасдир осон.
Яшамоқлик сенга қанча бўлмасин оғир,
Сен соясан, яшолмайсан тоғсиз ҳеч қачон.

Содиқ бўлиб, чидаш билан тоққа доимо,
Хизмат этиш, осон эмас, қийин албатта.
У тоғ эди. Сен-чи, унинг сояси, аммо
Буюк тоғнинг сояси ҳам бўлади катта.



* * *

Марҳаматни билмасангиз сиз,
Дарахтлардан олингиз ибрат.
Соясида сақлайди ҳаргиз,
Куйдирганда қуёш бешафқат.

Ўз вақтида пишиб етилган
Мевалари бағишлар лаззат.
Етар, ортиқ ҳаво қилмасдан
Дарахтлардан олингиз ибрат.

Гулхан ёқиб, давра қурсак биз,
Бағримизга берар ҳарорат.
Марҳамат не билмасангиз сиз,
Дарахтлардан олингиз ибрат.

Азиз дўстим, бепарво, лоқайд
Одамларга дуч келсанг гоҳо.
Булар қалбин тошдан йўнган деб,
Таъбир бериб, юпанма асло!

Йўқ, бу хато! Ахир тошни ҳам,
Тошга урсанг, чиқади учқун.
Яхшилик не, билмаган одам
Тошдан ибрат олиши мумкин!

* * *

Тўхтанг, фурсат беринг ўйлашга, шошманг!
Ахир ақлу ҳушим жойида ҳали.
Ҳали ўзлигимни йўқотганим йўқ,
Шошилманг, сиз билган ўша Қайсинман.

Ҳали оёқлари синмаган экан,
Пойгаларнинг ур-сур, олатасири
Ҳали жўшар экан тулпор қонида,
Шошилманг, ҳисобдан чиқармоқликка!..

Ҳали очиқ осмон ҳовлим устида...
Сарғаймасдан кўм-кўк ёнғоқ барглари —
Шовуллаб турибди ҳовлимда ҳали,
Ҳали ҳисобдаман... шошилманг!..

ЧҰҚҚИ УСТИДА ҚУЁШ

(Чингиз Айтматовга)

Хайратга солади баъзан чўққилар,
Денгиз ўртасидан чиққан тик қоя.
Илоҳий мўъжиза сингари улар
Хайратга солади билониҳоя.
Буюк чўққиларга чиқмоқлик учун
Осмонми қанчалар сўқмоқлар кезмоқ!
Денгиз қоясига етмоқлик учун
Осонми долғалар ичида сузмоқ!
Нега хавф-хатар, шунча машаққат?
Коинот сирини изламоқ нечун?
Бир коса қимиз-у, бурда нон билан
Хаёт лаззатини тотиш-ку, мумкин!
Толос тоғларининг ён этагида
Лойдан от ясаган кичкина гўдак,
Уни тулпор қилиб ўз хаёлида
Буюк чўққиларга бўлганми етмак!
Она тупроғидан ҳаммомпиш ясаб
Ўз ишидан ҳайрон бўлганда одам,
Гўдак хаёлини бир нафас қамраб,
Мафтун қилганмикин ташвишли олам!
«Оқ кема»лар шунда кўринганмикан,
Кўрганми шу чоқ сувлар онаси!
Жамилалар дарди туғилганмикан,
Чин сўз Танабойнинг мунгли таънаси!
Бугун денгиз оша, уммонлар оша,
Қирғиз «Оқ кема»си сузиб юрибди.
Қаерга бормайин «Гулсари» эса,
Юксак чўққилардан боқиб турибди.
Денгиз тепасида туман тарқалар,
Қуёшда ярқирар олис чўққилар,
Эллик йил йўл босган дарғани бу он
Юз йиллик сафарга чорлайди улар.

ЯШАГИМ КЕЛАДИ...

(Мустай Каримга)

Бугун эрталабдан хомушроқ турдим,
Билмадим, бу тушим асоратими?
Ё мени маст қилган гуллар атрими?
Нечундир боғимда хаёлчан юрдим.

Ўйларим чувалган, ҳолим паришон,
Бу илҳом парисин сеҳримиди ё?
Баъзида не куйга солмайди дунё.
Не-не ҳолатларни кечирмас инсон.

Овутмоқ бўламан бир дам ўзимни,
Булбуллар куйига кулоқ соламан,
Ширин хаёлатлар ичра толаман,
Аммо қувонтирмас гул ҳам кўзимни.

Ўтган қувончларни эслайман бирдам,
Илк бўса лаззатин ёдлайман қайта.
Аммо хаёл асир қилган пайтда
Улар ҳам қалбингга бўлолмас малҳам.

Қайта етакламас гоҳи хотира,
Не-не хаёлларга бормайсан баъзан.
Аммо зўр қувончни ҳис этолмайман,
Дўстларим борлигин эслашдан кўра.

Дўстлардан эшитган илиқ сўзларим
Қалбимга нур бўлиб, бағишлар қанот.
Яна ҳам гўзалроқ кўринар ҳаёт,
Яшагим келади, яна яшагим.

Мустай Каримдан

* * *

О, муҳаббат! Ёввош йигитларни
Гоҳо ботир, гоҳо шер этдинг.
Қайроқ тошдек қаттиқ хотинларни,
Кўнгилларни гоҳо эритдинг.

О, муҳаббат! Чечан йигитларни
Ўзинг Мажнун, тилин лол қилдинг.
Сўзга нўноқ қизларни эса
Булбулларга бир мисол қилдинг.

О, муҳаббат! Қанча қисматларни
Дунё дўзахида ёндирдинг.
Қанчаларнинг номин шарафлаб
Мангу кўшиқ қилиб қолдирдинг!..

МИНГ ШУКР

(Максим Танкка)

Минг шукр қиламан, баҳор чоғида
Ватаним бағрида очилганда гул.
Гулларга тикилсам тушар ёдимга
Дўстим, сен сўзлаган сўзларинг буткул.

Ватан деган нарса, на бир чаман бу,
На боғу эраму на соя-салқин.
Киндик қонинг томган азиз тупроқ у,
Қалбингда меҳридан яралган ёлқин.

Ҳали хотирамда сен ўсган қишлоқ...
Дўзах оловлари кезиб ўтгани.
Баҳор чоғида ҳам на майса, япроқ...
Дарахтлар косовдек куйиб кетгани...

Теваракда куйган уйлар, ўрмонлар,
Вайроналар ичра мозорлар қолди.
Ёдгор бўлиб қолди синган ҳайкаллар,
Куйган замон қолди ва дорлар қолди.

Юртинг осмонидан тарқалиб тутун
Боғларда кўринди йўқолган қуёш
Лайлақлар келганда ахтариб инин,
Куйган дарахтларга урардилар бош.

Қишлоқ тепасида чарх урар эди
Ҳар дарахт устида эди парвона.
Билмадим, бу унинг қарғишимиди,
Юртин кўрганига ёки шукрона.

Шу вайрона томон сочлари тўзган
Оёқ яланг она кириб келарди.
Тажжубки, у ҳам дод солмай бирдан
Қувонч ҳисси билан елиб келарди.

Аёл етагида ориқ бир сигир,
Бисотини ортган унинг устига.
Гўдакларин олиб ёнига, охир
Ўрмондан қайтмоқда бугун юртига.

Қанча азобларни кечирмади у
Қанча жудолигу қанча дард-алам...
Ўсган ўз юртига қадам қўйдию
Гўё азобларин унутди бир дам.

У дод ҳам солмади, шуқр қиларди,
Насиб қилганидан шу она тупроқ.
Ҳар сиқим тупроқни тўтиё биларди,
Куйган дарахтларга очарди қучоқ.

Бугун баҳор келди менинг юртимга,
Шуқр этиб, сўзингни эслайман такрор.
Ўз юртига ўзи бўлишдан эга,
Ахир, инсон учун ўзга не бахт бор?!

Максим Танқдан

* * *

— Нечун қўлларингдан болгаю ўроқ,
Кетмон тушмайди? — деб беришар сўроқ...
— Чунки боболарнинг урф-одатлари
Мени ром қилмоқда умр ўтган сари.

Ишончим комилки,
умр сўнгида
Тарозига солинар қилган ишларинг.
Ҳисобга олинар ҳатто қўлингга
Қандай иш қуроли — асбоб ушладинг...

Дўстларинг кимлиги, гуноҳ-савобинг
Тароз палласига солинар бир бор.
Шунда узун тилу катта қошиқни
Рўқач қилишликдан мен этаман ор!

Расул Ҳамзатовдан

НАБИРАМ ШАҲРИЗОДА

Сен нега йиғлаяпсан?
Ахир, сенинг отанг бор, онанг бор.
Мен аллақачон отамдан ҳам, онамдан ҳам
айрилганман.

Сен эмас, мен йиғлашим керак.

Сенинг акаларинг, опаларинг бор,
Ҳаммаси сени севади, ёмон гапирмайди.
Менинг-чи, неча марта дўстларим хиёнат қилганди,
менинг душманларим бор,
Мен йиғлашим керак.

Сен уруш даҳшатини, одамларнинг қандай
ўлганларини кўрмагансан.
Қанча дўстларим у ерларда қолиб кетишган,
Мен йиғласам арзийди.

Сенга ҳеч ким бўҳтон ҳам қилмайди,
Сен ҳали ёлгон нималигини билмайсан, қалбинг пок.
Сен ухлаганигда ҳеч ким сени безовта қилмайди,
Мен йиғлашим керак.

Гапларимни тинглаб набирам, деди
«Буважон, сен ҳаммасини бошдан кечириб бўлдинг,
шукр қил.

Менинг бошимда ҳали булар турибди,
Сен айтганингдек, ёлгон, хиёнат, уруш яна
такрорланса-чи?

Буважон, сен шундай қилгинки,
сира-сира такрорланмасин».

* * *

Шон-шуҳрат, одамни ўз ҳолига қўй,
Фаҳм этасанми, ким яхши, ёмон?
Ахир, энг қудратли, асл зотларни
Баъзида қилгансан ер билан яксон.

Тириклардан кўра марҳумларга сен,
Яқинлашсанг нафинг тегарди зиёд.
Қайноқ нафасингдан ахир, марҳумлар
Қайта топадилар мангулик ҳаёт!



М. Дудиндан

* * *

Булут танклари каби гулдурос солиб,
Бўрон дов-дарахтни қулатиб ўтди,
Сокин, мовий кўллар ногоҳ кўзгалиб,
Бош уриб қирғоққа, кўпириб кетди.

Аммо бугун яна сокин теварак,
Сувлар жимирлайди, зумраддек осмон.
Кечаги сурону бугунги жимлик
Сеҳри бир дам сени қилади ҳайрон...

Кафтдек текис, сокин замин қалбига
Агар солиб кўрсанг бир нафас қулоқ.
Бўрон сўнгидаги бу сокинликда
Недир яралмоғин сезасан шу чоқ.

Гөтедан

УМИД

Ёлбораман, умид париси,
Иш чоғлари менга бўлгин ёр!
Тугатмасдан ишнинг барисин,
Толиқишга эрк берма зинҳор!

Ишонаман! Рўёбга чиқар
Таскинларинг кетмай беҳуда:
Умид билан сукулган таёқ
Меҳнат, чидам натижасида
Бир кун берар мева ва япроқ.



Байрондан

* * *

Умр йўлинг битди, қаҳрамон!
Шуҳрат — шонинг энди бошланур.
Сен озодлик берган муқаддас
Ватанингнинг куйида мағрур
Яшар сенинг жасоратинг ҳам,
Ва улуғвор салобатинг ҳам.

Халқинг эркин оларкан нафас
Унутолмас сени мутлақо.
Ҳалок бўлдинг! Қонинг ердамас
Оқар бизнинг томирда, аммо —
Сенинг қудрат, ғалабанг ҳар он
Қалбимизга бўлгуси дармон.

Тилга олсак номингни жангда
Душман ваҳм, даҳшатга тушар,
Қаҳрамоннинг шонли ўлимин
Қизлар қўшиқ қилиб айтишар.
Кўзларда ёш бўлмас, ёш, фақат,
Пок руҳингга бўлур ҳақорат.

ЙИЕЛАЁТГАН ҚИЗГА

Йиғла, бахтсиз малика, беҳад,
Қаҳр қилди юртингга тангри.
Сен оқизган кўз ёшлар шояд
Гуноҳини ювса отангинг.

Йиғла! Сенинг илтижоларинг
Етар халқинг — жафодошингга.
Шу орқапушт беради таскин
Оққан ҳар бир томчи ёшингга.

АЛЪБОМГА

Йўловчилар эътиборини
Якка қабр тортгандек бир дам,
Шу бир парча қоғоз бетлари
Кошки тортса нигоҳингни ҳам
Узоқ йиллар ўтгач, бир замон,
Шу варақни ўқиганинг он,
Шоир нени орзу қилганин
Ва эсларсан қандай севганин.
Билки, шунда топмайсан уни,
Шу қоғозга кўмган қалбини.

Г. Гейнедан

* * *

Менга тўғри келганда баъзан
Сен яшаган кўчадан ўтмоқ,
Қалбим тўлар шодликка, гўзал,
Деразангдан сени кўрган чоқ.

Шунда, шаҳло кўзларинг билан
Кузатасан мени ҳайрон, жим:
«Айт, бегона, сен ўзинг кимсан?
Нени ўйлаб ғамгинсан доим?»

Ном чиқардим немис юртида,
Мен бир немис шоири, эркам.
Ким ёдларкан чин инсонларни
Шу қатори эслар мени ҳам.

Жуда кўплар немис юртида
Мен қатори, мендек чекар ғам.
Дард нелигин билган ҳис қилар
Менинг ғамим оғирлигин ҳам.

САРОЙ ВА КУЛБА

Эй, сарой, нимангга мағрурланасан?
Мунча кеккаясан эганг сингари?
Ўзин нуқсонларин, ожизликларин
Безаклар остига яширган барин.

Уни безаб турган олтин, зарларни
Либосидан юлиб ташласак бир он,
Соҳиби саройнинг пасткашликлари
Бўм-бўш қалби бутун бўларди аён.

Мартабага қандай эга бўлди у?
Нечук ҳоким бўлди, қандай олди куч?
Худди қушлар қонин ичган калхатдек,
Улар ҳам қон ичган, қайда келса дуч!

Мусича кетидан қувади калхат,
Балки болалари кутарди уни.
Чирқирашарди-ю, аммо билмасди
Онадан бир умр айрилганини.

О, қаср! О, сарой! Не бисотинг бор —
Бари ғарибларнинг таланган моли.
Асло кибрланма бу бойлик билан,
Энди яқин қолмиш умринг заволи.

Хоки туроб бўлиб бу ҳашаматлар
Бойқуш уясига айланажак тез.
Узоқ қолгани йўқ шу вайронада
Соҳибинг суягин кўрадиган кез.

Сарой ёнидаги кулбалар эса,
Нақадар камтарин, нақадар ғариб.

Ўзин кўрсатишга хижолатданми,
Дарахтлар ичига олган бурканиб.

Менга ижозат эт, покиза кулба,
Сенинг остонанга қўймоққа қадам.
Мана етиб келди жабрдийдаларнинг
Очиқ чехраларин кўрадиган дам.

Нақадар муқаддас бу фақир кулба!
Унга етганимдан шодман нақадар.
Кичик хонадонда туғилиб, ўсиб
Дунёга келган-ку баъзан пайғамбар.

Не-не алломаю, не-не донолар,
Шундай кулбалардан чиққан оламга.
Наҳот унутилиб, энди хўрланса,
Наҳот саналмаса энди одамга.

Сиз асил инсонсиз, асло чўчиманг!
Бахтли дақиқалар қолмади узоқ.
Сизлар курашдингиз, жафо чекдингиз,
Соҳиби даврон ҳам бўласиз мутлоқ!

Шундай бўлишлиги аниқ, муқаррар.
Мен таъзим қиламан остонангизга.
Дуо қилинг мени, фотиҳа беринг,
Бахшида қиламан боримни сизга!

ИТЛАР ҚЎШИФИ

Осмонни булут босган
Узоқдан увлар бўрон.
Худди эгизак каби
Қор-ёмғир ёғар шу он.

Заррача қайғумиз йўқ,
Ошхонанинг бир четин
Яшаш учун қиш бўйи,
Хўжайин берган бутун.

Ейиш-ичишдан бўлса,
Зарра ташвишимиз йўқ, —
Хўжайиндан қолгани,
Бизларга бўлар тортиқ.

Баъзан калтаклайди ҳам,
Кўзлардан чиққунча ёш.
Итнинг суяги қаттиқ,
Начора қилмай бардош.

Гоҳо ғазабдан тушиб,
Чақирар ёнига ҳам,
Оёғини ялаймиз
Қувонч билан ўша дам.

БЎРИЛАР ҚЎШИГИ

Осмонни булут босган,
Олисда увлар бўрон.
Бўронга эгизакдек
Қор-ёмғир ёғар шу он.

Бу шафқатсиз саҳрода
Мангу изғиймиз фақат.
Бошпанага топилмас,
Ҳатто тиккайган дарахт.

Жонни қақшатар совуқ,
Қорин эса доим оч.
Иккиси бизни қийнар,
Қутулишга йўқ илож.

Учинчи қийноқ ҳам бор:
Қуролга қарши кураш,
Осонми оппоқ қорни
Қип-қизил қонга бўяш.

Биқинларни ўқ тешар,
Ҳам совуқ, ҳам қорин оч.
Лекин мангу эркинмиз,
Бўлсак ҳам оч-яланғоч.

ТИСА

Теваракни буркар оқшом пардаси
Недир шивирлайди Тиса дарёси.
Тур эса боладек югуриб, шошиб
Унга куйлайди шовиллаб, тошиб.

Нураган қирғоқлар оралаб дарё
Ярқираб кўринар кўзгудек гўё.
Шу қалар сокинки дарё чеҳраси,
Унда акс этарди нурлар жилваси.

Шу чоқ куйлагандек сув парилари
Товланиб дарёнинг жимжималари
Сеҳрли куй бўлиб таратар оҳанг,
Кимдир чалган каби туюлади чанг.

Бутун теваракка ёзгандек гилам,
Олтиндек товланар майсалар шу дам.
Бепоён далада ўрилган пичан
Тизилган мисрадек кўринар айнан.

Ортида қорайиб, баҳайбат, сокин
Ўрмон кўринади, чўккан каби тун.
Нурида дарахтлар учун ярқираб
Гўё қон тўлқини ундан тирқираб.

Дарёга бош эгиб, сурганча хаёл
Бир ёқда турарди ёнғоқ, мажнунтол,
Унинг орқасида уксак сингари
Кўринар қишлоқнинг мезанлари.

Хайрли онларга хумор саргардон,
Булултар осмонда сузарди шу он.
Мармартош тоғларин ўйчан пичоғи
Туманлар оралаб кўринар гоҳи.

Бутун теваракка чўкмиш сукунат
Қушлар сайрашади аҳёнда фақат,

Узоқда гингиллаб худди чивиндай
Шамол тегирмони айланар тинмай.

Қўлида кўзача ушлаган бир қиз
Дарё қирғоғига келарди ёлғиз.
Менга назар ташлаб, қилдию таъзим
Яна ғойиб бўлди сув олиб шу зум.

Худди ерга мени қўйгандек қоқиб
Қоронғулик ичра турардим боқиб.
Аста чўкар экан теваракка тун,
Табиат ҳуснига бўлгандим мафтун.

Тилинг эса шундай бойки табиат,
Олдингда сўзимиз гўё беқувват.
Сукут сақлаб жимжит туришингда ҳам
Қанча-қанча оҳанг, қанча куйлар жам.

Ярим тунда келдим қишлоққа етиб,
Алангада ёзнинг неъматин тотиб,
Дўстлар билан суҳбат бошладик узоқ
Аланга тафтида ҳилпираб япроқ:

«Қани, дўстлар, айтинг, тортинмай зинҳор,
Тиса ҳеч кишига берганми озор?
Ахир, айби нима? Бўлмаса бебош
Бундай дарё борми дунёда ювош?»

Уч-тўрт кун ўтмасдан, оқармасдан тонг
Уйқудан уйғотди ҳайқиреқ ва бонг:
Дарё босиб келди, қурди тўполон,
Уйимиздан кўриниб турарди уммон.

Гўё занжирин узиб, ҳайқиреб
Тиса оқар эди ғазабга тўлиб.
Тўфонлар оқарди пайраҳасимон
Дарё босмоқчидек дунёни шу он.

БУЛУТЛАР

Мен қуш каби қоқолсам қанот
Булут томон учардим фақат.
Расм солиш келса қўлимдан
Булут расмин чизардим қат-қат.

Мен нақадар севаман уни,
Чиқишини қутаман муштоқ.
Узоқларга сузиб кетганда
Кузатаман ортида узоқ.

Осмон бўйлаб сузиб боради
Улар менга қандай қадрдон.
Қалбимдаги бутун ўйларим,
Сир-асрорим уларга аён.

Бир маҳаллар оқшом чоғида
Мен уларни кузатганим бор.
Болалардек оқшом қўйнида
Ухлаганлар маъсум, беозор.

Мен кўрганман газабга тўлиб,
Девор каби ёпирилганин ҳам.
Шамолларни жангга чақириб,
Қудрат билан ўкирганин ҳам.

Мен кўрганман, хаста гўдакдек —
Ой юзига сачраганин қон.
Булутларни унинг бошида
Опасидек урганин тугён.

Менга таниш унинг жамоли,
Қадимлардан бўлганман мафтун.
Нафислиги, савлати, дарди
Севимлидур мен учун бутун.

Не учундир қалбимга яқин,
Ғазаб билан ёпирилиши ҳам.
Чунки улар мангу навқирон,
Мангу кекса, абадий кўркам.

Чунки улар ўхшар ўзимга,
Жуда менинг қалбимга яқин.
Булутлардек менинг кўзимда
Доимо ёш, доимо чақин.



САБР ҲАҚИДА

О, сабру қаноат, марҳаматингни
Эшак ва қўйларга қилишинг мумкин.
Наҳотки мен тушсам сенинг измингга?
Йўқ, йўқ, жаҳаннамнинг қаърига чекин.

Дарбадар гадодек эшикма-эшик,
Ўлжа илинжида юрасан беҳол.
Менинг остонамдан марҳамат кутма,
Менинг кўзларимга кўринма, йўқол!

Борди-ю, оламда тантана қилиб,
Ғалаба туғини бўлсанг қадамоқ.
Метинга айланган менинг қалбимдан
Унга жой топишни ўйлама мутлоқ!

Сабр не эканини айтиш кулгили,
Бу маккор одамлар ўйлаб топган фол.
Донин ўзлари еб, лақма дунёда
Содда одамларга солинган похол.

Сабр — бу бир товоқ, унинг қаймоғин
Ҳузурини кўрар ёввойи мушук.
Оғзин очганича ағрайиб қолар,
Умид билан уни етказган шўрлик.

О, сабр. О, тоқат!.. Не десам сени,
Сендан жирканаман, кўзимдан йўқол!
Ахир нима бўлдиқ қаноат қилиб,
Сен бор жойда фақат бахт топди завол.

Балки сен бўлмасанг, яралмасайдинг
Бахтли бўлармиди балки бу дунё!
Лекин минг афсуски, авж олган саринг
Бўлмоқдамиз шунча бахтсиз ва гадо!

Йўқол, эй лаънати, жаҳаннам сари,
Сени кўришликка асло йўқ кўзим.
Ким сени туфлаган бўлса бу ерга
Яна ялаб олсин қайтадан ўзи!

БҮЗ КИЙГАН ҚАҲРАМОНЛАР

Шеърларимни мен ҳам олтину
Кумуш билан безатиб бутун.
Баланд парвоз сўз тизмалардан
Қофиялар ясашим мумкин.

Аммо шеърим баъзи бир нозик
Қилтиллаган сатанглар симон.
Ўзин безаб ишратхонага
Эрмак бўлиб бормас ҳеч қачон.

Қилич қинда, тўшлар ҳайқирмас,
Ҳозир улар ухлар босиб занг.
Лекин ҳозир қилич, қалқонсиз
Давом этар ғоявий бир жанг.

Бу жангдан мен холи эмасман,
Мен — қўмондон, шеърлар — лашкарим:
Ҳар бир сўзим, ҳар бир қофиям,
Мисраларим — қатор аскарим!

Бўз кийса ҳам асл ботирлар
Жанг майдонни тарк этмас бешак.
Кураш чоғи гўзал либосмас
Қаҳрамонлик жангчига безак.

Қанча умр кўради шеърим...
Бу тўғрида ўйлаш ҳам ортиқ.
Биламан мен, лозим бўлганда
Жонингни ҳам қиласан тортиқ.

Китобларим муқаддас бўлсин! —
Қабри бўлсин ғоямнинг мангу,
Қабри бўлсин, халқ бахти учун
Қурбон бўлган ботирларнинг у!

ОТАШ

Истамайман мажнунтол каби
Ботқоқликда чиришни мутлоқ.
Қани энди, чинор бўлсаму
Куйдирса ҳам розиман чақмоқ.

Мен ўт бўлсам. Сув кучоғида
Ола берсин бақалар роҳат.
Юксакликка қилолмай парвоз
Вақирлашса яралган фақат.

Оташ, қалбим туғени сенсан!
Онлар бўлди баъзан музладим.
Қақшатса ҳам совуқ қалбимда —
Бир аланга доим гурлади.

Менинг қайноқ эҳтиросимга
Сен ҳам ёниб жавоб бер, эй қиз!
Менга совуқ пуркар экансан
Кўзларимдан йўқол ўша кез.

Майхонага, май куй! Майингга
Заррача сув қўшсанг, эй шайтон.
Май косангни отмай юзингга
Ерга отиб қиламан яксон.

Яшаш учун ўтли ҳислару
Шароб кайфи ҳамиша даркор.
Унутибман бир нарсани мен —
Яшаб бўлмас беқўшиқ зинҳор!

Куйланг, ўтли қўшиқларин сиз!
Қўшиғингиз қалбга ўт солсин.
Куйиб-ёниб айтмаган кўнгил
Қўшиқлари бўғзида қолсин!

Истамайман — мажнунтол каби
Ботқоқликда чиришни мутлоқ.
Мен истайман чинор бўлмоқни
Куйдирса ҳам розиман чақмоқ.

НАҚАДАР ЯХШИ ҲАЁТ

Худди тунги шарпадек
Дарбадар дунё кездим,
Лаънатлаб, нафратланиб
Наҳот умрдан бездим?
Бу саволни ўйласам,
Хижолат босар ҳар он
Ҳаёт нақадар яхши,
Нақадар тўла жаҳон!

Жўшқин ёшлик бўрони
Гуриллаб ўтди эсиб,
Тиниқ сомон йўллари
Доим менга жилмайиб,
Қалбимга ором бериб
Эркалар онасимон.
Ҳаёт нақадар яхши,
Нақадар гўзал жаҳон!

Йилу ой ўтган сари,
Арир ташвишларим ҳам.
Энди кўнглимнинг мулки,
Худди чамандек кўркам.
Бир ёнда шамол эсиб,
Булбул сайраган бир он.
Ҳаёт нақадар яхши,
Нақадар гўзал жаҳон.

Лақмаликларни бутун
Дилимдан қувганим он
Неча йил кўришмаган
Дўстни тонганимсимон
Қалбимга қувонч кириб
Шодлигим урди туғён,
Ҳаёт нақадар яхши,
Нақадар гўзал жаҳон!

Менинг азиз дўстларим,
Сафимга кириг дарҳол,
Шайтон ҳамроҳи — шубҳа,
Дўзах қаърига йўқол!
Йўқол! Сенга ишониб
Дўстлигим бўлди вайрон.
Ҳаёт нақадар яхши,
Нақадар гўзал жаҳон!

Ёримнинг оху каби
Кўзларин элаган дам
Қуёшдан ҳам беғубор
Ҳаётдек бўлиб кўрсам.
Бахт нафасин уфуриб
Уйқудан тургансимон
Ҳаёт нақадар яхши,
Нақадар гўзал жаҳон!



ЎРМОННИНГ ЎЗ КУЙЧИ ҚУШИ БОР

Ўрмоннинг ўз куйчи қуши бор,
Боғларнинг ўз барра-майсаси.
Осмоннинг ҳам ўз юлдузи бор,
Йигитларнинг ўз севгилиси.

Сайхон гуллар, қушлар ҳам куйлар,
Тиниқ осмон ва қизлар шу дам
Куй бошлашар, бедард, осуда,
Тўртовлари бўлишиб ҳамдам.

Гул ҳам сўлар, юлдуз ҳам сўнар,
Учиб кетар қушлар ҳам, бироқ.
Севишганлар қолар йил бўйи,
Ҳаммадан ҳам булар бахтлироқ.

ҲЕЧ КИМ КЎРГАНМИ?..

Шундай улуғ, шундай забардаст
Бир қудратни кўрганми ҳеч зот?
Толиқишлик нима билмайман
Мен осмонни кўтариб азот!
Майли, менинг бўйнимга чирмаш
Эй, нурафшон осмон гумбази.
Бутун ақлу заковатимни
Кўркинг билан бурка, мен рози!

Қалбни солиб кўкрак қафасга
Чегаралаб қўйишлик нечун?
Поёни йўқ бахт-саодатни
Сигдиrolмас ўзига бутун.
Шодлигимни сарфлаб турмасам
Дилдан тошиб қилади вайрон.
Баъзан кўз ёш бўлиб отилар
Туғён урган завқу ҳаяжон.

Билар эдим бахтли бўлишим,
Қайғу бир он меҳмонлигин ҳам,
Мен у билан йўлма-йўлакай
Учрашганман, аммо ўша дам —
Юз ўгириб мендан бутунлай
Хайрлашиб нари кетганди.
На эътибор этгандим унга
Ва на унга парво этгандим.

Ҳали қуёш ботгани ҳам йўқ
Шудрингга бурканмаган гул,
Қаердадир ўртаниб-ёниб,
Куй бошлади шайдойи булбул...
Наҳот булбул сайраган бўлса,
Ҳали отмай муҳаббат тонги?
Бу янграган булбул кўринмас
Бўсамизнинг эди жаранги.

Баҳор чоғи шивирлаб ёғиб,
Ерга синган томчиларсимон,
Улар менинг дудоқлариму
Ёноғимни қоплади шу он.
Баҳор чоғи шивирлаб турган
Ёмғир каби бесон бесаноқ
Атрофимда гуллар денгизи
Барқ ургандек бўларди шу чоқ.



АГАР БЎЛСАМ ЭДИ...

Агар бўла қолсам эди
Қўнғироқ каби янгроқ,
Баланд-баланд чўққилардан
Тошиб оқувчи ирмоқ...
Фақат менинг севиклигим,
Ойнадек тиниқ сувда
Худди кумуш балиқ каби
Сузса эди осуда.
Бўлақолсам эди дарё
Қирғоғида зич ўрмон.
Туни бўйи тўлқин билан
Олишардим беомон.
Фақатгина севиклигим
Ўрмонни қилиб макон,
Кўм-кўк шоҳлар орасидан
Сайраса қушларсимон.

Агар бўлсам тик тошликлар
Бағрида кўҳна қаср,
Шодлик билан ўлимларни
Қилиб олардим асар.
Фақатгина севиклигим,
Шу ёввойи табиат
Вайронаси ичра юрса
Печак гулидек фақат.
Қани эди дарадаги
Кичкина кулба бўлсам,
Деворларнинг ёриғидан
Уриб турса ёмғир ҳам.
Фақатгина севиклигим
Ёнимда бўлиб ҳамдам
Жамолидан нур сочса у,
Бурчақда ёнгандек шам.

Қани энди тоғлар аро,
Сузсайдим булут бўлиб,

XIX АСР ШОИРЛАРИГА

Безовта дунёда кўнгил хуши-чун,
Ҳадеб куйлайверма беҳуда асло.
Қўлга олганингда муқаддас созни
Жанговарлик руҳин дилга қилгин жо!
Агар ўз шодлигу ўз дардларингни
Куйлашгина бўлса фақат ниятинг,
Нега керак булғаш муқаддас созни,
Нега керак сенинг жодиятинг?

Олов пуркаб турган жазирамада
Ўт кечиб, сув кечиб бир вақтлар Исо
Халқин бошлагандек машъала томон...
Ҳамон бизлар шундай ташна, бедаво.
Энди шоир ўзи машъала бўлиб
Халқини бошласин саҳролар аро.
Етказсин у янги Қуддус шарифга
Шундай амр қилмиш шоирга худо.

Агарда ҳақиқий шоир бўлсанг сен
Халқ билан бирга кўч ўту сув келса!
Минг лаънатлар бўлсин байроқни ташлаб
Кимки ўз халқига хиёнат қилса!
Сафдан қолганларга лаънатлар бўлсин
Танбал, қўрқоқларга бўлсин минг лаънат —
Кимки ўз жонининг ҳузурин ўйлаб
Соя-салқин жойни изласа фақат.

Агар пайғамбарлар — бизлар истаган
Ер куррасин сўнгги манзили томон
Мана етиб келдик, сафаримиз ҳам
Тугади десалар, барчаси ёлғон!
Яна такрорлайман — ҳаммаси ёлғон:
Ҳали саҳроларда ташна, бемадор
Беҳисоб одамлар дайдиб юрганин
Наҳот, кўриб туриб айласак инкор!

Қачонки одамлар истаганлари —
Бахту саодатдан бўлса баҳраманд,
Агар насиб бўлса улар жамолин
Бир дастурхон узра кўрмаклик хурсанд.
Қуёш нури тушиб ҳар хонадонга
Фикру дилимизни равшанроқ кўрсак, —
Шунда етдик десак бўлар манзилга,
Шунда бўлар сафар тугади десак.

То етгунга қадар ўша кунларга
Бўлмагай бизларда заррача ором.
Бу кураш, бу жанглар тиригимизда
Қила олмаса ҳам орзуни инъом,
Майин нафасидан лекин ўлимнинг
Кўзлар юмилганда ясаб гулчамбар,
Авлодлар шу ерга илтифот билан
Бизни кузатиши аммо муқаррар.

1948

ҚИРОЛ ВА ЖАЛЛОД

Савлат тўкиб, олтин тож кийиб,
Ўз тахтида ўлтирар қирол.
Амалдорлар қуртдек ғимиллаб
Тахт ёнида қадни қилмиш дол.

Тахт келади бирдан ларзага,
Сарой аҳли қалтираб ҳайрон.
Не гап? Бўрон, зилзилами бу?
Халқ кўтармиш исён, ғалаён.

Халқ — қутурган бўрондан кучли,
Занжирларни парчалар дарҳол.
Парча-парча кишанлардан у
Ясай олур ўзига қурол.

Тахт ларзада, қочар тўралар,
Улар сезар ўлим ваҳмини,
Ҳамма қочар, биттаси қолар
Тарк этмасдан қирол тахтини.

Бу — қиролнинг энг ишонгани
Бу саройнинг жаллоди эди.
Юзи заҳил, кийимлари қон,
Ундан келар ўлимнинг ҳиди.

Қирол унга дард билан сўзлар;
«Ҳамма қочди, ёнимда фақат
Ўзинг қолдинг, оғир дамда ҳам.
Кўрсатолдинг менга садоқат».

Жаллод сўзлар унга тикланиб:
«Умр кечирдинг зулм, жаҳолатда,
Бўлмаслиги золимнинг дўсти
Бу ҳаммага аён албатта.

Оёғингга таъзим қилганлар,
Соя эди ёнингга бир дам,
Нур бор ерда соя бўлади
Нур сўндими, кетар соя ҳам.

Нечун сени ташлаб кетмадим?
Чунки бердинг менга нону туз
Сен қаерда бўлсанг мен ҳозир
Яшолмаймиз бир-биримизсиз.



Аветик Исаакян

* * *

Тун. Аёз.
Мудрайди жимжит юлдузлар...
Аmmo, ой шуъласи тушгани замон
Тоғ бағрида ётган асрий музликлар
Қор тунда ярқирар бир олмоссимон!
Қанотини ёзиб шамол-изғирин —
Тоғ бағрида гувлаб изғир шиддаткор!
Музлатиб қотирган совуқ ер кўксин,
Қояга нинадек санчилади қор!

Йўл кети кўринмас,
Қиш ҳам бепоён.
Довдираб бораман, аммо олдинга.
Умиду, ҳамроҳдан йўқ эди нишон!
Муз. Шамол, мен ёлғиз қоронғи тунда
«Умид жамол оч!» — деб чақирдим шу он.
Умид, ўз бағрига олур бегумон!

Тифлис, 1892 й.

ОНАМГА

Жонажон юртимдан кетдим йироққа
Кувғин бўлиб, на бор бошпана, уйқу.
Онамдан айрилиб, тушдим фироққа
Мен ғариб дарбадар, тарк этди уйқу.

Тоғ бошидан учган хилма-хил қушлар,
Наҳот, кўринмаган изларга онам?
Денгизда шовиллаб елган шамоллар,
Онам айтмадим сизлардан салом?

Садо чиқармасдан ўтди шамоллар,
Ёнимдан қушлар жим ўтди жанубга.
Чексиз ғамга тўла, қалбимни ёнлаб,
Жимжитгина парвоз этди жанубга.

Сенинг висолингни, ширин сўзингни
Нақадар қўмсадим азиз онажон!
Қанотим бўлсайди, ёруғ юзингни
Кўришга учардим, шу кез онажон.

Тун бўйи бағрингдан айрилмас эдим,
Мудроқ туман каби қўяр эдим бош.
Қалбингни ўртаган ғамда эриб жим,
Ҳам кулиб, ҳам кўздан тўкар эдим ёш.

Дрезден, 1893 й.

ҚАЙТИШ

Қўлда ҳасса, толиб, ҳорғин,
Бошни солиб қуйига
Ўз юртимга қайтдим тағин,
Ўз қишлоғим, уйимга.
Етти тоғ-у, денгиз ошиб
Ярим ўлик, дарбадар,
Ҳаяжоним зўрға босиб,
Келдим қишлоққа қадар.

Ёшликдаги дўстим блиан
Бирдан қолдик учрашиб,
Мен бағрига отилдиму,
Сўзлардим хурсанд, шошиб:
— Қайтадан биз дийдор кўрдик!
Қайда! Ўз юртимизда.
Танидингми?.. — у жим турди.
Қайрилиб кетди тезда.

Ташвиш билан тушдим йўлга
Умид қилган уй томон.
Ғамгин, гулни ушлаб қўлда
Қарши олди ўша он.

ОЗОДЛИК ҚҰНФИРОҒИ

Сен шундай янграки, Кавказнинг мағрур
Музли чўққисидан ҳам ошиб ўтсин,
Теваракка чақмоқ каби сочиб нур,
Тунги қалдироқдай Мацисга етсин.

Толиқмас қасос-у қайтмас исёнкор,
Қудратли, ғазабкор сўз бўлиб янгра,
Халқлар иттифоқи, эркин, жанговар
Қардошлик учун деб жарангла тонгда.

Сенинг чақирингнинг чўққидан жарга,
Уйларга, қалблардан қалбларга кўчсин.
Кўзғолон — муқаддас мақсад бизларга,
Шу мақсад йўлида жарангинг учсин.

Енгилмас юраклар, қани, парвоз қил!
Эрклик қўнғироғин даҳшатли кунда
Янгратаиб, чалишдан толиқмасин қўл,
Гурлашин кенг Кавказ тингласин шунда.

Янгра, эй қўнғироқ, мўйсафид Кавказ,
Асрий уйқусидан турсин Мацис ҳам.
Бургут, қанотингни кенг ёз, қил парвоз,
Елингни қўзғат шер, тепада бардам.

ВАТАНИМГА

Экинзор чайқалиб кетар денгиздек,
Қирғоқда ўй суриб мен тураман тек.
Наҳотки, ўша сен, мағрур ватаним,
— Қушдек типирчиган ёв панжасида,
Ўқлар ёмғирига отилиб маҳқум.
Кўкрагинг тилинган ёв найзасида?
Халқ дарёси оққан тош-харсанг йўлда
Ҳолдан тойиб ётдинг сен узоқ йиллар.
Отлар туёғининг остида қолдинг,
Калхатлар отилиб ўқ каби тикка,
Тумшуғини қайраб сенинг қоянгга
Қилмоқ бўлди қийнаб, қалбингни тилка!
Мана, оқиб ўтди қанча йилу ой,
Ватаним, сен яшнаб кўрсатдинг чирой,
Ана, секин чиқар уйлардан тутун
Шу хонада ширин аллалаб онам,
Онг бериб, қудратли она тилимни
Сингдирган руҳини юрагимга ҳам.
Энди ўғилларинг янги ёш авлод
Қора тупроқ ерин ҳайдасин, эксин
Куйчилар, боболар руҳин этиб шод
Яшнаган юртимни энди куйласин!
Голибона куйдек доим жарангла,
Жонбахш кўшиқ бўлиб қадимий улуғ —
Она тилим, доим навқирон янгра!

1929

ЯНГИ ЙИЛ ТОНГИ

Эндигина янги йил тонги
Отар экан уйғониб қолдим,
Ўтган азиз, ширин кунларни,
Ҳаммангизни, сизни ёд олдим.

Тегирмоннинг овози келди,
Қишлоғимиз кўринди шу он.
Оҳ, тандирдан чиққан нон иси,
Мунча ширин, шунча қадрдон!

Отам уйга қайтиб келганда
Ҳар хил гулли келтирди сарпо.
Опам билан менга ҳар турли
Ширинликлар қилганди совға.

Иккаламиз отам қўлини
Тортқилашиб, бидирлаб, қувноқ,
Қўшиқ айтган ёққа Арпача
Чопқиллашиб кетдик ўша чоқ.

Ёдга тушди кўнгилсиз кун ҳам,
Юрагимни тирнар у қайғу.
Ўзга юртга кетдим бош олиб,
Мен онамдан айрилиб мангу.

ҚУШЛАР ҚҰШИҒИ

I

Кенг дала ўртасида
Ўйнарди шўх қизалоқ,
Капалак ёниб нурда
Учар ёнидан шу чоқ.

Гўзал капалакни қиз
Тутмоқчи бўлди шу дам.
Энди қўлин чўзган кез,
Учиб кетарди у ҳам.

Олтин ранг, шўх капалак
Тутқич бермасди зинҳор.
Қиз қуварди, қараса,
Атроф қалин ўрмонзор.

Шохлар узра чарх уриб,
Капалак учар нари.
Бу орада кеч кириб,
Қизнинг қурир мадори.

Қиз дарахт қавагида
Ухламоқ бўлди бирпас.
Тонг отса ҳам ўрмонда
Йўлни ҳеч кўриб бўлмас.

БИЗНИНГ КУРАШ

Қадрдон далани кездим кечки куз.
Тиниқ кўкка туташ Арарат узра
Оппоқ қор товланиб, қамаштирар кўз!
Пастда қайсар шамол изгийди ушлаб,
Зарбидан ёй каби эгилар терак,
Совуқ, бир кимсасиз жимжит теваарак;
Бир ўзим бўлсам ҳам якка эмасдим,
Қадим харобага кўз тиккандим жим.
Бу ерлардан эсан йиллар довули,
Синган устун қолган вайрона кули.
Юртим устундек азиз бинолар
Бераҳм асра қилинди кукун
Даҳшат кўринмасди деворларида,
Куюш гумбазида кезарди ҳар кун.
Қандай ишонганди жафокаш халқим!
Бош уриб моғорли деворларингга,
Ғамда ловуллаган, мағрур қалби-ла,
Ўтмиш ва келажак шуҳратим мангу
Тимсолин кўрарди, сен бўлиб кўзгу.
Бу девор, устунлар қандай улуғвор!
Халқим билан икков қилишиб имо,
Ўз она тилида сўзлашган каби
Шуҳрат, ҳақиқатдан гаплашган гоҳо.
Юксак орзуларнинг, ижодкор кучнинг,
Буюк шуҳратларнинг қадим гувоҳи!..
Бутун офатлардан худди юракдек
Гўзалликни сақлаб қолган даргоҳи!
Гумбазлар нақшида халқим ўзининг
Юксак интилишни кўрди жамулжам.
Баланд устунларда яширин орзу,
Умидларни яшар, ўлмас кучи ҳам.
Сесканмади қирғин жангда бу халқ.
Шу жимликда ўсиб, тоблади қаддин,
Озод ватанига севиб бахш этар
Бутун бойлигини илҳомкор қалбин.

С. Г. ЗАГИЯННИНГ ЎЛМАС ХОТИРАСИГА

Қаҳрамон дўстларинг билан бир чақмоқ,
Алангадек ёвни қилдинг яксон-хоқ.
Ҳақиқат байрогин баланд тутароқ
Ботирларча жангда сен бўлдинг ҳалок.

Эркин ва севикли ватанингда сен
Кўрсатган ботирлик, мардлинг ҳақи,
Дилда қайғу билан ёд этиб сени
Рухингга самимий бош эгар халқинг.

Бошингни безади мардлик гултожи,
Яшайсан шон-шараф йилномасида.
Номинг бағишлайди мардлик ва ғурур.
Тушқунлик банд этган дилхонасига.

Бизнинг ўчимизни, бизнинг қасосни,
Мард, темир қўлингга қуролдек олдинг,
Ёвга кўкрагингни қалқондек тутиб,
Йиртқичларни янчиб, ғулғула солдинг.

Шонларга чулғаниб бўлгил хотиржам,
Изингдан югурар жангга ўғиллар,
Арманистон яшнаб улуғвор, мағрур,
Қабрингда товланар ранг-баранг гуллар.

1942

УЛУФ ҒАЛАБА КУНИ

Мана энди солдик қинга қилични,
Кутулган ғалаба куни ҳам етди.
Яксон қилдик ёвнинг қора кучини,
Кувноқ қалбдан қўшиқ жаранглаб кетди.

Шодлик қанот қоқиб парвоз қиларкан,
Жаранглаб қуйилар зўр бир оқимга.
Эшиклар олдида ясоқ дастурхон
Товланар қадаҳда шароб олтиндай.

Уй эгаси таклиф қилар ўтганни:
Ғалаба шаробин кўтаргин бугун,
Қаҳрамон ўғилнинг шуҳрат, шонига
«Ичинг, ўғлингизнинг соғлиги учун!»

Ичишар, юзларда барқ улар шодлик,
Бир-бирига тегиб жаранглайди жом.
Бир ота сўз айтар қадаҳ ушлаб тек:
«Ўғиллар руҳи-чун оқ ичинг тамом!»

Ҳамма ота сўзин жимгина тинглар,
Бош кийимин ҳамма олади шу тоб.
Марҳумлар руҳига сўзсиз ичишар,
Дастурхон устига томчилар шароб.

Рангин дунё



* * *

Агар баъзи бирлар сени ранжитса,
Азоб оташида ўртанма буткул!
Ўзинг биласанки, ҳаммани эса
Кўнглини бир хилда овламоқ мушкул.

Баъзида жонингни жабборга бериб,
Асл ҳақиқатни сўзлаганинг дам.
Баъзи бирлар сендан буткул ранжиб,
Мумкин сени нодон дейишлари ҳам.

Борди-ю, яхшини десанг ҳам ёмон,
Аминман, топилур сенга тарафдор.
Дунёда бор экан ҳақиқат, ёлғон,
Ҳаммага тенг ёқлаш мумкинмас зинҳор.

Демак, шундай экан, ёлғон гап сотиб,
Нопоклар кўнглига бўлгандан маъкул.
Дўстим, ҳақиқату ростини айтиб,
Фақат, виждонингни буюрганин қил!

ДУНЁ ВА ОДАМЛАР

Дўстларга соламан гоҳо маслаҳат,
Бирор мушкулимга излайман даво.
«Дунё шундай экан», дейдилар фақат,
Гўё сабабчидай дардимга дунё.

Одамлар хўрласа бир-бирин ноҳақ,
Кимдир бу жабрдан қилса шикоят.
Оламда адолат йўқ каби мутлоқ,
Бош силкиб «ҳақ дунё», дейдилар фақат.

«Ҳақ дунё!» — дейишар бирор ноқобил
Ногоҳ миниб қолса агар амалга.
Бунинг сабабин ҳам қилишмас таҳлил,
Атрофдан кўз юмиб, толар хаёлга.

Гўдаклар бахтига солиб таҳлика,
Тирик етим қилса бевафо падар.
Наҳот чора йўқдир бешафқатликка,
Наҳот ожиз бўлса одам шу қадар!

Дунё деганлари нима ўзи у?
Нимани англашар дунё деганда?
Баъзилар ҳаётда ўзин ожизу
Ёки санашарми бир ғофил банда?!


Дунё адо бўлар деган нақл бор,
Агар кўтарилса одамдан инсоф.
Бизни туққан дунё нечук гуноҳкор,
Биримиз пок бўлсак, биримиз қаллоб!

Бизнинг тушунчада еру, сув, ҳаво,
Нур билан зулматдан иборат олам.
Унда мўъжизалар қилди-ку барпо,
Ўзи мўъжизадай яралган одам.

Дунё кўрки бўлган қасрлар қурди,
Яратди-ю, ўзи чўктирди қонга.
Ўзин ўтга урди, гоҳ сувга урди,
Не деб айб қўямиз яна дунёга?

Дунё ҳаммамизни фарзанди санаб,
Неъматидан ёзди бизга дастурхон.
Оламни жаллодлар қиларкан хароб,
Дунё деб, жим қолиш мумкинми бир он!

Кимдир жафо чекар, кимлардир сафо...
Ҳали бу дунёда ҳамма эмас тенг.
Дўстларим, оҳ чекиб, деманг: «Хаҳ дунё»,
«Хаҳ одамлар», — денглар, «Хаҳ одамлар», — денг.



РОЗИМАН

Агар ёнгин десанг, майли, ёнаман,
Фақат яшаш учун туғилмас одам.
Ҳатто тупроққа ҳам мен айланаман,
Бир гул ундирмоққа агар ярасам!

Менинг ёнишимдан сен қуёш бўлиб,
Ҳамиша нур сочсанг, розиман, майли!
Мен тупроқ бўлсаму сен гулдек униб
Жаҳонга юз очсанг, розиман, майли!

Инсон меҳри билан неки яратса,
Яратгани билан яшай олур у.
Кошки истагингга ҳам яролсам,
Балки қуёш бўлиб қоларман мангу!

РОЗИЛИК

Кимдир бу дунёда юз йил яшайди,
Кимдир бу дунёдан кетар навқирон.
Ҳаммаси ҳам бир кун видолашади,
Аммо ҳаммаси ҳам тинчимас бир он.

Ҳа, инсон умрида нелар кўрмайди,
Барини кечирар — азоб-у ором...
Орзулар чироғи бизни қўймайди,
Бизни парвонадек қилиб олар ром.

Гоҳо дил шикаста, гоҳ қувонч билан
Кеча-кундуз каби ўтади умр.
Дардкаш бўлолмаймиз дўстларга баъзан,
Хаёлга ҳам келмас сўрамоқ узр.

Ҳатто энг меҳрибон она қабрига
Ёдимизга келмас қўйиш даста гул.
Баъзан шуҳрат қилар бизни овора,
Баъзида нафсимиз қилиб қўяр кул.

Елиб-югурамиз... Лекин минг аттанг,
Ҳаётдан мангуга юмарканмиз кўз.
Одамлар юзига тикилиб ўйчан,
Шу чоқ тилимизга келар битта сўз:

Гўё энг муқаддас тиловат каби,
Ризо бўлинг деймиз, ҳаммага такрор.
Фақат одамларнинг розилигидан
Ўзга буюк орзу йўқ каби зинҳор.

Қариндош-уруғ дўстга боқамиз,
Гўё барчасини энди кўргандек.
Ризо бўлинг деймиз, шу дамгача биз
Гўёки айтишга улгурмагандек!

Энди-чи хаёлга келмас шуҳрат, зар,
Одамлар кўриниб қолар муқаддас.
Одамлар ризосин ўйлар баъзилар,
Афсус, сўнгги дамда, афсус, бир нафас.

* * *

Қирқ йиллик дўстингдан гина қилдингми?
Оҳ, ёшлик, дўстингдан бўлдингми кечмоқ?
Демак, сен чинорни қирқмоқ бўлдингми?
Ўрнига бўлдингми бир ниҳол экмoқ!

У қачон кўкарар, бўлар суянчиқ?..
Қолган умрни ҳам бир ҳисоблаб чиқ!

* * *

Баъзилар дўст билан фахрланади,
Бойлик орттиргандек қувонар ҳар он.
Дўстидан айрилса, ғамга қолади,
Бутун хазинасин йўқотгансимон.

Аммо баъзилар бор дўст орттиришдан,
Қадрдон бўлишдан қочади нари.
Дўсти ортган сари хазинасидан,
Куйинар, айрилиб қолган сингари.

Ҳатто улар қочар қариндошлардан,
Атай узоқ тутар ундан орани.
Чунки ҳамма яқин, ҳамма дўст бўлса,
Ахир ким беради унга порани.

ШАМОЛ

Мунча оромбахшсан, мунча жонбахшсан,
Сочларни елпиган баҳор шамоли!
Қандай сеҳргарсан, бир дам эркалаб,
Ширин ўйлар ичра қолдирдинг холи.

Гулоб тутган каби сархуш қилдинг-у,
Дунё ташвишларин дилдан ўчирдинг.
Севги оғушига қайта солдинг-у,
Ёшликка варракдек яна учирдинг.

Тонгдан хонам ичра юрибсан кезиб,
Меҳрибон, мушфиқсан, ахир, мунча ҳам,
Яқин дўстларим ҳам дардимни сезиб,
Ҳатто бўлмаган-ку сенчалик малҳам!

Қаерлардан келдинг, эй сахий шамол,
Бунчалар оромбахш бир зум елпишинг.
Кўнгилни овлашга баъзан сен мисол
Ширин сўз уфрмас энг яқин кишинг.

Умримда кечирдим нечалаб баҳор,
Ҳар гал такрорланар сенинг ҳимматинг.
Ҳориган дамларда мададу мадор,
Ҳеч маҳал бўлмади сенинг миннатинг.

Қанчалар гўзаллик сенда яширин,
Сен-ку, тўлқин қилган отлар ёлини.
Сен-ку, қўлларимга тутқазиб келган
Боғ кўчадан ўтган қиз рўмолини.

Қайси улуғ зотлар сени уфурган,
Қайси макондан сен таралган ором!
Наврўзи оламда базмлар қурган
Қизлар нафасидан яралган ором!

Ахир не қувончки, ахир не бахтки,
Ҳар тонг тегиб турса бағрингга шамол.
Баҳор шамоллари, баҳор еллари,
Қувонч, ёшлик бўлиб қучоғимда қол!

УНУТИШ

Инсон ўз бошидан нелар кечирмас,
Бевақт ўлимлару риё-ю бўҳтон!
Севгилинг баъзида вафони билмас...
Барчасин қандайин, кўтарсин инсон!

Гина, қудратлар, жафолар барин,
Йигаберсак эди кўнгилга агар,
Букиб қўймасмиди инсоннинг қаддин!
Дунёда оғир юк борми бу қадар.

О, яхши дунёда унутмоқлик бор!
Яхшики умид бор! Бўлмаса одам, —
Бу дунё ташвишин барчасин якбор
Кўтариб юрмоққа чидолмасди ҳам...

Яхшики, дунёда унутмоқлик бор.

ОНА ВА ТИШ

«Тишинг ҳам тушибди, барвақт қарибсан...»
Дўстлар ҳазиллашиб қилади кулги.
Ёшлик ўзи нима? Кексаймоқ нима?..
Наҳот, тиш тушиши қаришга белги!

Ахир, тиш тушади саккиз ёшда ҳам,
Саксонда садафдек туриши мумкин.
Қаридим деярман, қўлимдан қалам
Ижод қилолмасдан тушиб кетган кун.

Сочнинг оқариши, бел букилиши,
Тиш тушиш қаришга бўлалмас нишон.
Бемехнат яшаган йигит — йигитми!
Мехнаткаш чол ундан минг бор навқирон.

Йиллар ўтар, балки туғма тишимдан
Саксонда нишон ҳам қолмайди буткул.
Қаридим демайман, агар қаламим
Синмасдан олмосдек қололса ўткир.

Тишлардан не фойда, ҳаёт неъматин
Мехнат билан топиб, чақмаса мағзин,
Бўрининг тишидан фарқи йўқ.

Бундан

Она сутин эммай ўлмаклик лозим.

Мен ёлғиз ўғилман.

Ҳали ёдимда.

Онам айтиб берган кичик ҳикоя.
(Бунини сўзлаб берди марҳум онамнинг
Номидан барҳаёт туғдирган доям).

Онам қувонибди мен туғилганда,
Бахт билан тўлгандек унинг кучоғи.
Бундан ҳам зиёдроқ қувонган экан
Милкимдан гуручдек тиш чиққан чоғи.

Ҳатто қувонибди қўғирмоч қилиб,
Тишлаган вақтимда унинг сайнасин.
Менга боқим бўлмай, энди ҳаётдан
Топар бўлди дея ўз насибасин.

Ақл тиши чиқди жодидай маҳкам,
Бақувват тишларда кўмик кемирдим.
О, нақадар лаззат! Бу кўмик эмас,
Гўё ҳаёт мағзин тотин шимирдим.

Тишларим мукамал бўлганда, аммо,
Онамнинг милкида қолмабди сира.
Ҳаёт лаззатини сен тота қол деб,
Гўё берган каби менга бир сира.

Мана, йиллар ўтди,
Энди менинг ҳам
Иккита тишимнинг тушганлиги рост.
Бунга ачинмайман, набираларга
Онам берган тишни айладим мерос.
Саксонга кирарман, ҳаммаси тушар,
Қайтадан бўларман гўё бир гўдак.
Олтиндан қўярман, аммо ёдимдан
Мутлақо чиқмайди она, у кўкрак.

ҲАССА

Оқсоқланиб қолдим...
Онам ҳассаси
Суянчигим бўлди яна ўша дам.
Камдек тиригида тортган жафоси
Тинч қўймадим ҳатто ҳассасини ҳам.

Ҳасса ҳам қариган онамдек нозик,
Худди қоматидек букулган эди.
Шу ҳасса онамга бўлиб суянчиқ,
Қариган чоғлари тutilган эди.

Кимдир кулиб деди — бунга суянма,
Бошқа оёғинг ҳам бўлади чўлоқ.
Аммо бу ҳассанинг сеҳрий кучини,
Буюк қудратини сезмади шу чоқ.

Бу ҳасса кичкина, нозик бўлса ҳам
Буюк бир онани суяди ҳар он.
Биз-чи, фарзанд бўлиб шу бир ҳассача
Баъзан бўлолмадик дардига дармон!

Онамнинг тоғ каби оғир дардини,
Чидамин, орзусин кўтарган ҳасса...
Мен кимман, бу улуғ зотнинг олдида,
Кичкина бир мени кўтаролмас!

* * *

(*Фафур Фуломдан*)

Тишларинг тушибди десам, Шукрулло,
Ширинлик важига ўч эмас эдинг.
Манглайинг ажинин санаб ҳайронман,
Мени туққан замонга дуч эмас эдинг.

«Ёшлик нима ўзи, кексалик нима?»
Бир шеър ёзибсан, менча, эртароқ.
Умр фалсафасин англамоқ учун
Қуйи сатрларни ўқи-чи. Бироқ —

Тугма кўр, букурлар, таънадан холи,
Бу шахснинг ўз эрки, ихтиёримас.
Қай жонивор бор экан, айт-чи, жаҳонда
Бирор майбликни қилгувчи ҳавас?

Шеър — медицина, рецепт билмайди,
Камдан-кам шоирлар бу фанда расо.
Ақлу мулоҳаза, кузатувчанлик
Якун ясамоққа етса, тасанно!

Олтмиш йил оламини қилиб томошо,
Нимани кўрибман, таққослаб ёздим.
Мукамал аниқлик топа олгунча
Кўпинча ҳақ ёздим, баъзида оздим.

Соч, соқол оқарди, мункайиш, тишлар...
Билинур баъзида яширин дард изи,
Баъзан кутилмаган бир даҳшатдан сўнг
Тўсатдан келади умрнинг кузи.

Баъзан фарзанд доғи қўрқув ва алам
Қалбингга чўктирар оғир изтироб.
Қаттол урушлар ҳам очлик, фалокат
Қилолур вужудинг хонасин хароб.

Баъзан неъматларга суниестеъмол
Кўп емак, кўп ичмак, кўпроқ ўйнамоқ.
Дастурхон тўла, деб очкўзлик қилмай
Ҳазм бўлишини аввал ўйлаб боқ.

Бир соат ичида кунлик умрни
Чархга тутган каби қисқартиш мумкин.
Мускулинг ўйнамай, қўлинг қабармай,
Емакка ўрганма текиндан-текин.

Меҳнатсиз умр ҳам бебақо бўлур,
Чирик латта каби увада бадан.
Бир умр текинга яшаб қаримак
Ҳаёт қомусида олинмайди тан.

Саксон ёш, тўқсон ёш отахонлар бор,
Оғир меҳнатларга беролган бардош.
Қалби, асаблари қуйма пўлатдан,
Юлдуз кўз устида қуюқ қора қош.

Хулласи тиш тушмай, сочинг оқармай
Юзлардан ошмакни қилганда мўлжал.
Кўлингда қуролинг, ақлинг, меҳнатинг —
Порлоқ тақдирингни қилиб берар ҳал.

ТУШ ЙЎЙИШИ

(Шукруллонинг тушига таъбир)

Туш кўриб, келибсан, ўғлим йўяйми,
Ёмғир баракату қуту нишона.
Камалак кўрибсан, бунинг таъбири —
ЕТТИ ранг қуёшу қутлуғ пешона.

Қалблари покиза дўстларнинг доим
Ҳаттоки тушлари келади таққос.
Умид кўкламида олма гулидек
Шоир, шу файзни ҳам ўз шеърингга ёз!

Гулсафсар очилди, қизғалдоқлар ҳам,
Арпа, буғдой бўйи белга баробар.
Йўнғичқа шабнами тўпиқларда нам,
Мол тўйин, юрт тўйин, элга баробар.

Чигитдан хавотир ола кўрмангиз,
Экилди ва унди, кўп жойда чопиқ.
Яъни бу йилги планимизни
Бажармак, узрсиз, бўлур йўл очиқ.

Ёмғир-ку кўрибсан — халқнинг қудрати,
Шундай баракали, енгилмас, ботир.
Камалак кўрибсан, ўзбек элининг
Икки қош ўртаси бир қуёш ётур.

Туш кўриб келибсан, ўғлим, йўяйми,
Ёмғир баракату қуту нишона.
Камалак кўрибсан бунинг таъбири
ЕТТИ ранг қуёшу қутлуғ пешона.

«Ҳаёт туш эмасдир, ҳаёт — ҳаётдир»¹
Туш гарчанд, яхшилик, кўргузади фол.
Ҳаёлсиз ва фолсиз, тушсиз келажак —
Бизда шунақадир порлоқ истиқбол.

¹ Фафур Фуломдан

* * *

Бедард ёшлигимни эслаган чоғим,
Онагинам келар кўзим олдига.
Онамни эсласам — «эркам, тойчоғим»,
Деган ширин сўзи тушар ёдимга.

Бу ширин сўзларни ким унутади!
Онамнинг тилидан томар эди бол.
Унинг меҳри бўлди умрим безаги,
Унинг тили берди шеъримга камол.

Қай одам эсламас ёшлигин ўзин,
Ширин она тилин ёд этмас ким ҳам?
Унутар ёшлигин, ўз она тилин,
Унинг сутин таъмин унутган одам.

КУЗ

Кундуз. Осмон юзин буркади булут,
Гўё чироқ ёнғач туширилди парда.
Кўча тупроғидан кўтарар қуюн,
Шамол табиатга қилгандек зарда.

Терак учларига қўнмоқчи бўлиб
Осмони фалакда қушлар чийиллар.
Йўлидан чалғитиб, шохларни силкиб,
Олтин япроқларин тўзғитар еллар.

Ёмғир шивалади, бир тўп болалар,
«Уй-уйига» дея тарқалиб кетди.
Толзорларни кезган кўм-кўк анҳорнинг
Ёмғир қамчисидан қабарди бети.

Кўприкларга боқиб кутган дўстларим
Шунда етиб келди кўп қилмай муштоқ.
Самовар навоси, тарнов шарроси,
Улфатлар базмига айтилган машшоқ.

ВАТАНДА МЕНИНГ БАХТИМ

Ватан менинг жонимда,
Ватан менинг қонимда,
Ватан ҳар бир онимда,
Ватанда менинг бахтим.

Ватан қалбим бургути,
Ватан қалбимнинг ўти.
Хазинамнинг қўр-қути,
Ватанда менинг бахтим.

Кел, севгилим куйлайлик,
Бир умр тўй тўйлайлик,
Садоқатни ўйлайлик,
Ватанда менинг бахтим.

Ватан дўст билан обод,
Дўстлик билан одам шод.
Шу Ватанда умрбод
Қувончим, менинг бахтим.

Ватан менинг жонимда,
Ватан менинг қонимда,
Ватан ҳар бир онимда!
Ватанда менинг бахтим.

ДАРДИ ЙЎҚ КЕСАК...

Гоҳида ёнаман ишқ оташида,
Кимнингдир дардида ёнаман гур-гур.
Ненидир ташвиши бўлмаса менда
Ёнмасам, мен нима бўлардим, ахир!

Ёнмасам, бўлардим бир сиқим тупроқ,
Ёнишни билмасам, саналардим тош.
Дунёда яхшики, дўстларим, борсиз
Сизнинг меҳрингиздан қалбимда оташ.

Ҳали бу дунёда ғам бор, ҳам шодлик,
Севги ва фироқнинг оташи ҳоқим.
Ёнишни билмасам, халқим айтгандек,
«Дарди йўқ бир кесак» бўлардим балким.

ГУЛДУРОС ҚАРСАКЛАР

Биламан, сен жуда қарсақка сахий,
Соатлаб қарс урсанг, қўлинг толмайди.
Сенинг қарсақларинг нечундир гоҳи
Менинг юрагимга қувонч солмайди.

Залларда урилар қарсақлар бетин,
Ўпирилгудек бўлар тепангда осмон.
Бу таъна тошими ва ёки таҳсин,
Нечун бу гулдурос бўлмайди аён.

«Муножот» қалбларга синггиса нурдек,
Куй деб куйланади «Вақвақа тўрам»,
Тавба дейсан, зални кўтариб, бирдек
Чапак чалинганда иккисига ҳам...

Наҳот иккиси ҳам баробар санъат,
Наҳот иккисининг тенгдир баҳоси!
Бу сенинг дидингга бўлган маломат,
Бу мудроқ дилларнинг берган садоси.

Биласан-ку, дўстим, ахир ҳар шеър
Қалам ушлаш билан тушмас қоғозга.
Баъзан қиш фаслида туғилган фикр
Пишиб-етилгунча чиқасан ёзга.

Шеър ҳам битару аммо шоирнинг
Шубҳа оташида ўртанар жони.
Баъзан шундай чокда чалинган чапак
Шеър баҳосининг бўлур мезони.

Чалинган ҳар қарсақ — ҳар бир одамнинг
Ўзин дунёсию диди, даҳоси.
Тингловчининг завқи, унинг фаҳмию,
Унинг кимлигининг ўлчов, баҳоси.

Элдан олқиш олмоқ бу катта қувонч!
Сенинг меҳнатингга баҳо ҳар қарсак.
Завқ билан қалблардан чиқмаса агар
Гўё бу юзларга урилган тарсак!

ҚАЙСИ БИРИСИЗ?

Дўстларим бор: менга ҳеч маҳал
Ёмонликни кўрмайди раво.
Мушкул тушса бошимга сағал,
Дардимга ҳам бўлолмас даво.
Бу дўстликми?
Ҳа, булар фақат
Сафар чоғи кўшилган улфат.

Баъзиси бор: боладек мақтаб,
Қилмоқ бўлар дўстлигин ошкор.
Мен-чи, ундан узиб кетган тоб,
Этагимдан тортишга тайёр.
Сиртдан кўрсанг, товланган ёқут,
Аслида-чи, бир чирмовиқ ўт.

Дўстларим бор: шодлик, қайғумни
Ўзиники каби ҳис этар.
Бахт, ютуғим шод этар уни,
Нуқсонимни койир, жон ўртар.
Дўстлар, менга қайси бирисиз?
Бу бир кўзгу, қараб олингиз.

ЙЎЛБАРС БОЛАСИ

Ўтлоқда ағанар кичкина йўлбарс,
Кўзи тушган одам боқмасдан ўтмас.
Нақадар ярашган беқасам тўни,
Ҳамма бир завқ билан эркалар уни.

Ҳар ўтган жунларин силайди суюб,
Нақадар ёқимтой, беғубор гўдак.
Дўнғил кўлларига бошини қўйиб,
Мўлтиллаб тикилар ўйнамоқчидай.

Бедард кўзларига чўккандай баҳор
Норасида қалби мунча беғубор!
Унга бир ўй билан тикилиб қолдим,
Недир хаёлимни сеҳрлаб олди.

Яна чиройлироқ бўлар тулланиб,
Яна силлиқлашар чиққач мўйлови.
Ҳайҳот, кучга тўлиб, аммо улғайиб,
Кошки қолса эди ёшлиги каби
Покиза юраги, беғараз қалби.

МЕН ЎЛГАН ЭМИШМАН!

Мен ўлган эмишман... Аммо қулоғим
Аниқ эшитармиш одамлар сўзин.
Ўлган эмишману... Гўрим узра жим
Турган дўстларимни кўрармиш кўзим.

Жим-жим турар эди улар тепамда,
Аммо мижжаларда на ёш, на бир нам.
Қутулдик дегандек битта ёмондан,
Атрофда турарди улар хотиржам.

Бу даҳшат сўзларни эшитганимдан
Қулоғим кар бўлса кошкийди шу чоқ.
Рози эдим улар юзин кўрмасдан,
Кўзларимга тезроқ ташланса тупроқ.

Тупроқ ташлардилар, тупроқмас, гўё
Таъна тоши эди бергувчи азоб.
Раҳматли деб мени қилмасди дуо,
Бир фосиқ кам дея боқарди шу тоб.

Қайси қилмишимга берасиз жазо,
Нечун ўлганимда бунчалар сазо?

Мен ўлган одамман, айтинг гуноҳим!
Кимнинг уйин буздим хиёнат билан?
Тиригимда доим бўлиб ҳамроҳим,
Нега айтмадингиз диёнат билан!

Қани айтинг, кимни ноҳақ қаматдим?
Етим-есирларнинг ҳақин едимми?
Қўрқманг, асло келмас ифвога тилим,
Айтинг, ё ҳақорат сўзлар дедимми?

Йўқ, йўқ! Нафратланманг. Менга беринг тил,
Сабабларин айтиб, сўзлайми ўзим?
Мен энди кўрқмайман! Уйғонгин, эй дил!
Бир карра ўлганман, қайта йўқ ўлим.

Тилим гүлдиреди, ўз овозимга
Мен чўчиб уйғондим, босриқиб, нохуш.
Хайрият, туш экан! Кошки одамга
Тиригида ибрат бўлолса бу туш!

ОҚИБАТ

Кўзларин бойласанг мушукни агар,
Ҳар ердан келаркан уйига чопиб.
Бегона қўлига тушганда каптар,
У ҳам келар экан масканин топиб.

Кўкда рақс тушаркан баъзан кабутарлар,
Хижолат тортаман ўзимдан ўзим.
Ахир, мен инсон-ку!.. Номим одам-ку!
Худойим, ўзинг бер, бандангга тўзим.

* * *

Гоҳо тушларимга илон киради,
Бунга ҳар ким ҳар хил таъбир беради:
Тушда илон кўрсанг давлат, дейдилар,
Баъзи бирлар — душман, иллат, дейдилар.

Ўнгда илон чақса розиман! Аммо,
Жондан севган, содиқ дўстимни асло
Душман бўлишини кўрмай тушда ҳам,
Чунки заҳардан ҳам кучли бу алам.
Ахир бу одам!

* * *

Соқоллари оппоқ, оппоқ сочлари,
Яктаклари оппоқ, қалбларисимон.
Икки мўйсафиднинг ёшлик чоғлари,
Дўстликлари элда дostonдир ҳамон.

Маҳалла-кўй — гузар иккисин кўрса,
Ҳавас билан сўзлар улар дўстлигин.
Етмишдан ҳам ошган ёшлари эса,
Дўстликлари бўлса, қаримас лекин.

Ҳа, ўзинг кексайгин, дўстлигинг бироқ,
Шундай қолсин экан доим навқирон.
Навқирон бўлсангу, сендан олдинроқ
Дўстлигинг қариса, нақадар ёмон.

* * *

Яна баҳор келди, қадрли дўстим,
Сенинг ҳам қалбингга кирдими баҳор!
Ахир, бу кунга ҳам етмайди ҳар ким,
Бунга етганлар бор, етмаганлар бор!

Мавжудотни қара, мавж уриб кетди.
Гўё, назаримда, табиатда тўй.
Қишки булутлар ҳам кўкни тарк этди,
Эски гиналарни, дўстим, сен ҳам қўй!

Дўстим, нима ҳам бор, дунёда боқий,
Ўткинчи дунёнинг фарзандларимиз.
Беш кунлик умримиз бор экан токи,
Не бўлғай, юз бурсак, яхшиликка биз!

Ҳатто бугун қушлар эркалик билан
Тумшуқларин сўзар бир-бирларига.
Ёлғизлик хуш келар ёлғиз Тангрига,
Муҳаббат боқийдир, дўстгинам, инон!

Айқириб оқмоқда баҳор сувлари,
Оқиб кетмоқдадир хазонлар, хаслар.
Қушларнинг сайроғи ва ку-қулари
Кўнгил губорин ҳам супириб ташлар.

ҲИЛАР

Бугун ҳам кўзимга уйку келмади,
Бугун ҳам хаёлим бўлди паришон.
Юлдузлар пирпираб, еллар елмади,
Недандур кўнглимга берарди нишон.

Нечун бу дунёда яралдинг инсон?
Нечун? Хаёлларим бермайди тутқич!
Ҳаммага тилайман, инсоф-у имон,
Кўнглимда недандир уйғонар, кўрқинч!

Эртанинг ваҳимаси!?. Ҳа-ҳа эртанинг,
Қай инсон эртанинг қилмас ташвишин!
Оҳҳо, бу дунёда топилса қани,
Ташвишу, шодликдан холи бир киши!

Бугун ҳам кўзимга келмади уйку,
Хаёллар, хаёллар!.. Нақадар малол!
Орзу бер, мадад бер, хом хаёлни қув!
Кулни ўлдиради дейилган хаёл!

САХОВАТ

Куни кеча уни ёмонлаб,
Бугун эса қучоқлаб ўпди.
Ё таажжуб, ўзи нима гап,
Бир кун ўтмай, наҳот дўст бўлди?
Унга бир гап айтиб бўлмасди,
Юрар эди ҳамиша тажанг,
Юзларида бугун табассум,
Яна ширинсўзлигин қаранг!
Ёқмас эди ҳеч кимнинг иши,
Излар эди ҳаммадан нуқсон.
Бугун унга йўқ ёмон киши,
Ҳамма унга меҳрибон инсон.
На бировнинг қилар гийбатин,
На нолишу на ҳасрати бор.
У унутган ҳасадни бугун,
Рақибини ўпишга тайёр.
Ижод завқи жўш урган жойда,
Гина, ҳасад учун жой қайда!

БАҲОР ЖОЗИБАСИ

Баҳор сеҳри не? — деб мендан сўрадинг,
Мен-чи, гунчаларга ташладим савол.
Гунча жавоб берди — мени севмасдинг,
Эртага гул бўлиб очмасам жамол.

Баҳор нашъасининг сирин сўроқлаб
Узум япроғига тикилдим узоқ,
Хаёлан шаробга теккиздиму лаб
Баҳор жозибасин ҳис этдим шу чоқ.

Баҳор сеҳрин излаб ниҳолга боқдим,
Дардимни аритди у ҳам бир нафас.
Баҳор нашъасининг мўъжизаси шу —
Эртаги ҳаётга уйғотар ҳавас.

СИЗГА ДЕГАНИМ

Гоҳо гурунгларда, гоҳо суҳбатда
Дунё ишларидан кетганида гап,
Баъзан шоирлардан, мана бу ҳақда
Ёзсанг бўларди, деб қилишар талаб.

Улар талаб қилса ҳаққи бор, бироқ
Мени бошқа ташвиш ўйлатар шу чоқ.

Баъзилар гурунгда катта гапириб
Шоирни гуноҳкор қилишар, бироқ
Шундайларнинг ўзи бир китоб кўриб,
Вақтида газета ўқимас мутлоқ.

Дардимни сизларга қилайин ошкор,
Шояд гапим қилса уларга ҳам кор.

Баъзан мен ёзаман, кимдир гердаиб,
Димоғ пайдо қилиб йўлидан озса.
Бир кун бўлмасин деб йиқилиб, майиб,
Ҳатто қаламимни қиламан ҳасса.

Улар бўй эгмаса китобга тақир,
Осмонга ёзайми шеъримни ахир!

Мен ҳам май ичганман, зиён-фойдасин,
Баъзилар сезсин деб шу ҳақда ёзсам.
Булар ичкиликнинг бўлиб шайдоси,
Кайфи сафо билан ўқимайди ҳам.

Шеъримни ёзайми май шишасига,
Ёки ичадиган пиёласига?!

Оҳу кўзларни ҳам баъзан куйлайман,
У кўзни яширар тутиб кўзойнак.
Қоқилмасин дея уни ўйлайман,
Доғ тушмасин дейман юзига ойдек.

Мен қандай етказай унга меҳримни
Ойнакка битайми ёки шеъримни?!

Мадҳ этаман боғбон қизларни севиб,
Ишқимдан берай деб унга ишора.
У-чи, гулзорига маҳлиё бўлиб
Дардимни сезмаса унда нечора?

Севгимни ёзайми гул япроғига,
Хазондай сочайми ёки боғига?!

Балки бўш ёзарман, тўғри ҳамманинг
Дидини бир хилда билиш ҳам қийин.
Яхшиларни мақтаб, баъзан ёмонни
Ёзаман ҳаётдан қолмай деб кейин.

Нуқсон бўлса менда, аяманг зинҳор,
Дўст ачитиб айтар, деган гап ҳам бор.

Албатта, нуқсону фазилатни ҳам
Китоб ўқимасдан била олур ким?
Шеърим сабаб бўлиб, биронта одам
Китоб сотиб олса, минг марта таъзим!

Шеърим фойда берса агар туз тотим,
Шу менинг қувончим, шудир ниятим.

ҲУСН ҲАҚИДА ДЎСТЛАРИМИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Баъзи ёшларимиз: — Муҳаббат нима?
Гўзаллик нима? — деб беришар савол.
Муҳаббат нелигин билсам ҳам, аммо
Гўзаллик ҳақида сўзлашим маҳол.

Гўзаллик, муҳаббат бу — бир мўъжиза...
Ҳамма ҳам бир хилда уни ҳис этмас.
Гўзаллик ҳақида менинг сўзлашим,
Албатта, унча ҳам камтарлик эмас.

Қайсинни, Дудинни, Мустай, Расулни,
Давидни биласиз, ҳаммага машҳур.
Ҳусн тўғрисида улардан ортиқ
Бирорта маъқул гап айтишим мушкул.

Қайсиннинг фикрича — лаблари қалин,
Бўйни узун одам эмиш энг гўзал.
Аммо Расул ташлаб менга кўз қирин,
Қайсинга қўшимча қилди шу маҳал:

Сен айтган одамнинг сочлари тўзган,
Бир оз бўлса эди юзи ҳам узун.
Нозик бўйнига-ю қалин лабларга
Бу яна бўларди қўшимча ҳусн.

Ҳусн тўғрисида бошқаларнинг ҳам
Билмоқчи бўларсиз фикрин ҳойнаҳой!
Тили чучуклик ҳам баъзи одамга
Ҳусн бўлишини сўзлади Мустай.

Бирдан кўтарилди ўртада кулги,
Ҳаммалари менга тикилди бир дам.
Гўё улар айтган фазилатларнинг
Барча белгилари менда эмиш жам.

Менимча, гўзаллик қирраларини
Нозик дид шоирлар айтишди тўлиқ.
Ҳазилми, ё чинми, аммо билмадим,
Уларга қўшилмай ҳеч иложим йўқ!

ТЕНГЛИК

Туни бўйи тинмай қор ёғди,
Дов-дарахтлар, томлар оппоқ қор.
Йўллар оппоқ, кўрмайсан доғни,
Бутун олам бирдек беғубор.

Бутун атроф сокин... Гўёки
Бир фароғат ҳоким оламда.
Дунё узра гўё бир тенглик,
Дидлар бирдек ҳамма одамда.

На бир шовқин... Бутун гуноҳу
Доғ-дуғлардан холидай дунё.
Ҳар бир уйга тенглик паноҳу,
Можаролар битгандек гўё.

Куёш чиқар, ярқирайди қор,
Доғдан холи беҳудуд кенглик.
Кошки олам шундай беғубор...
Кошки бўлса, шундай бир тенглик!

МУҲАББАТ МУҲРИ

Агар мени севсанг, қани айт, эркам,
Севги савдосини не деб англайсан?
Бошинга айрилиқ, ногоҳ тушган дам,
Қандай фикрларни дилга жойлайсан?

Ёлғиз чоғларингда оқшом кезлари
Юлдузли осмонда сурганда хаёл.
Нелар хуморида ўйнар кўзларинг,
Не кечар кўнглингдан, эй, соҳибжамол?

Баҳор келганида, майсалар — гилам...
Қушлар жуфт-жуфт сайрар теварагингда.
Қани, менга айт-чи, шу фурсат, санам,
Не хаёллар кезар сенинг ёдингда?!

Базм кечалари, севги куйлари
Қалбингни тўлғатиб, этганида ром.
Бахтиёр бўлардим, севги оқшомин
Ёд этиб қалбингда уйғонса ором?!

ВИЖДОН

(Усмон Носирга)

Кўзни юсам, билмайман на сир,
Айлаб фикру зикримни асир.
Қоқ суякдан иборат одам
Ваҳм солиб келар дамо-дам!

Бир вужудки, на қўл, на кўзи
На раҳмону, на шайтон ўзи...
Билиб бўлмас, қайси асрдан
Кимлигини, қайси наслдан.

Шарпа каби кезиб сарсари,
Кўз олдимдан кетмайди нари!

Айласин деб мурудин ошкор,
Юлиб бердим унга тилимни.
Юрак дардин қилсин деб изҳор,
Кўкси ичра қўйдим дилимни.

Унга аста чирой ҳам битди,
Йўқ, бунга ҳам бўлмади ризо!
Инсонлик бер, менга инсонлик,
Дея ундан келарди нидо.

Нега менга тил бердинг дея,
Алам билан юлиб ташлади.
Нега ишқсиз дил бердинг дея,
У кўксини тилиб ташлади.

Ахир менга нега тил керак,
Яна ёлғон сўзлаш учунми?
Нега юрак ва ақл керак,
Турфа бўҳтон ўйлаш учунми?

Лаънатларга ботмай дунёда,
Бўлсин десанг ҳақиқий инсон.
Ҳусн берма, тил берма менга —
Виждон бергил, виждон бер, виждон!

ВАТАН ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Менинг кўз олдимга келгин, малагим,
Мени бу дунёда қолдирма якка.
Менинг дардларимни ахир тинглар ким?
Бошимни кўтарган сен-ку, фалакка!
Наҳот кўрсатмасанг, ахир, бир эҳсон.
Мен сенинг пойингга сиғинган инсон!

Аршу аълоларга кўтар додимни...
Бу дунёда қолсин муаллақ таним...
Қаердан мен топай ўз илоҳимни —
Сенсиз, бу дунёда, азиз Ватаним?!

Севгим, Ватан бўлиб кўринган ҳар дам!
Менда иймон каби яша ҳамиша.
Мен шундай севгига топинган одам!..



ЎЛФОНЧИ

«Яна алдади у!..» Алдаса, ёниб,
Устидан арзу дод қилишинг бекор.
Биласан, ундайлар лафзидан тониб,
Ҳар қандай қасамлар ичишга тайёр.

Қўлга қурол олиб, ҳатто минг аттанг,
У билан курашни ўйлашинг бенаф.
Ахир мард юзма-юз қила олур жанг,
У-чи, бу сафар ҳам кетади алдаб.

У сени алдаса, ўртанма зинҳор,
Ғазабга ҳам келма ўйлаган сари.
Бунга табиатдир балки гуноҳкор —
Онадан туғилган булар тескари.

Агар, бир хумордан чиқай деб роса,
Телефонда сочмоқчи бўлсанг захрингни,
Эшитмаган бўлиб, «Телефонлар расво,
Раҳмат, бир келинг», деб босар қаҳрингни.

Алданиш азобин, унинг хўрлигин,
Мабодо уларга бўлсанг англагмоқ.
Афанди сингари уларнинг йўлин
Сен ҳам ўзларига бир ишлатиб боқ.

Бошимга ғам тушди деса, ишонма!
Бу ҳам баҳона деб ўйнаб-кулиб бор.
Тўйимиз бор деса, аксини қилиб,
Мотам либосида йиғлаб кириб бор.

Мен сени биламан, қалбинг беғубор,
Виждонинг амр этмас, бундай қилишга.
Қўл кесмасин десанг, халқда нақл бор:
Эгри қин қил деган эгри қиличга!

ҚАБР ТОШИ

Онаси ўлганда етиб келмади,
Хатто йўқламади тиригида ҳам.
Пул ва шуҳрат учун қанча кезмади
Не-не шаҳарларни бу аянч одам.

Бугун элни йиғиб кўтарди фарёд,
Мармардан хотира қўйди қабрига.
Она тиригида қилолмаган ёд
Наҳот энди етти унинг қадрига?

Афсус, она номин кўз ҳам илғамас,
Ўзин исмига-чи, берилган зарҳал.
Буни ҳам онага меҳридан эмас,
Ўзин шуҳратига қўйибди ҳайкал.

ҚАБРИСТОНДА

Қабристон устида паға булутлар,
Кимларнинг руҳи у, кимнинг кафани!
Гўрков мурдалардан қачон қутилар?!
Кетмонга илиниб турар чопони!

Ёмғир томчилади, яшириниб қуёш,
Қай ошиқ, қай фарзанд, ким тўккан бу ёш!

* * *

Отамнинг ёшига кирмадим ҳали,
Ўзимни сезаман нечундир хаста.
Аммо отам бўлса мендай маҳали,
Ҳатто билмаганди нелигин ҳасса.

Булутли кунларга менда йўқ тоқат,
Томирларни сиқар кузги изғирин,
Бундай чоғда яйрар қарғалар фақат,
Ёнғоқ талашади қувлаб бир-бирин.

Ҳали хотирамда ёшлик чоғларим,
Томга қалдиратиб ташларди ёнғоқ.
Ҳозирги қарғалар шулардир балким,
Улар умр кўрар одамдан кўпроқ.

Уларга боқаман, улар қувлашар,
Аммо бир-бирининг чўқимас кўзин.
Балки шу учунми узоқроқ яшар,
Балки шу учунми умри ҳам узун?

ҚАРҒАЛАР

Ғариб оқшом чўқди аста мозорга
Ҳатто маъюс каби булутли осмон.
Терак тепасида ўлтирар қарға —
Сўниб қолган шамнинг сўхтасисимон.

Қарғалар келарди тундек ёпирилиб,
Қабрлар устида солади ғулув.
Тирик нафаслардан кун бўйи қочиб,
Наҳот марҳумларга дардқаш бўлса у?

Шу чоқ хаёлимдан ўтар дўстларим,
Марҳум ажодларни эслайман бирдам.
Кўз ёш тўкким келди нечундир юм-юм,
Мени ўртар эди бир афсус, алам.

Улар тиригида лоқайдлар баъзан
Дарду ғамларидан бўлганлар нари.
Аммо ўлганда-чи, бўлиб меҳрибон,
Қабрга келурлар қарға сингари.

ГҰДАК

(Ойбекка)

Сени гўдак санашса агар,
Йўқ улардан дўстим, ранжима!
Сен учун бу жуда мўътабар
Маъносини қилсанг таржима.

Гўдак қувмас шуҳрат кетидан
Таъма билан бермайди салом.
Макр изи бўлмас бетида
Ва ясама қилмас эҳтиром.

Гина билмас, содда, беғубор
Феълинг учун санашса гўдак,
Бу жуда соз, нопок қалб билан
Улғаймоқлик не учун керак!

Умр бўйи гўдак поклиги,
Насиб бўлса ҳар кимга агар.
Гултож борми шундан ортиқроқ,
Эҳсон борми бундан мўътабар!

ҚАЙТИШ

Қабристонда сокинлик,
Қабристонда ғамгинлик...
Ўйлаб кўрсанг, қандайдир
Бунда ҳаловат бордек!..

Таажжуб, ёшлигингда
Даҳшат солган бу жимлик.
Не учун бугун энди
Бағишлар танга ҳордиқ?

Ҳорғинлик!.. Ором ишташ —
Ёшликнинг сўлмоғими?
Юракдаги оташнинг
Ё аста сўнмоғими?..



* * *

Жимжит!.. Қор остида ётар қабристон...
Дунё ташвишидан бутунлай холи.
Бир дамгина тўхта, назар сол инсон!
Ўйла не кечмогин банданинг ҳоли.

Жимжит, қор остида ётар қабристон...
Эшитилар на бир фиғону нола!
Кечаги ҳаётдан нолиган инсон,
Тақдирин тангрига этмиш ҳавола.

Жимжит, қор остида ётар қабристон,
Тақдирга айтгандек гўё шукрона.
На шуҳрат алами, на гуноҳ, на шон,
Тинчлик... ва сокинлик. Битта хилхона!

Нақадар сокинлик — атроф оппоқ қор...

ЭСЛАШ

Ҳар баҳор кутамиз турна келишин,
Қурқурин эслаймиз унинг ҳар баҳор.
Ҳатто ариқларда сувлар хонишин
Эслаймиз! Куйлари қилади хумор!

Кўнглимиз зор кетар ҳар йил баҳорга,
Кўнглимиз зор кутар гул очилмоғин.
Инсон нималарни олмайди ёдга,
Аммо у эсларми марҳум ўртоғим!

Нега, баҳор каби у қилмас хумор...
Қушлар сайроғича ҳатто суҳбати!
Баъзан унутамиз эслашни бир бор,
Тирикнинг қадрини? Марҳум ҳурматин!

Гоҳо хумор қилар лолазор томлар,
Ойни аллалаган баҳор шамоли.
Қабристон ёнидан ўтганинг дамлар
Шундай эсланарми она жамоли?

Инсонга нималар қилмайди хумор,
Неларга кетмайди инсон кўнгли зор!

Баҳор булутлари доко рўмол, —
Кўкдаги варраклар оналар руҳи.
Шамол гўдакларнинг майин нафаси...
О, дўстим, эшлашга инсон ҳам бор-ку!

ҚИШ ЭРТАСИ

Қиш эртаси нақадар гўзал!
Атроф текис, оппоқ-оппоқ қор.
Гўё олам энди яралиб
Оқ шохидек тўкмаган охор.

Тол, ниҳоллар қорга бурканиб,
Тизза бўйи қилганлар таъзим.
Фақатгина мирзатераклар
Куёв каби турар мағрур, жим.

Тонгда тушган изни беркитиб,
Учқунлади қор устига қор.
Доғ кўринмас олам бетида,
Қалбим каби тоза, беғубор.



* * *

Қуёш ёр васлига ошиқиб, шошиб,
Йўл юрган йигитдек бўртиб турибди.
Терак — сочин ўрмай чиққан қиз каби
Нозланиб, тонг чоғи елпиб турибди.

Теракка илинган варрак дариллар,
Қушларга жўр бўлиб чиқарар овоз.
Бир вақт учиргандим... наҳотки йиллар,
Ёшлигим шунча тез айлади парвоз!..

Бир вақтлар... наҳотки шунча йил ўтди!
Илк шеърим, ишқ фаслин эсладим шу чоқ.
Наҳотки, ёшлигим қўлимдан кетди
Узилган варракдек, сирғилиб йироқ!..

Тегирмон парраги остига кириб,
Қайси баҳор эди, балиқ тугганим?
Арава изида толдан от миниб,
Кеча эмасмиди чопиб ўтганим?»

Ўйларим бўлинди. Бирдан ариқдан
Тошқин сув келгандек бўлди гуриллаб,
Сув эмас, гуллаган шафтоли ёқдан
Ўғлимнинг овози келди дўриллаб.

Ўғлимга тикилдим, яшартди мени,
Ёшлигимни шунда учратдим тугал.
Гуллаган шафтоли майин тукини
Ўғлимнинг лабига берибди бу гал.

Демак, қаримабман! Бўз йигитлигим
Ўз уйим, ёнимда доим барқарор.
Ёшлиқ ҳисси билан тепади қалбим,
Яшасин авлодлар бахш этиб баҳор.

ҚИЗИМ ХУРШИДАХОНГА

Яралдинг олами Хуршид, дилимни сен мунаввар қил,
Сочиб нур, нур паноҳида йўқолган бахтимни бор қил.

Ато қилди менга фарзанд, менинг номим ота бўлди,
Оталик ҳурматимни сен, ҳамиша элга ошкор қил.

Қилиб элчи ўзингни тинч-омон, яхши замонлардан
Келар йиллик ақиқангда бутун элни хабардор қил.

Умидим кўп эрур сендан, умидим бахтиёр бўлгин,
Баҳордек яшнаган умринг боғин мангу чаманзор қил!

1943

КҮНГИЛ КАЛИТИ

Ой ҳам бир замонлар афсона эди,
Юлдузлар олами эди бир сеҳр.
Самовот дунёси пинҳонмас энди,
Қалбларга йўл топиш ҳамон, ҳамон сир?

Энди на уммонлар ҳайратга солар,
На асрий музликлар... Ҳаммаси аён.
Ақлимиз билишга етмасдан қолар —
Турган ким биз билан, бирга, ёнма-ён.

Одамзод кашф этди коинот сирин,
Аммо ҳамон ўзи бир-бирига сир.
Не сирки овлашга бир қизнинг қалбин
Не доно ақллар лол қолур ахир!

Шубҳалар ўтида гоҳо ўртаниб,
Бировга меҳр қўйиб, бирни яниймиз.
Ҳатто яқин дўстнинг қалбин тополмай,
Баъзан ўзимизга рақиб санаймиз.

Бевақт айрилиқлар, шубҳаю риё,
Нечун хиёнатлар ўтида ёнмоқ?
Наҳот мушкул бўлса, бўлса бедаво,
Бир кичик юракка ахир йўл топмоқ?

Балки сири билан инсон гўзалми,
Балки шундамикан ундаги сеҳр?
Ёки етмасмикан қалбин очмоққа
Бизлардаги ишонч, биздаги меҳр!

ШАЛОЛА

Қайга шошиласан, ахир шалола,
Нега чўққилардан шошасан пастга?!
Қояга чиқай деб, мен-ку овора,
Тинмай тирмашаман тошлардан-тошга.

Шалола-чи, бепарқ менинг дардимга,
Шовиллаб, гувиллаб, ҳайқирарди у.
Аммо боққан сарим ташна дилимга
Солгандек бўларди қандайдир гулув:

— Агар қояларга чиқмоқ истасанг,
Аввал менинг билан сахроларга юр!
Чўққидан қуёшга боқмоқ истасанг,
Машаққатимни кўр, мен билан югур.

Буюк қояларга чиқмоқлик учун,
Сахроларга ирмоқ бўлиб оқаман.
Ер бағрига сингмоқ бўлиб оқаман,
Чулдираб оқаман, булбул бўламан.

Илдизларга сингиб, мен гул бўламан,
Гуллар япроғида шудринг — нур бўлиб.
Мевалар лабида тонгда дур бўлиб,
Шу замин бағрида яратиб чаман.

Қуёш нурларида минг-минг товланиб
Яна қояларга кўтариламан.
Сен ҳам қояларга чиқмоқ истасанг,
Тошларга тирмашма, менга қулоқ бер.

Сен ҳам ўз терингдан бир гул ундирсанг,
Қояларга қанот берар она Ер.
Шалола гувларди,
Мен-чи ўйлардим.

АФСУС ЧЕКМА

Дўстим, афсус чекма кечган умрга,
Ёшлик ҳам ўтди деб қилмагин армон.
Ахир тўкин куздек бурканиб нурга
Келган кексаликнинг нимаси ёмон!

Албатта, ёшлигу кексаликнинг ҳам,
Турфа фаслардек — ўзин гашти бор.
Меҳнатни уддалай олмаган кўклам
Кузга етганидан бўлмас миннатдор.

Минг-минг афсус чекиш ўтган умрдан,
Оҳу нола қилмоқ ёшликни қўмсаб...
Кўкламда бир ишни уддалолмаган
Дехқоннинг куздаги афсусидек гап!

ГҰДАК ЙИҒИСИ

Гоҳо гўдак йиғлар хархаша қилиб,
Тинчитмоқ бўламиз қилиб пўписа.
Бир ширин сўз билан феълини билиб
Ожизлик қиламиз кўнглин топишга.

Баъзан чўчитамиз ана бобов деб,
Ваҳмага чулғаймиз мурғак қалбини.
Олабўжи деймиз гоҳо кўрқитиб,
Ҳатто нелигини билмасдан уни.

Бир гўдак йиғиси кўнгилга сиғмас,
Тоқат йўқ тинглашга бир йиғи сасин.
Дунё омон бўлсин, тинчлик бўлса бас,
Халқнинг йиғисидан тангри асрасин.

ҚАЙРАҒОЧ

Бир тутам соқолдек елда силкинган,
Қучоққа сифмаган, қомати мағрур.
Ғужум қайрағочнинг кузги баргидан
Ерда узук-юлуқ ўрмалайди нур.

Бобомни ҳам кўрган, ёшлигимни ҳам,
Қанча йиллар ўтган — ўша туриши.
Қанча умр кўрган — ҳеч ким сўзламас,
Ҳеч кимнинг бўлмайди у билан иши.

Саратон кунлари кенг кўлкасида
Одамлар ҳол йиғар бир дам ясланиб.
Шунда аҳён-аҳён эккан одамнинг
Муборак номи ҳам ўтар эсланиб.

КАПАЛАК

Мунча хур, пар каби енгил капалак,
Гулдан гулга кўчар, учарди тинмай.
Узоқ қўниб қолди, хаёлимни ҳам
Фунча япроғига кўмди сездирмай.

Тирпинди, сескандим, хаёл ҳам учди,
Бўсаларга қониб, силкитгач қанот.
Теваракка боқдим, шунда ўзимни,
Ҳис этдим капалак каби енгил, шод.



ОНА ЕР ЗАВҚИНИ УНУТМА СИРА!

Қаерга шошасан, дўстим, ҳордиқ ол,
Қулоқ бер ариқлар шилдирашига.
Елда япроқларнинг пилдирашига,
Атроф қандай гўзал, бирпас назар сол!

Умр деганлари ахир, боқиймас,
Ариқдаги сувдек оқиб ўтади.
Боғларга ҳам хазон фасли етади,
Ўз эркига қўйгин юракни бирпас.

Валфажр ўқийди кўкда қалдирғоч,
Бебахра қолмагин унинг базмидан.
Қатор турналарнинг айтган назмидан,
Наврўзи оламга бағрингни кенг оч!

Минора устида лайлак айланар,
Гўё қанотида тарихлар ёзиқ,
У ҳам бағишлайди руҳингга озиқ
Неларни хотирга келтирмас улар.

Дўстим, юрагингга эрк бер, бир фурсат,
Дунёда қушлардек айласин парвоз.
Сен ҳам ўз-ўзингни қўлга ол бир оз,
Бизни яратган-ку, она табиат.

Унинг ҳар гиёҳин ардоқлаб сийла,
Нурлар оғушига ўзингни бахш эт.
Наврўз куйларини қалбингга нақш эт,
Она ер завқини унутма сира.

ИЛҲОМ

Ёлвораман, илҳом париси,
Ўз эркимга холи қўй бир дам.
Бола-чақа, тўйлар орзусин,
Бошқалардек ўйлайин мен ҳам.

Шафқат этгил, тунда уйғотма,
Бир кеча бер уйқумга ором.
Севги бўлиб бағримга ботма,
Сеҳринг билан мени қилма ром.

Бошқалардек гулларнинг атрин
Тотиб бўлай боғим ичра маст.
Сен ўшанда, деҳқон меҳнатин
Солмай тургин ёдимга бирпас.

Менга ҳам бахт боққанда кулиб,
Тотмасимдан гаштин бир йўла.
Кимларнингдир дардин эслатиб,
Юрагимга солма ғулғула.

Ўз бахтимдан ўзим қувониб,
Ўз ғамимни чекайин ўзим.
Дунё дардин ёдимдан қувиб,
Бир дам бергил қалбимга тўзим.

Илҳом шафқат этдими менга,
Ё қаҳрими, билмадим бироқ.
Энди дунё ташвишларига
Неча кунки, бефарқман мутлоқ.

Ноҳақликдан энди йўқ куймоқ,
Илҳом завқи безовта қилмас.
Гулга боқсам босади мудроқ,
Қалбим дарддан туғёнга келмас.

Энди илҳом, ким бўлдим, айтгил?
Ёлвораман? Айтиб, қил изҳор!
Ёлвораман, ёнимга қайтгил,
Халқ дардидан айирма зинҳор!

АЛЪБОМГА

Йиллар ўтар, ўтар умрлар,
Ер бағрига тортар бирма-бир.
Лабда қолиб ширин бўсалар,
О, ажралмоқ нақадар оғир.

Йиллар ўтар, мен ҳам ўларман,
Шу парчани қолдирдим, аммо.
Хотирангда тирилолмасман,
Туюларман балки муаммо.

Кўмсаганда бўса лаззатин,
Гар қўлингга тушса шу варақ.
Кўз ёшинга суртсанг, бир марта,
Тириларман қабримда шу чоқ.



ИСТАЙМАНКИ...

Мен навқирон, ҳали ҳаётда
Насибам мўл, орзум беҳисоб,
Умр китобида йигитлик —
Муқаддима, бир дебоча боб.

Истайманки, умр достонининг
Барча боби ўтсин бешикаст.
Истайманки, гижимламасин
Ҳаёт гулни душман уриб даст.

Истайманки, олам ҳамиша
Баҳор чоғи, тонготар бўлсин.
Ўпкаларга олинган нафас
Чаманзордек муаттар бўлсин.

Истайманки, дайдиб келган ёв
Гулзоримни яксон этмасин.
Жангда ўлай, майли — халқимнинг
Бир умрлик эрки кетмасин.

Орзуларим денгиздек тошқин,
Шу меросга мен ҳам посбон.
Орзусига етсин насллар.
Майли, бўлсам шу йўлда қурбон.

САДОҚАТ

Мана неча йилки, сен ёлғиз, бева,
Мана, неча йилки, бошингда фироқ.
Муҳаббатинг сири қани, айт, нима?
Бардошингни сирин, билмайман бироқ.

Асло ҳайрон бўлма садоқатимга,
Бардошимга таҳсин ўқимагин ҳам.
Сеҳри борми, деб ҳам боқма севгимга,
Агар фироқига чидаган бўлсам.

Ғариб оқшомлари ўртайди ҳижрон,
Хўрликларим келиб, ҳатто йиғлайман.
Шайтоний хаёллар чулғади бир он,
Аламдан қалбимни гоҳо тиглайман.

Ёрим гўзалликда тенгсиз эмасди,
Кўп ҳам эмас эди қолдирган моли.
У ҳам кўп қатори бир одам эди,
У ҳам нуқсонлардан эмасди холи.

Садоқатим сирин не деб айтайин?
Мен шоир эмасман оддий бир хотин.
Ҳижрон ўртаганда нуқсонларинмас,
Унутмай сақладим яхши хислатин.

МАКТУБ

Балки севгим сенгадир аён,
Кўпдан сени севаман, гўзал.
Тонг отажак бешак, бегумон,
Ҳижрон битиб, висол етган гал.

Ишон эй ёр, сен қанча севсанг,
Меники ҳам ундан кам эмас.
Фақат-фақат вафони билсанг,
Ол жонимни, ҳижронни қўй, бас!

Тўнғич севгим тўхтаган сенда,
Кутмагайман риё ва зулм.
Ва севгайман пировардида,
Насиб бўлур ё сен, ё ўлим.

Ҳотирлайман боқишларингни,
Ёдга келар бўса тунлари.
Юрагимга ўт тушар шунда,
Кўкка учар ёв кукунлари.

Ҳар баҳор, ёз мени кутарсан,
Зўр умидда севгинг мавжланар.
Ойдин кеча... Сир ёқасида,
Кезишларни эслаб дил ёнар.

Йиллар ўтди, ойлар кечмоқда,
Минутларни кузатарсан, ёр.
Бу жанг, ахир, ишон, албатта.
Мен. ғолибман, кутгил умидвор.

Висол куни яқин, шод кутгин!
Бўсаларга лабларим чанқоқ.
Ҳижрондан сўнг тегса лаб-лабга.
Ҳар галгидан бўлар тотлироқ.

Қалбимдаги севги тўлқинин,
Сигдиrolмас ўзига бу хат.
Мактуб кутма, чунки яқинда,
Куражаксан мени саломат.



Достонлар



АСР БАҲСИ

(Икки достон)

1. Хатар

*Ўлим, ўлим — хунук зарурат,
Тур, эй, шоир, раҳмингни уйғот!*

Усмон НОСИР.

I

— Ҳақини гапирдинг, ҳа, тўғри. Аммо,
Билмаймиз бу дунёга қайга кетяпти!
Охири не бўлар, бу ҳам муаммо,
Ғалвали дунёда умр ўтяпти!..

— Нималар деяпсан? Қанақа ғалва?
Овозингни қўйиб, баралла гапир!
Ўзинг биласан-ку унча-мунча гап
Қулоққа кирмайди, шундай бу аср.

Бир вақт одамларга битта ишора,
Бир оғиз гап ҳатто қилар эди кор.
Энди бошқа одам, бошқа замона,
Бу дунё ўзгарган зинҳор базинҳор!

Ҳа-ҳа, вақтлар бўлган, пичирлаш эмас,
Ҳатто зикр этмаган гапларингни ҳам
Айтган деб гувоҳлик берганлар бўлган...
Нени кечирмаган бошдан бу олам.

Бир вақтлар инсонлар нон ушоғини
Ердан кўтарганлар муқаддас билиб

Ҳеч ким ўргатганмас нонни тажанг деб,
Тарғиб ҳам бўлмаган шиорлар илиб.

Қадим тийин топсак қувонар эдик,
Ногоҳ хазинага келгандек дучор.
Энди-чи? Миллионлаб, миллион ўпириб
На нафсни тиямиз ва на элдан ор!

Бир вақтлар кетмонда ер чопар эдик,
Ўндан бир одамда бўлар эди от.
Байрамларда бойлар киярди этик,
Гилам саналарди одамга бисот.

Ҳозирги кишига бўлар кулгили,
Ҳозирги замонда бўлар майда гап!
Биз яшаган аср шундай асрки,
Ҳаёт юксалмоқда фазога қараб!

II

Бу шундай асрки, албатта талаб,
Дид-у фаросат ҳам ўзгарган сўзсиз!
Аммо шу тафаккур, ақлга қараб
Инсоф, эътиқод-чи?

Қани, айт?

— Эсиз!..

— Ўзингча нелар деб шивирляяпсан?

Нима эсиз? Қани, баралла гапир!

Ўзинг биласан-ку унча-мунча гап,

Қулоққа кирмайди, бу шундай аср!

Ҳа, шундай асрки, бу еру осмон
Шовқин-суронлардан тинмай ларзада.
Ахир, зилзиладек тебранар ларзон
Шўрлик бу сайёра ҳар бир лаҳзада!

Бу не гуррос, ларза демоқчимисан?
Наҳотки бу товуш сенга бўлса ёт?
Наҳот Невададан учган ракетдан
Безганин билмасанг бугун коинот?

Наҳот эшитмасанг, наҳот сезмасанг?
Дунёни ларзага солган-ку шулар!
Бу не ихтиро деб балки сўрарсан,
Қайга учади деб йил бўйи улар?!

«НТР!.. Ҳа, булар НТР, дўстим!
Илмий-техникавий инқилоб демак...
Нега бирданига бўлиб қолдинг жим?
Сўзла, сахф бўлса фикримда андак?

Ш

— Инқилоб дейсан-а!? Ахир инқилоб
Инсонга бахт берган, инсонга тенглик!
Аммо, сен сўзлаган бу инқилобда
Ахир, биз Инсонлар нимани енгдик?

Инсонга саодат келтирар фақат
Аниқ истиқболни кўрган инқилоб.
Аммо НТР-чи? НТР... ҳайҳот,
Қайга бошламоқда инсонни шитоб?

— Қайга бошлаганин билмоқчи бўлсанг,
Бир дам кўзингни юм, ёшлигинга қайт.
Кўз олдинга келсин иссиқ кулчани
Ариқда оқизоқ қилганимиз пайт.

Ёшлигимиз кечган сен билан бирга,
Боғларда мевалар бўларди минг тур.
Қушлар-чи? Сигмасди кўк билан ерга
Тонгдан сайрашларин, ёдинга келтир!

Ахир, ёдингами, бутун йил бўйи
Тўлиб оқар эди ариқларда сув.
Оқиб келар эди тутлар, олмалар
Балиқлар тутардик кўтариб қий-чув.

Дарёлар қирғоғи ўзга бир маскан,
Атрофи тўқайзор, боғ-роғ бўларди.
Энди-чи? Ўрнида ўзга бир макон,
Комбинат, заводлар қадин кўтарди.

Йигирманчи аср, бу шундай аср,
Бу кимё асри, техника асри.
— Қандай аср бўлса, бўлсину аммо
Инсону ҳаётга урмаса қасри!

— Ташвишим ҳам шунда! НТР керак,
Тадқиқ қилмоқ керак еру самони!
Сақлашимиз лозим сен билан бизлар
Дарёлар софлигин, тоза ҳавони!

Қозон қайнатгандан хазон тутатиб,
Албатта, газ ундан минг марта афзал.
Бемаъни рицарлик, самолёт қолиб
Эшакда йўл олиш ҳозирги маҳал.

Машина турганда ким ҳам истайди
Пахта теришликни минг бор букилиб?
Баъзан химиядан ғўза баргимас,
Одамнинг соғлиғи кетар тўкилиб!

Баъзан бир гўдакнинг бевақт ўлими,
Қалбларни ўртайди, қилади сиё.
Энди ўн саккизга тўлган бир йигит,
Ёш келин ўлимин эшитсанг аммо.

Ларзага келасан! Ўнлаб оила
Фожиасин агар бўлсанг гувоҳи,
Ҳайратга тушасан, қаҳринг қўзғалар
Не деб шўрликларнинг қилган гуноҳи.

Балки бу афсона, балки ҳақиқат,
Балки бир тасодиф! Неки бўлса ҳам
Шу кичик оила фожиасидан
Даҳшатларга келар эшитган одам!..

Энди тасаввур эт, миллион-миллионлаб
Фариштадек қизлар, ёлғиз ўғиллар
Баҳорда яшнаган чаманлар, гуллар,
Ўзин ижодидан хурсанд уламо,
Энди набирага етишган бобо,
Қанча-қанча шаҳар, қанча ширин жон

Бир онда атомдан қилинса яксон,
Бу ҳам НТРми? Унинг қудрати,
Унинг касримасми?
Нега қолдинг жим?

Бунинг боиси не? Нима зарурат?
Нима гуноҳ қилган она табиат?

IV

Буни ҳам биласан! Ернинг тагида
Илон қимирласа сезасан ҳатто.
Фожиа шундаки илон ўзимни
Чақмаса бўлдига ўргандик аммо!

Сен мендан ранжима, фақат сен эмас,
Мабодо дунёга ўт кетса агар.
Бандадан уялмай, тангридан қўрқмай
Ўзим ёнмасам бас деганлар ҳам бор.

— Ўзга нима чора! Минг дод, фарёд чек
Энди нолалардан не фойда ахир?!
Кишилар оҳимас, дунё тақдирин
Атомлар ҳал қилар! Бу эмас-ку сир!

— Демак, охир замон! Қолган умрни
Кечирмоқлик керак бир-бирин талаб?
Бутун хиёнат у имон сусликлар
Наҳот, гуноҳларга атомлар сабаб?!

Беш юз йил муқаддам ҳатто Навоий
Дунёга келибмиз деганда бевақт,
Ноумид қолмаган охир замон деб,
Асло нопокликка қилмаган шафқат!

Охир замон, атом, НТР дейиш,
Нопок тўдаларга баҳона фақат!
— Хўш, қани, ўзинг айт, бизнинг асрда
Атом бомбасидан борми зўр қудрат?

— Тангри бор! Инсоф бор! Инсон бор — биз бор!
Атомлар сен, бизсиз ўлик бир бисот.
Атомни яратган, Хиросимага
Уни ташлаган ким? Ахир, одамзод!

V

— Одамзод!.. Одамзод!.. Миллиард одамзод,
Атом кудратининг олдида нима?
У шундай беадад ваҳший уммонки,
Бу дунё қалқиган кичик бир кема!

— Сен айтган атомдан ҳарчанд кудратли
Шундай офат борки, ундан даҳшатроқ, —
Бу инсоннинг нафси! Бутун дунёни
Шудир доим барбод қилгувчи олчоқ!

Инсон инсон бўлиб ақлини таниб,
Қўлига бир найза тутгандан буён,
Қандайдир доҳийлар нафси баҳона
Давлат, дин деб ўзин қилади қурбон.

Ахир, атомсиз ҳам бутун дунёни
Гитлер ботиргудек бўлди-ку қонга.
Нечун? Нега ахир? Немис кўрмиди?
Нега у зор эди? Зормиди нонга?

Гитлернинг манманлик, нафси эди у!!!

Энди атом асри! Бу сўнги жангда
Бўлмас енгувчи ҳам, енгилувчи ҳам.
Ғолибларга бўлар ва на обида,
На зафар байроғин тикловчи одам!

Сочилган бир сиқим тупроқ сингари
Бу еру заминдан қолмаган нишон.
Хўш, энди нечун жанг? Наҳот дунёдан,
Наҳот тўйган бўлса жонидан инсон?!

Энди кураш нега? Нечун зўрлигу
Атом бомбаларин қилмоқ писанда!?

— Фоя учун кураш! Курашмоқ керак,
Шуни билмайсанми, эй, гофил банда!

— Фоя деган нарса халқнинг мақсади,
Аср нималигин унинг англаши.
Халқнинг эрки қолиб, нега ўзгалар
Яшаш тариқатин керак танлаши!?

Ахир бу дунёда ҳар бир инсонга
Фироқ, йиғи эмас, шодлик, бахт керак.
Боги-роғлар керак ва янграган куй
Ҳалол меҳнат нонин хотиржам емак!

Халққа нима керак! Ўз эркинлиги,
Омон бўлса басдир шу еру замин.
Элга хотиржамлик, тинчлик тилайди,
Фотиҳага қўл очиб деганда: «Омин!..»

Халқнинг гоёси шу

VI

— Албатта тинчлик!
Ўзга нияти йўқ унинг мутлақо!
Лекин минг афсуски!..
— Нега бу афсус!
Тинчликни истасанг тинч қолма асло!..

Биламан сукутинг аломатин ҳам
Асаб тобланишин сўнги нуқтаси.
Бу ҳам одамзодга атом асрининг,
НТР асрининг берган туҳфаси.

Биламан феълингни, беозор зотсан,
Бировлар озорин истамайсан, ҳа!
Аммо сен одамлар, дунё тинчлигин
Истасанг, ҳа, ҳайқир, сукут сақлама!

Сен шундай ҳайқирки, ҳайқиригингдан
Одамлар тинчлиги бузилмас зинҳор!

Йўқ, сукут сақлама! Қанча ҳайқирсанг,
Ҳаёт шундагина бўлар барқарор.

— Кошки бўлса эди! Бу фақат ният,
Ахир ният ўзи ёрти мол холос!
Фақат ният билан бутун дунёни
Қилиб бўлармикан қирғиндан халос!?

Тинчликни итсаймиз! Истаймиз аммо,
Кимнинг қўлида у даҳшатли қурол?
Урушқоқ нафсини, манманлигини
Енгмасдан бўлурми тинчлик барқарор!?

— Сен шундай ҳайқирки, кирсин овозинг
Халқ қадами етмас хоналарига.
Чил-чил бўлиб синсин ўша ўқ ўтмас
Деразалар халқинг ноаларига.

Халқлар ҳайқирғи уларнинг нафсин,
Ҳокимлик гурурин агар босмаса,
Халқларга тинчлик йўқ! Йўқ-йўқ битмагай
Уруш, қирғин деган қонли васваса!

Тинчликни истасанг, шундай ҳайқирки,
Дунёни ўртамай атом бомбаси.
Атом соҳибларин қалбин ўртасин
Инсонлар овози, тинчлик ғояси!

Тўғри, сен айтганча ғалвали дунё,
Атомлар, НТР асри бу, дўстим.
Лекин амин бўлки, атомлар эмас,
Чин инсон идроки, инсофи ҳоким!

2. Тинчлик

I

— Бўлди, бироз тўхта, нафасни ростла,
Бу дунёнинг иши кетмайди қочиб.
Менинг дардимни ҳам қўзғатиб қўйдинг,
Ростини айтганда, қалбингни очиб.

Тирноқдан кир излаш, ахир, бу гийбат,
Инсонга азоб-ку, битади қачон?

— Энди нима десам? Битади, фақат
Тирноқлар ўсишдан тўхтаган замон.
Ёки қутилмоқчун доим тирноқни
Қиртишлаб турасан, қирқиб турасан,
Ана шундагина... Нега куласан?..

— Мен дардимни айтсам...

— Билмасам, наҳот!

Кошки ҳамма сендак бўлса бетоқат!
Шундайлар ҳам борки, дардингни айтсанг,
«Дунё ўзи шундай» дейдилар фақат.

Агар ёз кунлари тўхтаб қолса сув.
Қишда газсиз қолиб музласа уйлар.
Бунинг боиси не? Гуноҳқори ким?
Асло жон койитиб ўйламас улар.

Кимнингдир мушкулин осон этмоқлик
Энди бурч саналса, қадимда савоб.
Бундай бепарволик, касали қайдан?
Ўйлайман-у, аммо, топмайман жавоб.

— Энди нега керак интилиш, кураш,
Энди нега керак куйдирмоқлик жон?

Қачонки келажак, дунё сирлари
Бугун одамларга бўлганда аён!
— Демак, айтишингча, юксак онг билан
Янги гуноҳлар ҳам бўлмоқда пайдо?

— Албатта! Қадимда бирор кашфиёт
Ва ё бирор дардга топилса, даво,
Эллардан элларга етиб боргунча
Ойлар эмас, йиллар ўтарди гоҳо.

Энди, «Вайс оф Америка» «Фрае Оеропа»
Яна қайлардадир тўқилган бўхтон,
«Першинг» тезлигида етиб бормоқда
Ернинг у бурчига радиода ҳар он.

Одам ўлдирилса, ўғирланса от
Бутун теварани босарди ғулув.
Моро ўғирланган Италияда,
Премьер министр, от эмас-ку у!

Тўғри, баъзан Шарқда муҳаббат ҳақи
Олиб қочиларди қизларни қадим.
Энди, Европада одами билан
Самолёт ўғирлаш бўлмоқда расм.

Самолёт! атомлар!.. Албатта, сўзсиз,
Замоннинг ривожини деймиз-у, бироқ,
Беҳаловат кечган ҳар бир дақиқа
Асаблар заволи эмас, ўртоқ!

II

Бу аср одами, ахир, бу ривож,
Жаннат қилаолар дунёни ҳатто,
Ҳамиша безовта, аммо руҳимиз,
Наҳотки, бу дардга топилмас даво!..
Ажиб замонларга қолди-да, тавба!
Қани, атомларсиз осуда дамлар?

— Замондан нолима, замонда айб йўқ,
Ахир, бу дунёга ҳоким одамлар!
— Одамлар бузилиб кетди чамамда
Яхшилар қолмади, бало ўшанда.

— Йўқ, йўқ! Минг шукрлар, ҳали дунёда
Ёмонлар ҳокиммас, ёмонлар кўпмас...
— Нима десанг де-ю, аммо одамлар
Бўлиб қолдилар-ку гуноҳдан қўрқмас!

Қани, ростини айт, тутзор йўқ жойдан
Ҳеч вақт қўрганмисан, пилла олганин?
Ахир, билганмисан, сигир ўрнида
Пулдан сут-у қатиқ тайёрланганин!

Баъзан ақлим етмас, ер ҳам, ҳосил ҳам
Халқимиз сонидан ўн бор кўпайди.
Қайдан пайдо бўлди, «танқис» деган сўз?
Нима баракани ердан кўтарди?
Балки нопокликлар...
— Ҳа, гапларинг ҳақ!

III

— Булар нечун ахир? Фақат шуҳрату
Наҳот амал учун? Наҳот шунчалар
Қонун унутилса! Наҳот, одамлар,
Шунчалар ҳаёдан бўлсалар маҳрум?

— Нопокликка бўлган сендаги нафрат
Қалбдан хиёнатга ёнмоғинг буткул —
Бу шундай қонунки, бундан афзалроқ
Даҳшатлироқ қонун бўлмоғи мушкул!
Ҳар битта қалбдаги нафрат томчиси,
Нопок одамларга жазо қамчиси!

Лекин, эътирозим, сен айтганчалик,
Дунёда ёмонмас, яхшилар кўпроқ.
Ҳали ҳам яхшилар суяб турибди,
Ҳа, шулар бўлмаса, аллақачоноқ,
Дунё фарқ бўларди ўз гуноҳига!
Замин аллақачон бўларди барбод!

IV

— Аллақачон эмиш! Гуноҳлар эмиш!..
Ахир, аллақачон деганинг қачон?
Шу фурсат турибмиз жар ёқасида,
Қара, ўпирилмоқда тепангда осмон!
Атом бомбалари бошимиз узра
Қатор сумалақдек турган пайтда,
Биз-чи, Афросиёб қаърини қазиб
Тирилтирмоқчимиз тарихни қайта!..

— Ноумидлик!.. Тўхта, сенга не бўлди!
Ахир, кўнглинг мунча ҳасратга тўлди!
Бир дам хотирингга ўтмишни келтир,
Қирқ биринчи йилни бир он қилгин ёд!
Инсоннинг қудрати қуролда эмас,
Уни буюк қилган умид, эътиқод.

Ахир, Ленинград қамалда эди,
Очлик! Нон ўрнига ёғар эди ўқ.
Ноумид қолмади ҳатто шунда ҳам
«Эрмитаж» таъмирин тўхтатгани йўқ.

Бир нафас қалбларда сўнмади умид,
Унутганлари йўқ боболар руҳин.
Тантана қилолди ахир, қамалда
Буюк Навоийнинг беш юз йиллигин...

Шундай буюк дўстлик, бундай эътиқод,
Доим қалбимизда экан барқарор!..
— Бунга ҳеч шубҳам йўқ! Аммо, дардимни,
Дўстим, шошилмагил, қилгунча изҳор!..

Менинг бу ёнишим, ноумидликмас,
О, дўстим, сен бундан ғазабни фарқ қил!
Менинг бу қаҳримни урушга нафрат,
Санъату ҳаётга ташналик деб бил!

Рафаэл ишлаган гўзал мадонна,
Париж музейидан ўғирланган он,
Бутун гўзалликдан бўлгандек маҳрум
Дунё кўтарганди бир вақт ғалаён!

Мадраса беагаин синиқ парчаси,
Ва ё ўғирланса, тарихий сопол
Тутилган гуноҳкор борки, барчаси,
Сазойи этилган, осилган дарҳол.
Энди-чи? Бир расм, битта шаҳармас!..
Ахир тасаввур эт!
— Бўлди, бўлди, бас!

V

Иккиси ҳам узоқ толди сукутга,
Сукутда боқарди теварак — четга.
Гўри Амир, Регистон сукутда, жим-жит...
На азон овози келар мачитдан.

Шундай бир сукутки, улар қалбида
Недандир ваҳима, фарёд кўпарди.
Бирдан сукут портлаб, кўзи олдида
Заминни парчалаб кўкка кўтарди.

Самарқанд сайқали, олтин саройлар
Сиқим тупроқ бўлиб тўзди самога.
Жаҳонни титратган ҳатто Темурнинг
Фарёди ўрлади аршу аълога!

Ибодатхоналар олтин қуббаси
Ерда оқар эди симобдек эриб.
Гўёки ушатишган нон бурдасидек
Самода учарди замон ёрилиб.

Қолган эди зулмат, даҳшатли садо,
Ҳаёту мавжудот бўлганда адо...
Атроф кукун бўлди, атроф кул бўлди,
Гўзалликлар бўлди ер билан яксон.

Улар хаёлида қоришган эди
Гўё атом тушиб ер билан осмон.

VI

— Наҳот шундай бўлса, бизнинг келажак?!
— Кел, қўй, бу дунёнинг ташвишин бир дам.
Мана, бунга қара, — бу — бош чаноғи,
Бу ҳам бир вақт бўлган қош, кўзли одам.

Бир вақт бу ҳам биздек, шодлик қайғу-ю
Неъмату шаробнинг ҳузурин билган.
Балки, бу дунёга устун бўлай деб
Ҳай-ю ҳавас, шуҳрат ортидан қувган!

Кимнинг бош суяги? Ҳамлет айтгандек
Сарой маҳрамими? Ва ёки гадо?
— Агар шамдон чиқса ёнидан-шоир,
Қилич, қалқон бўлса, демак подишо.

Агар кетмон чиқса, билгин у деҳқон,
Ҳасса чиқса, чўпон, гадо бўлади.
— Ҳа, ўлим шундайки, шоҳу гадони
Бирдамда теппа-тенг қилиб қўяди.

Бири пайғамбардир, бири фуқаро...
Биз боболар руҳин этмоқчимиз шод,
Аммо бир ўзимиз нима бўламиз,
Бизни эслармикан келажак авлод?

— Бизними? Бир замон Темур қон тўкди,
Аммо ўзидан сўнг Самарқанд қолди.
Улуғ жанг йиллари Москва, Брест...
Қаҳрамон шаҳарлар деган ном олди.

Энди-чи!.. Алҳазар, айтмоққа тил лол!..
Агар шундай бўлса, замон кетиши,
Бизни ёд этишмас, ҳатто, жаҳонда,
Қолармикан омон, бирорта киши?
Энди уруш бўлса!..

— Энди бўлсамас,
Бу урушлар қачон тугайди дегин!

Уруш, ахир, бомба портлаши эмас,
Ё атом ёмғири келтирган қирғин...
Уруш деган нарса!..

VII

Айтиб улгурмай,
Бирдан бўрон кўпди, бирдан ёғди қор.
Боғу роғлар қолди қорнинг остида,
Қолди қор остида оппоқ пахтазор.

Ёққан қор эмасди, машаққат эди,
Ўзбек деҳқонига ёғилган азоб.
Қор чангаллаб терар ёш-ёш болалар,
На чора, бермасдан машаққатга тоб.

Далаларга чиқар оқсоқол чоллар,
Мактаб эшиклари ёпилар ойлаб.
Саратон иссиғи куйдирса ёзда,
Энди-чи, аёздан дирдирайди лаб.

Нечун бу машаққат, бунчалар азоб,
Нонга зор эмас-ку ўзбек деҳқони!
Нечун, ўз қўлида бўлиб ўз эрки
Томоғидан ўтмас хотиржам нони?
Нечун?
— Бунинг нелигини мендан сўрама,
Қанча-қанча халқлар, ҳали эллар хор.
Нонни кесиш учун пичоқ яшашмас,
Бурда ноннинг ўзин топишликка зор.

Бугунги терилган ҳар ҳовуч пахта,
Олтин билан тенг-у ҳар сиқими — дон.
Ҳа, азоб саналмас қилган меҳнатинг,
Агар дўст халқларга бўлолса, дармон.

Беш қўл баробармас! Американинг
Асло қилиб бўлмас бойлигин инкор.
Очларга-чи, парча нон бериш эмас,
Миллион сўмлик бомба ташлашга тайёр.
Бунинг боиси?

Тўғри, урушмас,
Ёғилиб турган йўқ бошимиздан ўқ.
Аммо, менга айт-чи, хотиримиз жам,
Дунё тинч дейсанми? Албатта, йўқ, йўқ!
Бунинг боиси не?

VIII

Атом асри деймиз, НТР деймиз,
Йўқ. Асли булармас тинчликни бузган!
Недан ҳалок бўлди, ахир Индира?
Тинчлик истаганми, унга ўқ узган?

Агар тасодифан ғарамлар ёнса,
Нодон боис бўлиб ёнса, ўрмонзор,
Эзгу ниятларда оташ келтирган
Наҳот, Прометей бўлса гуноҳкор!

IX

Ҳикмат бор — дўстинг ким, билмоқчи бўлсанг,
Кўлига қурол бер, нодонга эса,
Бир кун бўлса ҳамки, бериб кўр амал.
Қасам ичаманки, бири шу маҳал
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлди, деб,
Энг аввало сенга ўқталса милтиқ,
Амал теккани-чи? Энг зўр ўзим деб
Дўстдан юз ўгириб, урабошлар дўқ!

— Ҳа, балли! Инсон ҳам атом кучига...
Атом қудратига етмади осон,
Лекин жаноблар бор, НТР билан
Бу она дунёни қилмоқчи яксон.

Ногоҳ гугурт чақиб, ёққан ўтидан
Ўзи ҳалок бўлган гўдак сингари
Атомни кашф этиб, гўдакдек гангиб,
Инсон ўзин барбод этмаса ҳали?

— Бўлди, бас, қилайлик! Сен билан мен ким!
Бизнинг қўлимиздан келарди нима?

Нафасин ростлайлик, ўткинчи дунё
Еб-ичган қолади, ҳа, юр, йўқ, дема.

Бу замон шундайки, дўстим, ўйласанг,
Кўлинг ишга, оғзинг бормайди ошга.
Ўткинчи дунёда бир кун ўтса, бас,
Яна нима керак, одамга, ошна!

— Бизгами? Ҳали кўп нарсалар керак!..
Қачон пайдо бўлди, сенда бу ваҳма?
— Замон ўзи шундай — шуҳратпарастлик,
Васваса ва атом қаерга боқма!

— Ҳали шундай дегин?
— Бўлди, талашиш,
Ахир жонга тегди!.. Тинчлик ҳам керак!
— Ҳамиша тортишиш, ноаҳиллик ҳам
Сенингча, тинчликка кирмайди, демак!

— Албатта! Ва лекин, бу оқ, қора деб
Баҳслашиб кўкракка урмагил юз йил,
Сен, голиб чиқмайсан, ҳақгўй бўлолмайсан,
Бўлмаса исботи, бўлмаса далил.

Ҳақиқат баҳсларда туғилмоғи ҳақ,
Баҳс олий чўққиси инсон эркининг.
Баҳслашмоқ гуноҳмас аммо, у нечун?
Ҳарбир нарсанинг бор, чеки, лекини...

«Лекини» бу — халқнинг! Ким ҳақлигига
Энг олий гувоҳ-у энг олий ҳакам.
— Ҳақиқатни айтдинг! Халқ омон бўлса,
Ўз ҳукмини айтар сен-у менга ҳам.

— Албатта!.. бўлди қил! Ёмғир бошлади.
Кел, хумор ёзайлик, чиққунча офтоб.
Минг-минг шукурларким, ёмғир ёғмоқда,
Бунинг ўрнида-чи, ўқ ёғса, шу тоб...

— Нафасин иссиқ қил!
— Ҳа-ҳа, жон ширин.

Ўлимни, урушни истамас инсон!
Икки дўст кутарди ҳамон қўёшни,
Ноумид қолмади, ёришди осмон!

Хотима

Мен узоқ тикилдим улар ортидан
Ўйим улар билан бирга кезарди.
Не сирки, уларнинг ўтли баҳсидан
Қалбимда ҳаловат, ҳузур сезардим.

Булар талашарди на шон-у шуҳрат,
Ва на қилардилар мартаба баҳсин.
Булар юксак эди майда ҳасратдан,
Қурбони бўлмоқдан ўз кичик нафсин.

Кувонч бағишларди бу икки дўстнинг
Аср ҳақидаги ўтли ташвиши.
Кошки ўйласайди дунё тинчлигин
Шундай жон куйдириб ахир ҳар киши!

ЭВМ, НТР, инсон ақлининг
Буюк чўққисики, ҳаммага аён.
Бу шундай асрки, бусиз ҳаётни
Тасаввур этиб ҳам бўлмас ҳеч қачон!

Мана шунда бизнинг қудратимиз ҳам
Чўл-у саҳроларни айладик обод.
Инсон ақли ҳозир шундай қудратки,
Етади дунёни қилмоққа барбод.

Ҳали бу дунёда дўст бор, душман бор,
Ҳали мавжуд экан ғоя кураши,
Табийий, дунёга бу икки дўстнинг
Ташвиш-у хавф-хатар билан қарашни.

Йўқ бу ваҳма эмас, васваса эмас,
Уларнинг яшашга бўлган севгиси.
Ҳаётга беадад бўлган ташналик,
Келажакка умид, ишонч белгиси!

Булар кимлар? Менинг ватандошларим,
Буларнинг баҳсидан қилардим фахр.
Булар ер-у кўкнинг, ҳар бир гиёҳнинг
Ташвишин, тақдирин ўйларди ахир.

Дунё қил устида турганлиги рост,
Атом ҳалокати хавфида олам.
Дунё шаксиз омон қолади фақат,
Шулардек қайғурса ҳар битта одам.

Уларнинг ортидан хурсанд боқардим.
Қуёшли осмонга боқардим сокин!
«Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди,
Умримиз боқийдир, умримиз боқий!»



НУР

(Кўнгил чироғи)

I

У кўр бўлиб қайтди урушдан...
Жондан севган ўз диёрини,
Илк кўз очиб кўрган ёрини,
Жамолини қайта кўришдан
Маҳрум бўлиб қолди афсус у,
Ёруғ олам эди қоронғу...

Гоҳ муштига бош қўйганича,
Узоқ-узоқ ўй сурганича,
Тилсиз каби қоларди сокин,
Ҳа, бизлар ҳам баъзида локин
Фикримизни жамлаш-чун жимиб,
Теваракдан бутун кўз юмиб,
Худди шундай сурамиз хаёл...
Фикримизнинг етгач қиёми,
Бир завқ билан кўз очиб дарҳол,
Тасаввурдан ўтганин жамин
Шу ҳаётдан излаб кўрамиз
Ва фикрга нуқта қўямиз.
Бу имкондан ҳайҳот, у маҳрум!
Тасаввурнинг измига маҳкум!

II

О нақадар даҳшат бир ўйни
Эртадан-кеч ичдан ўйламоқ!
О, нақадар даҳшат бир куйни

Ўз-ўзича ёлғиз тингламоқ!
Йигирма йил кўрганин наҳот,
Хаёлида сурса умрбод!?

III

Баъзан баҳор келган чоғида,
Қушлар билан туриб боғида
Гуллар рангин ажратмаса ҳам,
Фунчаларни пайпаслаб бир дам
Атри билан нафас оларди,
Ирмоқларга қулоқ соларди.
Шунда унинг завқини кўриб,
Қолар эдим узоқ ўй суриб:
Ахир, қанча кечириб баҳор,
Гўзаликнинг етмай фарқига,
Фарқ бўлмасдан унинг завқига,
Кўзи очиқ кўр бўлганлар бор.
Тошни ялаб оққанда ирмоқ,
Тонгда хониш қилганда булбул,
Дили тошмай, бепарво мутлоқ
Ўтганлар бор, буларни буткул,
Дили билан кўр десанг бўлур.
Аммо унинг юзларида нур,
Балқир эди ёрқин бир ғурур.

IV

Шунда унинг кузатиб бир он,
Юзидаги севинч ҳисларин,
Бир мамнунлик, ғурур изларин
Сирларини ўйлардим ҳайрон:
Ҳа, ёшликдан ёлғон-у риё,
Хиёнатни билмасди сира.
Худбинликнинг афсус, алами
Қилган эмас кўнглини хира.
Кимдир келиб ортимдан пичоқ
Солади деб ўйламас мутлоқ.

Унинг фикри, унинг хаёли
Бундай хавф-у хатардан холи!
Шу учунми, юзларида нур?
Ё шунданми ундаги гурур?

V

Минг йил кўзи очилмаса ҳам
Ширин эди унинг хаёли.
Ёшлигида ўсгани кўркам
Ўша баҳор, ўша диёри,
Ўн саккизда севгани ёри,
Тасаввурда ўзгармай шундоқ
Кўринарди. Эслгани чоқ,
Хотинини олиб ёнига,
Ором кириб бутун жонига,
Сочларини силарди узоқ.
У билмасди ёрин юзига
Тушганини тўр каби ажин.
У билмасди уруш ҳижрони
Оқартганин қопқора сочин.
Кўз олдида ўша жаннати,
Ўз олдида ўша жаннати.

VI

Ўз севгани, ўз она-юртин,
Кўрганидан қувонса ҳам у,
Тасодифлар эски ярасин
Баъзан очиб, ўртарди қайғу.
Кечагидек ёшлик чоғлари
Нурга тўла бу ёруғ дунё,
Ўйнаб-ўсган, кўча, боғлари,
Тушларига кирарди гоҳо...
Ана шунда кўпдан кўрмаган
Дўстлар билан кўришар висол,
Бу тушлигин унутиб бирдан,
Қайта кўзи очилган мисол,
Ўзида йўқ чексиз қувониб,
Уйқусидан хурсанд уйғониб,
Кўзин очмоқ бўлганда, ҳайҳот!..
Атрофини босарди зулмат.

VII

Гоҳо унга тикилганча лол,
Ўз-ўзимга бераман савол:
Ёшлиқларин, ёрин жамолин
Тасавwurда тиклай олур у.
Аmmo фарзанд, набираларин
Жамолини кўрмоқдан мангу
Маҳруммасми? Бу алам гоҳо
Ўртамасми қалбини аммо?

VIII

Саволимни сезган каби у
Акс этарди юзида қайғу.
Шунда огир хаёлга ботиб
Қолар эди бирдан уф тортиб.
Бунинг сириин сўрашга дарҳол
Йўқ, менда ҳам етмасди мажол.
Чунки у ҳам ахир тирик жон
Бу дунёнинг дарду кулфати
Ўзига хос дўст-у улфати
Йўқ эмасди.
Орзу-ҳавас-у
Тўй-томоша, рўзғору ташвиши
Одамларнинг ҳар хил миш-миши...
Фикрлашдан холимасди у.

IX

Гўзал эди унинг хотини
Нозик эди қадди камоли.
Баҳор келиб, ўз санъатини
Кўрсатаркан, унинг жамоли.
Яна тўлиб, яшнаб кетарди,
Нурдек тиниқ бепардоз юзи,
Севги тўла қуралай кўзи.
Ҳар кўрганни мафтун этарди
Тўлин ойдек шу гўзал жувон
Етагида кўзсиз, ногирон
Йигит билан кўча-куйларга

Борар эди базм-у тўйларга...
Иккаласин кўрган баъзилар
Тикилганда жувон ҳуснига
Лекин, ҳайҳот, ўйларми улар
Кўр бўлганин йигитнинг нега?
Бу йигитнинг босган йўлларин.
Кечирганин қанчалар қайноқ,
Унинг рашкин, оғир ўйлармин
Сезармиди ҳамма ҳам биров —
Кўкрагига тақилган медаль
Кўзидаги қора кўзойнак
У кечирган қанча жанг-жадал,
Эслатмасми азобин андақ?!

Х

У ҳаётда ахир не кўрди?
Йигит ақлин таниб кўр бўлди!
Ёвга асир бўлишликдан у
Кўр бўлишни билганди афзал...
Чунки кўр ҳам истаган маҳал,
Эркинликда қушлар куйидан,
Боққа кириб гуллар бўйидан,
Тўйиб ором олиши мумкин...
Аммо, ёвга бўлганлар тутқин.
Гарчи очиқ бўлса ҳам кўзи,
Ёлғиз хона ичра бир ўзи
Нималарни кўриши мумкин,
Нимадан завқ олиши мумкин?
Ёв кўлига тушгандан асир,
Ўз юртида бўлишни басир
Афзал билди. Ғазабкор олчоқ
Қилмоқ бўлди уни маломат.
Ўз юртингни истасанг кўрмоқ
Сенга рухсат деди-ю, ҳайҳот,
Шунда қоро кўзларин ўйиб,
Қаҳ-қаҳ уриб юборди кўйиб.
Кўзларидан қон оқди шу чоқ,
Аммо ёвга у тиз чўкмади.
Қон тўкди-ю кўзидан, бироқ
Шафқат сўраб, кўз-ёш тўкмади.

Кафтларига босиб кўзини
Бир куч билан тутиб ўзини,
Ёвнинг кулги қаҳқаҳалари
Маломати тингунича то,
Бу ҳам жойдан жилмади аммо.

XI

Пўлат ўтда, жангларда одам,
Тобланади дейдилар, бироқ,
Машаққат-у ўтга ҳамма ҳам
Мана шундай дуч келгани чоқ
Қайдан олур чидам-бардошни,
Кўзларидан оқизмай ёшни.

Ахир хазон ўтга текканда
Тобланмайди, кул бўлур фақат.
Эътиқоди суст бўлганлардан
Нима қолур?.. Риё, хиёнат!
Оҳ, бу азоб, аламга бардош
Даҳшатларга қилганда журъат,
Юрагига не солди оташ,
Сеҳрлади қандай муҳаббат.

XII

О, муҳаббат бу бир сеҳрми,
Ё мўъжиза, илоҳий сирми?
Ё негадир бўлган умиднинг
Юракдаги бир туғёними?
Йигирмага кирган йигитнинг
Ҳислар тўла қайноқ қоними?
Муҳаббат — бу — раҳим, қаҳрми,
Ё мўъжиза тўла наҳрми?
Ё ўз ором, тинчидан кечмоқ,
Ўзгалар деб заҳарни ичмоқ?
Шодлик, бахтин йўқотганга у
Бағишлашми табассум, қулгу?

Ё эътиқод, интиқонми бу!
Ё қонларга синган онгми бу!
Ёки ёрнинг сочин исими,
Ёки ватан, халқ севгисими?!
Эвоҳ, лекин бу чидам бардош
Муҳаббатдан туғилган бўлса,
Ўзи севган ўша қора қош
Меҳри билан йўғрилган бўлса,
Лекин икки кўздан айрилиб
Қаршисида бўлганда пайдо
У-чи қилмай севгига вафо,
Кетмасмикан бундан қайрилиб?
Гўзалим деб севганларини,
Мен сеники деганларини
Бўлганида бундай ногирон,
Эслармикан аммо ўша он?
Қандай орзу, қандай муддао
Ёш қалбига бўлган эди жо!

ХIII

Йиллар бедард, юрт обод эди,
Эл-хотиржам, ҳукмрони эрк,
Босқинчига қишлоқ-шаҳарлар
Дарвозаси занжирланган берк.
Тоғ, адирлар сайлгоҳ эди,
Хуррам, тугал қушлар галаси.
Гуркираган базми йигитлар,
Тинмас эди қизлар яласи.
Ишқ-севги ҳур, вафо-муқаддас,
Уланарди тўйлар кетма-кет.
Ҳар қалбда шафқат, муҳаббат,
Ғам-ғуссадан халос эди, чет.
Ҳайҳот! Тўйлар, қушлар навосин,
Бирдан босди уруш наъраси
Ва банд бўлди маълум нафасга
Тунга элнинг бир бўсағаси.
Тутилгандек қуёш ўша кун
Юракларни ғам босди бутун.

XIV

Қахрамони ўша ёз кези
Қишлоғига қайтди ўқишдан
Бир ўй билан ўзидан-ўзи
Сайр қилмоқни истади якка.
Недир ўйни тугиб юракка,
Гоҳ қирларга чиқди югуриб,
Интилгандек тиниқ қуёшга.
Гоҳ булоққа боқиб ўй суриб,
Қолар эди ўлтириб тошга.
Гоҳ кирарди жим-жит толзорга,
Майсаларга берарди бағрин.
Бутоқлардан қуёшлар меҳмонга,
Аста боқиб, очиш-чун баҳрин
Бирин-кетин сайраб кетарди,
У-чи, тинглаб яйраб кетарди.
Назаримда урушу фироқ,
Нелигини билмасди мутлоқ...

XV

Не учундир аммо у бугун
Кўрган каби илк бор ўз юртин,
Қоялардан боққан бургутдек,
Теваракка ташна боқар тек.
Атрофида бир жаннат мисол,
Яшнаб ётар эди Фарғона.
Ўнгурларда гўёки ҳилол
Қор ярқирар. Куриб чордона
Давра олиб бир тўда улфат
Ўлтиргандек атрофда тоғлар...
Ўрталикда гўёки неъмат
Ёзилгандек мевазор боғлар
Яшнаб ётар. Пастда Сирдарё,
Пахтазорлараро тўлғаниб,
Шарқ қуёши ичра товланиб,
Ойна каби ярқирар гўё.
У боқаркан атрофига жим,
Не учундир бирдан табассум,
Юзларидан қочди севинчи.

Кўзларида ёш томчи-томчи
Пайдо бўлди. Боққани сари,
Недур хумор қилган сингари
Бирдаиига хўнграб юборди.

XVI

Ё таажжуб, гўзал, осуда,
Табиатнинг шу масканида.
Тоғдан-тоққа кўчган охудек,
Севинч ҳисси жўшиб қонида.
Тўртта томонга елдек югурмай,
Булоқларга лабини урмай.
Нега ғамгин ўйларга толди!
Қувончлари қайга йўқолди?
Ёки унинг йигит қалбида,
Шу кунларда ватан ғарбида,
Дарё бўлиб оқаётган қон,
Гўё бирдан тошгандек вулқон.
Зилзиладек ўзин зарбасин,
Қора булут каби шарпасин
Солганмиди? Шу гўзал жаннат,
Оромларни яратган инсон,
Яна ўзи қилиши яксон
Солганмиди қалбига даҳшат!
Ё қачондир, Чингизни қувган,
Боболарнинг жанговар қони,
Вужудига ёшлиқдан синган
Ватанига севги туғёни
Яна қайта қўзғалдимиз, ё!
Ёки жондан севгани гўзал
Ваъдасига қилмасдан амал
Юрагига рашлик солдимиз,
Ёки совуқ ғашлик солдимиз!?

XVII

Боғлараро гўзал Фарғона,
Ётар экан елдан тўлғона.
Чаманлардан эсган ел унга.
Бормас эди заррача ҳузур.

Қандайдир дард солиб аланга,
Юрагини ўртарди гур-гур.
У шу жамгин ўйлар қўйнида,
Тиниқ оққан сойнинг бўйида.
Ўлтираркан, ногоҳ ўша кез,
Нилуфардек ўзи севган қиз.
Пайдо бўлди сув парисидек,
Иккаласи тикилишди тек...

XVIII

Қиз турарди ҳўл сочин ёйиб,
Беркитгандек ҳолли бўйнини.
Юзларидан томчилар томиб,
Излагандек унинг қўйнини.
Оқ кўксидан аста сизарди,
Ва қиз юзи бирдан қизарди.
Аммо йигит боқди бепарво,
Кўрмагандек умрида гўё.

XIX

Шундай гўзал? Шундай маъсума,
Бу гўзалнинг гуноҳи нима?
Қиз қилдими ёки хиёнат,
Нега бундай совуқ синоат?
Қиз севгисин яна бир марта,
Синаб кўрмоқ бўлдими қайта?
У жим эди! Аммо қиз унга
Ҳайронликда бирпас термулди.
Термулди-ю, нечундир шунда
Ғазаб билан лаблар чимрилди.
Вужудини шубҳа ва алам
Ўша онда қоплаб олса ҳам,
Қизлик гурур ва орияти
Бир ўй билан чиқдими ғолиб,
Бўғзидаги сўзлари қолиб
Аламларин ютиб ичига
Шиддат билан бурилди бирдан.
Дам ўтмасдан шарпа сингари
Қайларгадир қиз кетди нари.

XX

О, муҳаббат, нақадар сен гунг!
Қалбни изҳор қилишга шу кун
Бор эдику бутунлай имкон,
Кўм-кўк, салқин теракзор — ўрмон.
Жим-жит эди. Наҳот бемалол
Бир ширин сўз айтишга дарҳол.
Нега йигит этмади журъат,
Шунча сеҳринг борми муҳаббат!

Оппоқ, майин оёқларидан
Майсаларга аста солиб из,
Парилардек сеҳрлаб секин
Кўздан ғойиб бўлганида қиз,
Юлдузлардек тиниқ ва шафоф
Ўйнаб турган қуралай кўзи,
Шарқ қуёшин шимган илиқ, соф
Ҳаё билан бўртиган юзи
Наҳот солмас қалбига ором!
Наҳот қилмас тушларида ром!
Суксур каби қора сочлари,
Йигит қалбин қилганда шайдо,
Кўкда тушган каби бир нафас
Чақмоқ каби бўлганда пайдо,
Нега тилсиз ёр бўлдинг севги!
Нега қилсиз тор бўлдинг севги!

XXI

У жим эди қизнинг ортидан
Севги изҳор қилиб чопмади,
Наҳотки у бир гул атридан
Завқ олганча ором топмади!
Наҳот, ўлик унинг ҳислари,
Йигит қони нега жўшмади!
Учраганда шундай бир пари,
Оёқларин нега ўпмади!
Нега у жим? Нега кўксидан
Севги фарёд бўлиб отилмас!
Наҳот маҳрум севгидек ҳисдан
Нега босмас бағрига бир пас!

XXII

Йўқ, у қизни севарди чексиз,
Гўзаллиги қилмади риё.
Бу муҳаббат эртага эсиз
Қолишидан чўчирди аммо.
Қизни кўриб у қолганда лол,
Хаёлида сочларин силаб,
Лабларига кўйиб кўриб лаб,
Муҳаббатдан тотиганда бол,
Эртанги жанг айрилиқ фироқ
Ўртаганди кўксини шу чоқ.
У шу онда ёрга муҳаббат
Нелигини англаган эди.
Айрилишни ўйлагани вақт,
Хаёллари гангратган эди.

XXIII

У умрида хиёнат, вафо
Сўзларини эшитганди-ю,
Аммо, унинг бунчалик жафо,
Машаққатин сезмаганди у.
Мана бугун биринчи марта
Садоқатнинг муқаддаслигин,
Хиёнатнинг тубан, пастлигин
Ҳис қилганди, риёга қарши
Чексиз нафрат, ўч сезган эди.
Айрилиққа бардош бериши,
Ўзида бир куч сезган эди.
Аммо жондан севган гўзали,
Бу жангларда кетган маҳали,
Ёлғиз қолиб гоҳо уйида,
Ўсма сиқиб, хаёл сурганда,
Жим-жит боғлар, сойлар бўйида
Севги хумор қилиб юрганда,
Кўзларига келганида ёш,
Садоқатнинг чидам-у, бардош
Эканлигин англамикин у?!

XXIV

Ою кунлар ўтарди бир-бир,
Жанг майдони бизлардан йироқ
Бўлса ҳамки, аммо нечундур,
Йўқотганди файзини қишлоқ.
Сой бўйида чойхоналарда
Тўда-тўда ош қилувчилар,
Тугун-терсак кўтариб қўлда
Совчилар, қиз кўрувчилар
Сийраклашди. Пахта тўйига
Атаб сайхон, сойнинг бўйига
Қилинган дор ўйналмас қолди.
Дорбозлари жангга йўл олди.
Энди пахта далаларида
От минмаган қизлар минди от.
Карнай-сурнай, тўйлар ўрнида
Қишлоқлардан йиғи-сиғи, дод
Эшитилди дилларни бузиб.
Фарғонанинг чиройи бўлиб,
Юлдуз каби кеча порлаган,
Боғлар ичра товусдек юриб,
Минг йигитни ўзга чорлаган
Қизлар бугун ёрдан айрилди,
Бевақт сўлган гулдек қайрилди.

XXV

Кунларини ўтказар йигит,
Нелигини билмай ҳаловат.
Муҳаббатга ким берар ўгит,
Кимга энди солсин маслаҳат!
Аммо, унинг эртага жангга
Жўнашлиги бўлганда аниқ
Ўша онда бирдан айрилиқ
Ўти олди янада аланга.
Юрагини эзган бу азоб,
Севгисидан бўлган рашкмиди,
Ё сабабсиз бўлган ғашмиди,
У билмасди. Гўёки сароб
Олган эди бутун оромин,

Аммо, йигит шубҳалар домин
Бир куч билан бутун парчалаб,
Қиз олдига бормоқчи бўлди,
Қалбин тўкиб солмоқчи бўлди.

XXVI

Қиз олдига у борганида,
Чехрасида йўқ эди ханда.
Юзларидан кетганди қизил,
Сўлган каби бемаҳал бир гул.
Кеча гулгун яшнаган бу қиз,
Энди тунда ёнгандек юлдуз.
Қора либос ичра чўлганиб,
Айрилиқнинг ўтида ёниб,
Қаршисида туради жим-жит,
Кўзларидан ёш оқиб милт-милт...

XXVII

Айланганди терсга фалак,
Қиз отаси урушда ҳалок,
Бўлди деган келди қора хат
Қора либос кийди муҳаббат!
Шу дам дардин қилмоққа ошкор
Қолмаганди йигитда мадор.
Аммоки, қиз шубҳа туманин,
Азобларда ўтган кунларин,
Эсладими? Ёки тарашлаб
Олдирилган сочига қараб,
Бу йигитнинг ўз жангчиси деб,
Отасининг қасосчиси деб,
Билгандами, дадил туриб қиз,
Сўзлай олди фақат бир оғиз:
— Эгнимдаги бу қора либос,
Сен қайтгунча тушмас устимдан!..
Фақат шундай деди-ю, беҳос
Кучоқлади йигитни бирдан.
Бу қасамёд, чин меҳр эди,
Севгисига бир муҳр эди.

XXVIII

Мана жанга йигит ҳам кетди.
Бу орада ой, йиллар ўтди.
Дақиқалар имиллаб ўтар,
Синагандек қиз тоқатини.
Ҳар тонг унинг йўлларин кутар:
Қўлларига суртиб хокини.
Айрилиқнинг дарди-алами
Етмагандек қиз бечорага,
Кутмаганда акасин гами
Тушиб қолди бирдан орага.
Жангдан келди қизнинг акаси,
Бир оёқдан қайтди айрилиб.
Истакдоши, севган эркаси,
Қарамади унга қайрилиб.
Келганига қилмади шукр.
Ўзга ёрни қилди ихтиёр.
Жанг бехатар бўлурми охир
Наҳот жангчи бўлса гуноҳкор!
Бу аламга энди нечора?
Нима қилсин йигит бечора!
Қиз акасин ёнига кириб
Аламига берарди таскин,
Ҳайҳот! Ҳайҳот! Кўздан айрилиб
Ўз ёрини қайтиши лекин:
Билармиди? Кўрган чоғида
Бу қилмасми севгига риё!
Эркалатиб ўз кучоғида
Кўзларига бўлурми зиё!

Бахтсиз холин билмаган инсон
Бўлолурми бахтли ҳечқачон!

XXIX

Биз кўз қараш баъзан юракка,
Севги бўлиб кириши мумкин.
Бир совуқ сўз дилларни тилка
Қила олур баъзида бутун.

Севган бўлса у ширин сўзини,
Ёки ўйноқ қора кўзини,
Буни кўзсиз кўрганда бирдан,
Қиз олурми ўз севгисин тан?
Йигит шуни ўйлагани вақт,
Босар эди қалбин хижолат.

Аmmo қиз-чи, уни кўрган кун,
Эгнидаги қора либосин
Севинч билан устидан ташлаб,
Келинликнинг кийди сарпосин.
Шунда қизнинг айтган сўзлари
Қулоғимдан кетмайди нари:
«Сен йўғингда менинг кўзларим,
Шу чоққача очиқ бўлса ҳам
Аmmo дилим, менинг ўйларим,
Қоп-қоронғу эди бу олам.
Юрагимни қоплаб ётган тун
Мана бугун чекинди нари.
Юрагимни ёритди бутун
Муҳаббатнинг, севгинг гавҳари.
Юракларда ёнмас экан нур
Кўзлар топмас ҳаётдан ҳузур.

XXX

Кўп йил ўтди ўшандан буён,
Бу эртакдек орқада қолди.
Бу орада ўзгарди замон,
Вайроналар изи йўқолди.
Қаҳрамоним ўсгани қишлоқ,
Қиёфасин ўзгартди бутун.
Аmmo, бу-чи, кўролмас мутлоқ,
Яшнаб ётган атрофни гулгун.
Безмаса ҳам қораю оқни,
Яхшилигу, ҳақу-ноҳақни,
Бир одамдек билар эди у,
Юрагидан сезар эди у.
Назаримда ёв олчоқлари,
Кўзларини олганда ўйиб,
Икки кўзин қорачиғларин,

Юрагига солганди кўмиб,
Бу дунёнинг шодлигу алам,
Ташвишидан эмасдир маҳрум.
Шодлик дарди унинг бир олам
Тушкунликка бўлмаган маҳкум.
Айниқса у баҳор келганда
Фарзандлари яйраб кулганда,
Кўшилишиб бирдам кулар-у,
Яна, қоплар юзини қайғу!
У шуларнинг кулгусини деб,
Ўз Ватани, келгусини деб,
Кўзларидан айрилганини,
Ўйлармикан кўзи очиқлар!
Баъзан ногоҳ қоқилганини,
Кўрганида кулмасми улар!
Бу қоқилар, туртинар гоҳо,
Икки кўзи очиқлар аммо,
Кўрлик қилиб ёруғ жаҳонни,
Бу авлодлар мангу кўришдан
Маҳрум этмай,
қонли урушдан
Сақлаб олиб қолсайди қани?

Бу сўзларни қиларди такрор,
Айниқса у келганда баҳор.
Баъзан илиқ куёшнинг нури,
Силаганда унинг юзларин,
Чимирилиб қошу кўзлари,
Ушлаб олмоқ бўларди уни,
Мен у билан кўришмай қачон,
Сезар эдим нурга ташналик,
Бўлса ҳамки, кўзи ногирон,
Қолган эди нурга ошналик.

МУНДАРИЖА

Сўз боши ўрнида Қ. Йўлдош	5
-------------------------------------	---

ШАФАҚ

Ҳамду сано бўлсин	18
Қуёш ботиб...	19
Ойбекнинг гули	20
Боғдан эшитилди	21
Мунча боқиб	21
Сен мени соғинсанг...	21
Расул Ҳамзатовни хотирлаб	22
Мусича	24
Очлик ва муҳаббат	25
Битта мен ўзимми?	26
Гуноҳ	27
Сенга совға	28
Ўлим	29
Иймон	30
Чўлғаган чоғлар	31
Тирик ўлмоқ	32
Туш	33
Одам боши	34
Соя	35
Баъзан сескантиради	36
Ўнгиздан қўймасин	37
Умид	38
Зиёратгоҳ	39
Қатра ёш	40
Япроқларни тўкди	41
Кўр ҳассасин	42
Ёз кетди	43
Бу Ватан меники	44
Миллатни мадҳ этмоқ	45
Сен учун дедим	46
Тушингни сувга айт	47
Оқшом келаман деб	48

Хаёл	49
Нима бўлар бу дунё	50
Суз	51
«Ўлим яхши...»	52
Каллани одамга ўйлашга	53
Кайф	53
Қарғиш	54
Рашк	54
Кўмсаш	55
Орзу умид	56
Бошларимда не савдо	57
Мукофот	58
Қани болалигим	59
Кимдир дардларимни	59
Соғлом одам	60
Чаманларни ўзи асрасин	63
Олиб келди	64
Қор бўралар	64
Гул гунча	64
Ором	65
Савол	66
Улфатда	67
Менинг нафасим	68
Осмонда	69
Бугун менинг уйимда	69
Чинорнинг шохлари	70
Чумчиқ шохга қўнди	70
Мендан гина қилма	71
Истак	72
Менинг юртимда истиқлол	73
Мудлао	74
Истиқлол тонги	75
Қуёш кукунлари	76
Гумбур, гумбур	76

РУБОЙЛАР

ДЎСТЛАР ОВОЗИ

Сен билан	86
Бизнинг йўллар (<i>В. Кулиевдан</i>)	87
Кимки	88
Кўз олдимда	89
Тоғ сояси	90
Марҳаматни билмасангиз	91

Тўхтанг, афсус	92
Чўққи устида қуёш	93
Яшагим келади	94
О, муҳаббат (<i>М. Карим</i>)	95
Минг шукр	96
Нечун (<i>М. Танк</i>)	98
Набирам Шаҳризодга (<i>Р. Ҳамзатов</i>)	99
Шон-шуҳрат	100
Булут (<i>М. Рудин</i>)	101
Умид (<i>Гёте</i>)	102
Умр йўлинг (<i>Байрон</i>)	103
Йиғлаётган қизга	104
Альбомга	104
Менга тўғри (<i>Г. Гейне</i>)	105
Сарой ва кулба. (<i>Шандор Петефи</i>)	106
Итлар қўшиғи	108
Бўрилар қўшиғи	109
Тиса	110
Булутлар	112
Сабр ҳақида	114
Бўз кийган қаҳрамонлар	115
Оташ	116
Нақадар яхши ҳаёт	117
Ўрмоннинг ўз куйчи қуши бор...	119
Ҳеч ким кўрганми?	120
Агар бўлсам эди...	122
XIX аср шоирларига	123
Қирол ва жаллод	125
Тун. Аёз (<i>Аветик Исаакян</i>)	127
Онамга	128
Қайтиш	129
Озодлик қўнғироғи	130
Ватанимга	131
Янги йил тонги	132
Қушлар қўшиғи	133
Бизнинг кураш	134
С. Г. Загияннинг ўлмас хотирасига	135
Улуғ ғалаба кунни	136

РАНГИН ДУНЁ

Агар баъзи бирлар	138
Дунё ва одамлар	139
Розиман	140
Розилик	142

Қирқ йиллик дўстингдан	143
Баъзилар дўст	144
Шамол	145
Унитиш	146
Она ва тиш	147
Ҳасса	149
Тишларинг	150
Туш йўйиш	152
Бедард	153
Куз	154
Ватанда менинг бахтим	155
Дарди йўқ керак	156
Гулдурос қарсақлар	157
Қайси бирисиз?	158
Йўлбарс боласи	159
Мен ўлган эмишман!	160
Оқибат	161
Соқоллари оппоқ	162
Яна баҳор	163
Ўйлар	164
Саховат	165
Баҳор жозибаси	166
Сизга деганим	167
Ҳусн ҳақида дўстларимнинг айтганлари	169
Тенглик	170
Муҳаббат муҳри	171
Виждон	172
Ватан ҳақида кўшиқ	173
Ёлгончи	174
Қабр тоши	175
Қабристонда	175
Отамнинг ёшига	176
Қарғалар	177
Гўдак	178
Қайтиш	179
Жимжит!	180
Эслаш	181
Қиш эртаси	182
Күёш ёр васлига	183
Қизим Хуршидахонга	184
Кўнгил калити	185
Шалола	186
Афсус чекма	187
Гўдак йиғиси	188
Қайроғоч	189
Капалак	190

Она ер завқини унутма сира!	191
Илҳом	192
Албомга	193
Истайманки...	194
Садоқат	195
Мактуб	196

ДОСТОНЛАР

Аср баҳси (<i>икки дoston</i>)	198
Нур (<i>кўнгил чироғи</i>)	217

ШУКРУЛЛО
ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

II жилд

*Шеърлар
рубойилар
достонлар*

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2008

Мухаррир *Ш. Эргашева*
Бадий муҳаррир *М. Самойлов*
Рассом *Г. Шоабдурахимова*
Техник муҳаррир *Р. Бобохонова*
Мусаҳҳиҳ *Ш. Хуррамова*
Саҳифаловчи *А. Шафиуллина*